



Д.А.РАХМОНОВ, А.У.ШЕРОВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ
СИЁСАТИ: НАЗАРИЯ ВА
АМАЛИЁТ**

ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Д.А.РАХМОНОВ, А.У.ШЕРОВ

**ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ СИЁСАТИ:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

(Монография)

Тошкент – 2020

УЎК: 336.144(575.1)

КБК: 65.261.3я7.

Рахмонов Д.А., Шеров А.У. «Ўзбекистонда бюджет сиёсати: назария ва амалиёт». (Монография) – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020, – 120 б.

ISBN 978-9943-6730-7-6

Мазкур монографияда бюджет сиёсатининг илмий-назарий ва ўзига хос хусусиятларининг назарий асослари тадқиқ этилган, Ўзбекистонда бюджет сиёсатининг амалга ошириш йўналишлари аниқланган ва баҳоланган. Шу билан бирга, хорижий мамлакатлардаги бюджет харажатларини амалга ошириш йўналишлари ўрганилган бўлиб, бюджет сиёсати самарадорлигини белгилаб берувчи омиллар ҳам тизимлаштирилган. Ўзбекистонда бюджет сиёсатининг ривожланиш тенденциялари ва унинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган. Бюджет ижросининг ҳудудий амалга оширилиш тенденцияларини таҳлил этилиши асосида Ўзбекистонда бюджет рискинни бошқариш – бюджет сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги асосланган. Олиб борилган таҳлиллار асосида бюджет сиёсати самарадорлигини ошириш омилларининг методологик асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ушбу монографиядан молия соҳасидаги илмий изланувчилар, магистрантлар, молия соҳасидаги амалиётчи ходимлар ҳамда молия тизимига кизикувчилар фойдаланишлари мумкин.

УЎК: 336.144(575.1)

КБК: 65.261.3я7.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2020 йил 30 октябрдаги 3-сонли қарорига асосан чоп этилди.

ПЗ-20170928537 «Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришни такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида нашр этилган.

Масъул муҳаррир и.ф.д., проф. Н.Х.Жумаев


Такризчилар: **Х.А.Қурбонов** – и.ф.н, доц. ТДИУ Молия кафедраси мудири

И.М.Ниязметов – и.ф.д. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти, лойиҳа раҳбари

ISBN 978-9943-6730-7-6

© «Инновацион ривожланиш нашриёт - матбаа уйи», 2020;

© Д.А.Рахмонов, А.У.Шеров, 2020.



маҳаррир

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	4
I-боб.	БЮДЖЕТ СИЁСАТИ ЙЎНАЛИШЛАРИ ШАКЛЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	6
1.1.	Бюджет сиёсатининг илмий-назарий асослари ва ўзига хос хусусиятлари	6
1.2.	Ўзбекистонда бюджет сиёсатини амалга ошириш йўналишлари	26
1.3.	Хорижий мамлакатларда бюджет харажатларини амалга ошириш йўналишлари	18
1.4.	Биринчи боб бўйича хулосалар	41
II-боб.	ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ СИЁСАТИ ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ	49
2.1.	Бюджет сиёсати самарадорлигини белгилаб берувчи омиллар таҳлили	49
2.2.	Ўзбекистонда бюджет сиёсатининг ривожланиш тенденциялари ва унинг амалдаги ҳолати таҳлили	59
2.3.	Бюджет ижросининг ҳудудий амалга оширилиш тенденциялари	72
2.4.	Иккинчи боб бўйича хулосалар	84
III-боб.	ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	88
3.1.	Бюджет сиёсатини шакллантиришнинг замонавий йўналишлари	88
3.2.	Ўзбекистонда бюджет рискинни бошқариш – бюджет сиёсатининг устувор йўналиши	97
3.3.	Учинчи боб бўйича хулосалар	108
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	110
	Фойдаланилган адабиётлар	113

КИРИШ

Жаҳон иқтисодиётида беқарорликнинг ошиши мамлакатлар иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ўз навбатида бюджет сиёсати, жумладан, бюджет харажатларини амалга оширишнинг оптимал нуқталарини топиш долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда. Айниқса, ЯИМга нисбатан бюджет харажатларининг улуши даромадларга нисбатан анча юқори бўлаётганлиги масаланинг мураккаблигини кўрсатади. Бу борада, жаҳоннинг йирик иқтисодиётларида кузатилаётган давлат бюджети дефицити 2010 йилдан сўнг сезиларсиз даражада пасайганлиги ёки АҚШ, Япония, Буюк Британия ва Франция каби мамлакатларда ўртача 2 фоиз атрофида бўлаётганлиги¹ билан изоҳланади. Шунингдек, Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, дунёнинг жами қарзи 54 фоизга ортиб, 2018 йилда ушбу кўрсаткич ЯИМга нисбатан 170 фоизга етди². Ушбу тенденциялар вужудга келишининг асосий сабабларидан бири сифатида инқирозли ҳолатлар келтирилади. Инқирозли даврларда иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш давлат зиммасида қолганлиги сабабли давлат бюджет маблағларига мурожаат қилинишига тўғри келади ва бюджет сиёсатида фавқулудда ўзгаришларни амалга оширишга зарурат туғилади.

Етакчи мамлакатларда бюджет сиёсатининг устувор йўналиши сифатида бюджет харажатларининг оптималлаштирилиши, манзиллилиги ва натижага эришилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, бюджет rischi категорияси, Ўзбекистон шароитида қўлланилмаган бўлсада, кўплаб давлатлар бюджет сиёсатининг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Бюджет харажатларининг манзиллилигини таъминлаш орқали натижага йўналтирилган бюджетлаштириш амалиётини жорий этишга эришиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада, ўрта муддатли бюджетлаштириш омили асосий усуллардан бири эканлиги кўплаб давлатлар тажрибасидан маълум бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, бюджет сиёсатини янги тенденцияларни инobatга олган ҳолда модернизациялаштириш масаласи долзарблик касб этапти.

¹ OECD data – General Government. <https://data.oecd.org/gga/general-government-revenue.htm#indicator-chart>

² World Bank data. <https://www.worldbank.org/>

Ўзбекистонда 2005-2017 йиллар мобайнида бюджет дефицитининг кузатилмаганлиги, ташки қарз даражаси ЯИМга нисбатан 10 фоиздан ошмаганлиги бюджет сиёсатининг юмшоқ шароитларда амалга оширилганини англатади. Бундан эса, бюджет сиёсатининг янгиланиши талаб этилмаганлиги кўринади. 2017 йилда миллий валютанинг расмий девальвациясининг амалга оширилиши, 2019 йилдан ўрта муддатли бюджетлаштириш амалиёти қўлланилишининг бошланиши билан Ўзбекистон бюджет сиёсатида янгиланишларни амалга оширишнинг зарурати юзага келмоқда. Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг: “Бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш зарур”³, деб таъкидлаши ҳам юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги 589-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сонли “Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сонли “Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда, ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

I БОБ. БЮДЖЕТ СИЁСАТИ ЙЎНАЛИШЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Бюджет сиёсатининг илмий-назарий асослари ва ўзига хос хусусиятлари

Мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида давлат вазифаларининг самарали бажарилиши, айниқса, муҳим ҳисобланади. Шу боисдан, давлатнинг зиммасида бўлган ижтимоий ва сиёсий фаолиятни амалга оширилишининг молиявий асослари бюджет маблағлари билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатда бюджет ислохотлари давлат хизматларининг сифатини оширишга қаратилган ҳолда амалга оширилишини назарда тутди. Бу эса ўз навбатида, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради.

Бюджет сиёсатининг моҳияти давлат зиммасидаги вазифаларни бажарилишида, бюджет харажатларининг мазкур йўналишда амалга оширилиши билан белгиланиши тарихий тажрибадан маълум. Ўз ўрнида, бюджет маблағларидан фойдаланиш орқали давлат жамиятдаги иқтисодий мувозанатни таъминлашга ҳам ҳаракат қилади. Маълумки, молия категориясининг функциясида тақсимлаш (қайта тақсимлаш) жараёни юзага келади. Молия тизимида мамлакатдаги яратилган ялпи қийматнинг бир қисми солиқлар ёрдамида бюджет тизимига тақсимланади. Бунда юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўзларининг даромад ва мулклари ҳисобидан давлатга мажбурий тўланган солиқлар давлат ихтиёрига келиб тушади. Натижада, молиянинг қайта тақсимлаш функцияси ёрдамида давлат ихтиёрида жамланган маблағлар бюджет ёрдамида қайта тақсиманади. Мазкур жараёнда эса, давлат мамлакатда тинчлик, ижтимоий барқарорлик ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш вазифаларини молиявий таъминлаш учун йўналтиради.

Шу боисдан, бюджет харажатлари доирасида давлатда мавжуд бўлган вазифаларни оптималлаштириш орқали маблағлардан самарали фойдаланишнинг зарурияти келиб чиқади. Фикримизча, мазкур вазифаларни молиявий маблағларнинг ҳажми билан эмас, балки бозор механизмларининг ишлаш принциплари асосида такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Сабаби, маблағларнинг етишмаслигидан вазифаларни қисқартириш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Бюджет харажатларини оптимал тақсимлаш, энг долзарб

масалаларни ўзида акс эттирган соҳаларга маблағларни йўналтириш бюджет сиёсатининг устуворликларини ўзида акс эттиради.

А.Смит ўзининг назариясида давлат зиммасида бир қатор мажбуриятлар мавжудлигини қайд этиб ўтиб, давлат бюджетидан молиялаштириш нуқтаи назаридан қуйидаги учта соҳага эътибор қаратади⁴:

- мудофаага харажатлар;
- адолат (ижтимоий тенглик назарда тутилган) учун харажатлар;
- жамоат ишлари ва жамоат муассасалари учун харажатлар.

Мудофаага харажатлар ҳақида фикр юритилганда, давлат томонидан тинчлик даврларида ҳам ҳарбий харажатларнинг амалга оширилиши ва унинг зарурияти тўғрисидаги ёндашувларни баён этиб ўтади. Адолат нуқтаи назаридан харажатларни амалга оширишда аҳолини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш назарда тутилади. Жамоат муассасаларини молиялаштириш ҳақида фикрлар билдирилганда, аҳолининг таянч таълим олиш ва касбга йўналтириш борасидаги давлат харажатлари муҳим ўрин тутиши қайд этиб ўтилади. А.Смит бозор иқтисодиёти давлат аралашувисиз тинчлик ёки ижтимоий адолатни таъминлай олмаслигини таъкидлаб айтади. Шу нуқтаи назардан, энг яхши бюджет – бу баланслаштирилган бюджет, деб қайд этиб ўтгани алоҳида аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Амир Темур даврида ҳам бюджет сиёсатининг ўзига хос фундаментал асослари яратилган. Жумладан, Соҳибқирон салтанатида бир нечта вазир фаолият олиб борган. “Биринчи вазир мамлакат ва аҳоли ишлари вазири бўлган, у солиқ ва ўлпонларни тўплаш, тақсимлаш, кирим-чиқимларни белгилаш ва ҳисоб-китоб қилиш, мамлакатнинг ободонлиги билан шуғулланган. Иккинчи вазир – қўшинлар вазири бўлиб, у аскарлар (сипоҳий)га бериладиган маош, хизмат эвазига бериладиган ер-сув ёки бошқа мулкни идора қилган. Учинчи вазир – эгасиз қолган мулкларни бошқариш ва давлатга тушадиган закот ҳамда божларни сақлаш билан шуғулланган. Қолган учта вазир чегара туманларидаги молиявий масалалар билан шуғулланган. Ҳадя қилинган мамлакатларда солиқларни йиғиб, аҳолининг кайфиятини кузатиб

⁴ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов.
http://www.pseudology.org/business/Adam_Smith_Bogatstvo_narodov2.pdf

турувчи, харажатларни чиқим дафтарига ёзиб боровчи икки нафар вазир тайинланган. Барча вазирлар девонбегига бўйсунганлар⁵”.

Таъкидлаш лозим, бюджет харажатларининг долзарб иқтисодий кўрсаткич эканлиги, унинг мавжуд бўлиши, давлатнинг зиммасидаги вазифаларнинг юзага келиши билан изоҳланади. Фикримизча, бюджет сиёсатининг назарий жиҳатлари А.Смитнинг асарларида ўз аксини топиб, унда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаларини молиялаштириш заруриятининг концептуал асослари акс эттирилган. Унда давлат учун бирламчи аҳамиятга эга бўлган сиёсий барқарорлик билан бирга, ижтимоий соҳа харажатлари ҳам кўрсатиб ўтилган.

Бизнингча, Амир Темури тузуқларида давлат бюджети тажрибасининг аниқ амалий фундаментал асослари яратилган ва синовдан муваффақиятли ўтказилган. Қайд этиш лозим, бюджетнинг ободонлаштириш харажатлари билан бирга, мулкларни давлат ихтиёрига ўтказиш каби ноёб амалий тажрибаларни ҳам кўриш мумкин. Ҳаттоки, божхонада жамланувчи солиқларга ҳам алоҳида эътибор берилганлиги ушбу тажрибанинг илғор хусусиятга эгалигини исботлаб турибди.

Умуман олганда, бюджет харажатлари мамлакатдаги қўшилган қийматнинг маълум қисмини иқтисодиётнинг ўзига қайта тақсимлаш орқали мувозанатлашган тақсимотни таъминлаб туради. Унинг объектив сабабини тинчликни ёки ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган фаолиятни хусусийлаштиришга йўл қўйиб бўлмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Бюджет сиёсатининг илмий-назарий асосларига бағишланган бир қатор тадқиқотлар ўзбекистонлик олимлар томонидан ҳам амалга оширилган. Жумладан, Б.Жўраев бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджетининг ролини тадқиқ этган⁶. У бюджет орқали давлатни бошқаришда учта тамойилни кўрсатиб ўтади, булар – самарадорлик, барқарорлик ва ижтимоий адолатлилик. Шунингдек, бюджетнинг барқарорлигини таъминлашда харажат ваколатларининг бўлиниши маълум тамойилларга асосланишини таъкидлаб ўтади. Хусусан, улар қуйидагилардир:

⁵ Муқимов З. Амир Темури тузуқлари (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). Иккинчи тўлдирилган нашри. – Самарқанд: СамДУ, 2008. – 131 бет.

⁶ Жўраев Б.А. Бозор иқтисодиёти шароитида Давлат бюджетининг роли: и.ф.н. ... авторферат. –Тошкент, БМА: 2001. – 21 б.

- харажат ваколатларининг бюджет хизматидан фойдаланувчиларга мумкин қадар яқинлиги;
- бир қатор харажатларни марказлашган тартибда амалга оширишнинг фойдалилиги;
- ташқи самаранинг ҳисобга олиниши.

Г.Қосимова ижтимоий-маданий тадбирларни ривожлантиришда бюджет сиёсатининг роли борасида тадқиқотлар олиб борган⁷. Муаллиф ижтимоий соҳа харажатларини молиялаштиришда нафақат бюджет маблағларидан фойдаланиш, балки хусусий сектор молиявий ресурсларини кенг жалб этган ҳолда, амалга ошириш муҳимлигини қайд этиб ўтади. Жумладан, таълим тизимида кўшимча хизматларни кўрсатиш орқали даромад келтирувчи фаолиятларга урғу берилган бўлса, тиббий хизматларнинг таъминланишида, тиббий суғурга амалиётининг ривожлантирилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилади. Шунингдек, бюджет харажатлари ижросини таъминлашда ғазначиликнинг жорий этилиши натижасида ижро билан боғлиқ бўлган харажатларнинг қисқаришига эришиш мумкинлиги, мамлакатимизда ғазначилик тўғрисидаги қонунчилик қабул қилинишидан бир йил олдин, бу тизимга ўтишдан тўрт йил олдин айтиб ўтилади. Шу билан бирга, хусусий пенсия фондларини ташкил қилишнинг ҳам афзаллик жиҳатлари кўрсатилган.

Қайд этиш лозим, юқоридаги олимларимиз томонидан шакллантирилган илмий хулосалар замонавий хусусиятга эга бўлмоқда. Жумладан, харажатлар ваколатининг бюджет хизматидан фойдаланувчиларга яқин бўлиши ҳақида фикр юритилганда, бюджетнинг шаффофлиги, бюджет харажатларини жамоатчилик фикри асосида амалга ошириш мумкинлиги билан изоҳлаш тўғри бўлади. Бу эса, 2018 йилдан ривожлана бошлаган фуқаролар учун бюджет концепциясининг шаклланиши билан уйғун келади.

Бу борада, мамлакатимизда етарли даражада тажриба тўпланган, деб ўйлаймиз. Масалан, ўз-ўзини бошқариш субъекти бўлган маҳалла институти жамоатчилик назоратининг рўёбга чиқари-

⁷ Қосимова Г.А. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсатининг роли (Ўзбекистон Республикаси мисолида): и.ф.и. ... авторферат. –Тошкент, БМА: 2001. – 21 б.

лишида муҳим роль ўйнайди. Бюджет сиёсатининг амалга оширилишида жамоатчиликнинг иштироки тўғрисидаги жиҳатларга хорижлик олимлар томонидан ҳам эътибор қаратилган.

Жумладан, жамоатчилик бошқаруви тамойиллари тўғрисида Е.Дуплинская куйидаги фикрларни билдириб ўтади⁸. “Улар: барқарорлик, жамоатчиликнинг иштироки, манфаатдорлик, жавобгарлик каби жиҳатлардир”.

Мамлакатимизда жамоатчилик бошқарувининг иштирокини назарда тутувчи ислохотлар бошланган бўлсада, баъзи харажатларни марказлаштирилган ҳолда таъминланиши доминант хусусиятга эгаллиги кўзга ташланмоқда. Масалан, мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи соҳа харажатларини келтириш мумкин. Шунингдек, бюджетга молиявий юкни камайтириш мақсадида, бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш механизмига шарт-шароит яратиш ҳақида хулосалар берилган.

Шунингдек, иш ҳақиға асосланган ҳолда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги нисбатни аниқлаш методологияси А.Моисеев томонидан илгари сурилади. Бу орқали “давлат киймати” категориясини баҳолаш имкони вужудга келишини қайд этиб ўтади. Бунда давлат ва хусусий секторда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳар бир соати учун ўзаро нисбатни аниқлаш орқали қайси секторга кўп ҳақ тўланаётганлигини аниқлаш услуби таклиф этилади. Олим бир нечта давлатнинг ушбу кўрсаткичларини ўзаро таҳлил этиб чиқади. Натижада, бир қатор (Германия, Эстония, Словакия, Швеция ва АҚШ) мамлакатларда давлат сектори хусусийга нисбатан 30 фоиз кўп бўлсада, иш ҳақидаги фарқлар сезиларли даражада эмаслиги маълум бўлади.⁹

Таъкидлаш лозимки, бюджет макроиктисодий миқёсда даромадларни мувозанатлаш воситаси сифатида ҳам ўз вазифасини бажаради. Мазкур масала нафақат тарихий жиҳатдан, балки замонавий жиҳатдан ҳам тадқиқотларда ўз аксини топмоқда.

Иқтисодий нуқтаи назардан, “бюджет” тушунчаси бюджет муассасаларининг ўзаро иқтисодий муносабатларини ўзида акс

⁸ Дуплинская Е.Б. Оценка результативности бюджетного регулирования в условиях модернизации публичного управления: автореферат ... к.э.н. - НОУ ВПО «Сибирская академия финансов и банковского дела». - Новосибирск, 2011. – 20 с.

⁹ Моисеев А.К. Макрофинансовая политика экономического роста: автореферат ... д.э.н. – Институт народнохозяйственного прогнозирования РАН. – Москва, 2017. – с. 45.

эттирган категория сифатида намоён бўлади. Бу эса баъзи замонавий назарияларда тор муносабатларни акс эттиради, деган фикрни ўртага олиб чиқади. Масалан, неоинституционал назарияда бюджет давлатнинг ҳуқуқий тузилмаси билан боғлиқ тарзда юзага келиши қайд этиб ўтилади. Бу эса бюджетга ички томондан иқтисодий муносабатлар йиғиндиси сифатида, ташқи томондан ҳуқуқий тузилма тарзидаги қарашларни вужудга келтиради. Шу боисдан, бюджет сиёсатини ишлаб чиқишда, фикримизча, унга ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий муносабат тарзида ёндашиш зарурати юзага чиқади.

Н.Козлов маҳаллий бошқарув ваколатларини амалга оширишнинг молиявий таъминотини ўзига хос жиҳатларини кўриб ўтади¹⁰. Жумладан, Россия Федерацияси бюджет тизимида бюджетлар ўртасида даромад ва харажатларни чегаралаш тамойилини харажатни амалга ошириш ваколатлари адекватлиги ва мезонлилигини инobatга олган ҳолда, шакллантиришни қайд этади. Шунингдек, маҳаллий бошқарув органларига ўз функция ва вазифаларини бажаришида уларга маълум даромадларни бириктириш заруриятини асослаб беради.

Умуман олиб қаралганда, федератив давлатларда ҳудудий бюджетларнинг даромад ва харажатларини мустақил бошқариш ваколатлари кенг эканлиги маълум. Ҳозирги кунда унитар тузилишга эга бўлган давлатларда ҳам ҳудудларнинг мазкур турдаги ваколатларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йилдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасида: “маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкаларини конун ҳужжатларида белгиланган микдорлар доирасида белгилаш”, деган қоида белгиланган. Мазкур қоида 2013 йилда киритилган ўзгартириш натижасида юзага келганлигини инobatга олинса, ҳудудий барқарорликни таъминлашда ҳудудий бюджет сиёсати юритилишининг ролини ошириш назарда тутилаётганлигини англаш мумкин.

¹⁰ Козлов Н.И. Финансовое обеспечение реализации полномочий местного самоуправления автореферат ... к.э.н. – ФГБОУ ВПО «Государственный университет – учебно-научно-производственный комплекс». - Орел, 2012. – с. 25.

Бу борада, ўзбекистонлик олимлардан А.Суванов¹¹ бюджет муносабатларига институционал жихатдан қараб, уни тартибга солишда бюджетлараро муносабатларни, уларни тартибга солувчи даромадларини қайд этади. Жумладан, маҳаллий бюджетлар олдида қуйидаги муаммолар мавжудлигини таъкидлайди:

- бюджет маблағларининг ҳудудлар бўйича тақсимоотида харажатлар қўлами ҳамда маблағларнинг чекланганлиги оқибатида бюджет ресурсларига бўлган эҳтиёжни қондира олмаслик муаммосининг ечимини топиш;

- бюджет тизимида маҳаллий бюджетларнинг мустақиллиги ҳақида ва унинг молиявий-иқтисодий заминларига доир тортишувларнинг илмий асосланишини ҳамда бу борадаги ҳуқуқий-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш;

- ривожланган мамлакатлар бюджет амалиётида кенг қўлланилаётган бюджет ресурсларини бюджет бўғинлари ўртасида тақсимлаш жараёнидаги тегишли асослар ва мезонларга амал қилиш муаммоси ҳамда уларнинг ҳал қилиниши.

Бюджет сиёсатида ҳудудларнинг молиявий барқарорлиги жихатидан баҳо бериш хорижлик олимлардан С.Богомоловнинг ҳам илмий ишларида намоён бўлади. Олим томонидан бюджет тизими барқарорлигини таъминлашда, қуйидаги жихатларга эътибор қаратиш тақлиф этилган¹²:

- ҳудуд ва ҳудудий тузилмалар бюджетлари даромад/харажатлари моддаларини гуруҳлаштириш ва унификациялаш орқали бюджет ижросининг ҳисобот кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

- ҳудудларда бюджет барқарорлиги жами индикаторлар тизими асосида баҳолаш услуби ишлаб чиқилган;

- ҳудуд ва ҳудудий тузилмалар бюджет барқарорлигини молиявий оқимларни инобатга олган ҳолда бюджет рискларини баҳолаш тизими шакллантирилган;

- бюджет харажатларининг мезонлар тизими ҳам ишлаб чиқилган.

¹¹ Суванов А.Т. Маҳаллий бюджетлар ижроси самарадорлигини ошириш йўналишлари (Наманган вилояти мисолида): и ф.н. ... автореферат. – Тошкент: БМА, 2005. – 21 бет.

¹² Богомолов С.В. Оценка бюджетной устойчивости и эффективности управления бюджетными средствами муниципальных образований и субъекта РФ: автореферат ... к.э.н. – ГОУ ВПО «Нижегородский государственный университет им. Н.И. Лобачевского». - Нижний Новгород, 2010. – с. 28.

Шунингдек, бюджет сиёсатига институционал жиҳатдан ёндашган олимларимиздан бири Х.Қурбонов¹³ ҳисобланади. У бюджетлараро муносабатларни асослашда қуйидаги тамойилларни келтириб ўтади:

- бюджет тизимининг бўғинлари ўртасида бюджет харажатларининг тақсимланиши ва бириктирилиши;
- бюджет тизимининг турли даражалари бўйича тартибга солувчи даромадларнинг чегараланиши;
- турли даражадаги бюджетларнинг тенглиги;
- ҳудудлар иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишни рағбатлантирилиши.

Қайд этиб ўтилган тадқиқотларда бюджетнинг тузилиши нуқтаи назаридан фикрлар илгари сурилган. Бунда бюджетларнинг харажатларини маблағ билан таъминлаш, уларнинг мустақиллигини ошириш каби жиҳатларга эътибор берилган. Шунингдек, бюджетлараро муносабатларни шакллантиришда уларнинг ўртасидаги ваколатларнинг тақсимланиши, улар тенглигини таъминлаш ва ҳудудлар салоҳиятидан келиб чиқиб, тартибга солувчи даромадларни белгилаш амалиётига урғу берилади.

Умуман олганда, яна бир қатор ўзбекистонлик олимлар бюджет сиёсатининг баъзи жиҳатлари тўғрисида ўз хулосаларини баён қилишган. Масалан, бюджет интизомини амалга ошириш орқали бюджет харажатларидан самарали фойдаланиш назарда тутилган. Б.Турабовнинг тадқиқотларида қуйидаги хулоса шакллантирилган. “Мамлакатимизда бюджет интизомини мустаҳкамлашнинг зарурлиги, бир томондан, бюджет даромадларини шакллантириш масалалари билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, шу нарсани бюджет харажатларидан фойдаланиш ҳам такозо этади. Ижтимоий соҳа, иқтисодийёт тармоқлари, марказлаштирилган инвестициялар, ҳокимият ва бошқарув идоралари, мамлакат мудофаа кудрати ва бошқа харажатларни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган ҳозирги ҳолатлар бюджет интизомини мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатади”¹⁴, дея таъкидлайди.

¹³ Қурбонов Х.А. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш: и.ф.н. ... автореферат. – Тошкент: БМА, 2010. – 22 бет.

¹⁴ Турабов Б.Т. Бюджетдан молиялаштирилаётган муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш масалалари: и.ф.н. ... автореферат. – Тошкент: БМА, 2007. – 20 бет.

Х.Абдуллаев томонидан олиб борилган тадқиқотларда ҳам бюджет сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари илмий ўрганилган. Зотан, молиянинг ижтимоий функцияси тўғрисида фикр юритилганда, бюджет харажатларини сарфлашга устуворлик берилади. Бу борада, куйидагича хулоса баён этилади: “Ижтимоий хизматлар кўрсатувчи давлат ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш бюджет маблағлари ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятдан олинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Тадбиркорлик фаолияти орқали даромадлар бюджет ташкилотларининг ижтимоий функционал вазифаларини тўлақонли амалга ошириш имконини бериб, аҳолига кўрсатиладиган хизматларни кўпайтиради”¹⁵.


Юқорида тилга олинган тадқиқотларда бюджет сиёсати тўғридан-тўғри категория сифатида ўрганилмаган бўлсада, бюджет харажатларини амалга оширишда бюджет интизомининг алоҳида аҳамияти тўғрисида фикр юритилган. Бизнингча, бюджет сиёсати нафақат унинг харажатларини устувор йўналишларга сафарбар этиш, балки унинг амалга оширилишида мақсадли фойдаланиш ва белгиланган коидаларга қатъий риоя этилишини ўзида акс эттиради. Шунингдек, бюджет сиёсати молия категориясининг ижтимоий функциясининг юзага чиқишида муҳим рол ўйнаши тадқиқотлардан маълум бўлмоқда.

Бизнингча, молиянинг ижтимоий функцияси нафақат бюджетнинг ижтимоий соҳа харажатлари орқали, балки ялпи ички маҳсулотни вақтлараро тақсимланишида муҳим аҳамиятга эга. Яъни пенсия харажатларини қоплаш масаласида пенсия жамғармасига тўловларни белгилаш орқали намоён бўлади. Шу ўринда, молиянинг тақсимлаш (қайта тақсимлаш) функцияларини ўз аксини топади. Шу боисдан, молиянинг функциялари бир бўлаги сифатида бюджет харажатларини шакллантириш ва уларни амалга ошириш орқали акс эттирилади.

Бюджет сиёсатини амалга ошириш йўналишлари ҳозирги кунга қадар, амалга ошириш моделлари даромад ва харажатлар устуворлигидан келиб чиққан ҳолда таъминланди. Масалан, даромадларнинг ҳажмидан келиб чиқиб, харажатларни шакллантириш амалиёти мавжуд. Бу шунинг англатадики, давлатнинг функция

¹⁵ Абдуллаев Х.А. Молиянинг ижтимоий функцияси ва уни амалга ошириш механизми: и.ф.и. ... автореферат. – Тошкент: БМА, 2007. – 20 бет.

ва вазифаларининг бажарилиши уларнинг зарурлигидан эмас, балки даромадларнинг канчалигидан келиб чиқиб, амалга оширилади.



1.1-расм. Бюджетни тартибга солиш ва уни характерловчи омиллар

Мазкур тенденциянинг шаклланиши кўпроқ даромадлар бўйича харажат моделида вужудга келади, бу эса аҳолини зарур ижтимоий хизматлар билан таъминланишига имкон бермайди. Ушбу ҳолат давлат бюджет хизматларига талаб ошиши билан бирга, солиқ тушумларининг етарли микдорда шаклланиши таъминланмагани билан изоҳланади.

Ушбу иккинчи моделда, ҳозирги замонавий тенденциялар ўзининг ифодасини топади, деб ўйлаймиз. Бошқача айтганда, давлат зиммасидаги вазифаларнинг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилишини англатади. Бунда бозор иқтисодиёти тамойилларидан келиб чиққан ҳолда бюджет хизматларини пуллик шаклга ўтказишга имкон берувчи қоидаларга амал қилган ҳолда жорий этилади. Бундай ҳолатда бюджетга молиявий юкни камайтириш учун хусусий амалиётни ривожлантириш назарда тутилади. Ҳозирги кунда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида ушбу тажрибадан фойдаланиш кенг тус олмоқда. Бу борада, Ўзбекистонда ҳам катор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тиббий хизматларнинг белгиланган тоифаларини хусусий соҳа томонидан тақдим этилишига ёки олий таълим

тизимда тўлов шартнома механизмнинг жорий этилиши каби мисоллар шулар жумласидан.

Кейинги моделлар молиянинг тақсимлаш (қайта тақсимлаш) функцияси орқали вужудга келган бўлиб, миллий даромадни аҳоли қатламлари ўртасида мувозанатли тақсимлашни назарда тутди. Давлат солиқ механизмларидан фойдаланган ҳолда юкори даромад олувчи аҳоли қатламининг маълум даромад қисмини кам даромадли қатламга ижтимоий хизматларни тақдим этиш учун бюджет даромадларига жалб этади. Натижада, барчани ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имконияти вужудга келади. Шунингдек, молиявий адолат таъминланади.

Бизнингча, мазкур молиявий адолатнинг таъминланишига эришиш бу – ижтимоий йўналтирилган бозор иктисодиёти муносабатларига хос ҳисобланади. Сабаби, давлат ўз зиммасидаги функция ва вазибаларни хусусий сектор орқали пулли тарзда йўналтиришга йўл қўймайди. Шу сабабли, мазкур моделнинг хусусиятлари амал қилувчи мамлакатда солиқ юкининг даражаси ҳам юкори бўлади. Шу билан бирга, давлат барча ижтимоий мажбуриятларни ўз зиммасида марказлашган ҳолда сақлаб туради.

Бюджет сиёсатининг амалдаги моделларидан яна бири – бу солиқлар воситасида макроиктисодий тартибга солиш имкониятларидан фойдаланиш. Давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий фаолиятини тартибга солади ва уларнинг барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қилади.

Фикримизча, бюджет сиёсатининг асосий хусусиятлари қуйидагилар орқали намоён бўлади:

– даромадларнинг ҳажмидан келиб чиқиб, харажатлар йўналишини белгилаш;

– харажатларнинг заруратлик даражасига асосланиб, даромадларнинг белгиланган ҳажмини таъминлаш;

– аҳолининг кам даромадли қатламида пассив молиявий манфаатдорликнинг таъминланишига эришиш;

– бюджет даромадларини шакллантириш орқали макроиктисодий тартибга солиш механизмини юзага келтириш воситаси бўлиши.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида бюджет сиёсатини шакллантиришнинг қуйидаги мақсадларни ўзида акс эттиришини қайд этиш мумкин:

биринчидан, жамиятда молиявий ресурсларни мувозанатли тақсимлаш;

иккинчидан, давлат зиммасидаги функцияларни бажариш ва аҳоли ҳаёт сифатини оширишда аҳоли, иқтисодиёт субъектлари ва давлат ўртасидаги молиявий муносабатларда уларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда иқтисодий мувозанатни таъминлаш;

учинчидан, бюджетнинг барча даражалари, тузилмаси ва бюджет муносабатларини ривожлантириш учун молияни бошқаришни такомиллаштириш;

тўртинчидан, бюджет харажатларини бошқаришда марказлаштириш амалиётининг қисқартириб борилишига эришиш;

бешинчидан, бюджет харажатлари ҳисобидан молиялаштирилувчи тадбирларни давлат зиммасидан хусусий тармоқ ҳиссасига босқичма-босқич ўтказиб бориш;

олтинчидан, бюджет сиёсатини ишлаб чиқишда жамоатчилик иштироки ва назоратини ривожлантириш.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда, бюджет сиёсатини шакллантириш ва ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

– бюджет концепциясини замон ва макондан келиб чиқиб, унинг иқтисодиётдаги ҳамда ижтимоий вазифаларни ҳал этишдаги ролини белгилаш;

– бюджет муносабатларини мезонлаштириш, маблағларни тақсимлаш услубиятини такомиллаштириш орқали бюджет барқарорлигини таъминлаш;

– бюджет сиёсатининг мақсад ва вазифаларини аниқ шакллантириш. Бунда мақсадли йўналтирилган бюджетнинг барча ўлчов ва инструментларини комплекс тарзда бўлишини таъминлаш;

– жамиятнинг ривожланиш тенденциясида бюджет маблағларига бўлган эҳтиёжнинг ҳажмини аниқлаш методологиясини жорий этиш.

Умуман олганда, ҳудудларнинг молиявий салоҳиятидан келиб чиқиб, бюджет харажатларининг тутган ўрни ва роли турлича



бўлади. Масалан, молиявий салоҳияти юқори бўлган ҳудудларда бюджет харажатларига бўлган эҳтиёж юқори бўлмайди. Ўз навбатида, ушбу ҳудудда давлат зиммасидаги вазифаларни пулли тарзда амалга ошириш мумкин. Шунингдек, молиявий салоҳияти юқори бўлмаган ҳудудларда бюджет маблағларига бўлган эҳтиёж юқори бўлади. Натижада, бюджетнинг юқори турувчи бюджет маблағларига бўлган талаби ортади ва давлат зиммасидаги вазифаларни пулли тарзда етказиш имконияти кискаради.

1.2. Ўзбекистонда бюджет сиёсатининг амалга ошириш йўналишлари

Бюджет сиёсатининг амалга оширилиши бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш зарурияти билан белгиланади. Бу бюджет харажатларининг устувор йўналишларини аниқлаштириш орқали юзага келишини таъкидлаш лозим. Ушбу жараёнда бюджет харажатларининг бозор муносабатларига асосланган ҳолда давлат зиммасидан хусусий сектор зиммасига ўтиб бориши билан бюджет сиёсатининг шаклланиши юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига бюджет харажатларининг йўналишлари ҳамда бюджет сиёсатининг фундаментал асослари белгиланган. Мазкур Кодекснинг 69-моддасига биноан¹⁶, давлат бюджетининг харажат қисми қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари;
- нодавлат ноижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатлари;
- иқтисодиёт харажатлари;
- марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, адлия ва прокуратура органларини сақлаб туриш харажатлари;
- судларни сақлаб туриш харажатлари;

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига. 2013 йил 26 декабрь. <https://lex.uz/docs/2304138>

– фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органларини сақлаб туриш харажатлари;

– бошқа харажатлар.

Қайд этиб ўтилган харажатлар йўналишлари бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланган бўлсада, улар учун ажратиладиган молиявий ресурслар ҳажмини йиллар кесимида ўзгариши билан бюджет сиёсати йўналишларининг устуворликлари намоён бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Масалан, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари таркибида таълим, соғлиқни сақлаш, фан, спорт ва аҳолини моддий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган харажатлар ҳажмининг ўзгариш тенденциялари мазкур йўналишдаги бюджет сиёсати билан чамбарчас боғлиқ тарзда амалга ошади. Жумладан, давлат бюджетининг фан соҳаси учун харажатлар ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 2017 йилгача ўртача 0,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб, ушбу йўналишдаги бюджет сиёсатининг ўзгаришини таъкидлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармонида асосан фан тармоғи учун харажатларни ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,8 фоизга етказилиши назарда тутилди. Мазкур соҳа учун бюджет харажатларининг оширилиши давлат томонидан илм-фанни қўллаб - қувватлаш, натижада, инновацион фаолиятни ривожлантиришни ўзида акс эттиради. Бундан кўзланган мақсад эса 2030 йилга бориб, Ўзбекистонни глобал инновацион рейтингни дастлабки 50 талигига киришини таъминловчи шарт-шароитни яратишдир.

Фикримизча, бюджет сиёсатининг шаклланиши бюджет харажатларининг маълум соҳа учун ўзгариш тенденцияси билан боғлиқ тарзда юзага келади. Хусусан, иқтисодий харажатлари давлат улуши бўлган корхоналарнинг хусусийлаштирилиши баробарида бюджетнинг дотация хусусиятига эга бўлган харажатларининг камайиши юзага келади.

Мамлакатда бозор муносабатлари чуқурлашиб боргани сари бюджет сиёсатида ҳам туб ўзгаришлар юзага кела бошлайди. Жумладан, давлатнинг зиммасида бўлган баъзи вазифалар пулли тарзда аҳолига етказиб берилиши вужудга келади, натижада,

бюджет харажатларининг ўзгариши кузатилади. Аксинча, бошқа омилларнинг ривожланиши билан давлат зиммасидаги вазифаларнинг кенгайиши ҳам юз беради. Натижада, бюджет харажатларининг ошиши кузатилади. Масалан, экологик вазиятнинг ўзгариши билан давлат экологик оқибатларни бартараф этиш ва унинг сабабларини қискартириш мақсадида бюджетдан маблағларнинг кўпайтирилишига зарурат туғилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги “2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2731-сонли Қарори билан “Оролни қутқариш жамғармаси”нинг ташкил этилиши белгиланди. Унга кўра, жамғарманинг даромадлари каторида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг мақсадли маблағлари, шу жумладан, марказлаштирилган инвестициялар этиб белгиланди.

Бизнингча, бозор муносабатларининг жадаллашуви ортида нафақат давлат зиммасидаги вазифаларнинг қисқариши ва мазкур хизматларни пулли тарзда аҳолига етказиб берилиши юзага келади, балки давлат зиммасида янги вазифаларни бажариш зарурияти ҳам шаклланади. Натижада, бюджет сиёсатини олиб борилишида ҳам ўзига хос бўлган ўзгариш тенденциялари ривожланади. Бу эса, бюджет харажатларига боғлиқ тарзда бюджет сиёсатининг шаклланишини тақозо этади.

Бюджет сиёсатининг бундай циклик ўзгариши бюджет маблағларининг қўшимча манбалар орқали тўлдирилишини тақозо этади. Бу эса, бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги ўзаро фарқни юзага келиши билан изоҳланади. Ўз навбатида, бюджет сиёсатининг олиб борилишида, бюджет дефицитини бошқариш тамойилларига эътибор қаратишнинг зарурлигини белгилайди.

Жумладан, олим У.Бурханов бюджет тақчиллигининг юзага келиши ва уни бартараф этишга қаратилган тадқиқотлар олиб борган. Бюджет тақчиллигини харажатлар жиҳатидан оширадиган омиллар сифатида қайд этиб, баъзи харажатлар турларини камайтириш орқали тақчилликни қискартиришда қуйидаги омилларни кўрсатиб ўтади¹⁷:

¹⁷ Бурханов У.А. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида давлат бюджети тақчиллигининг омиллари ва қискартириш масалалари: и.ф.н. ... автореферати: - Тошкент: БМА, 2002. – 22 б.

– энергетика, кишлок хўжалиги, саноат, транспорт ва коммуникация соҳаларидаги самарасиз давлат корхоналарига дотацияларни бекор қилиниши;

– хусусийлаштириш жараёнини тезлаштириш орқали давлат корхоналарига дотацияларни камайтириш ва давлат мулкани сотиш орқали даромадларни мустаҳкамлаш;

– соғлиқни сақлашга сарфланаётган баъзи харажатларнинг хатто ривожланган мамлакатларга нисбатан ҳам юқорилиги;

– таълим соҳасидаги молиялаштириш кўрсаткичларини демографик ривожланишга мос тарзда олиб борилиши зарурлиги;

– аҳолининг кам даромадли қатлами улушининг камайтириб бориш билан ижтимоий ҳимоя харажатларининг қисқаришига эришиш;

– марказлашган инвестициялар улушини қискартириш лозимлиги.

Умуман олганда, 2018 йилдан бошлаб давлат бюджети дефицитини қоплаш ва ташқи молиялаштириш манбаларини кенгайтириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июлда “Ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3877-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ мамлакатнинг суверен кредит рейтингини олиш зарурлиги белгиланди. Суверен кредит рейтинги олиниши натижасида сезиларли давлат қарзининг шаклланиши юзага келади. Бу эса, бюджетнинг зиммасида қисқа муддатли молиявий юкнинг камайишига имкон беради. Шундай бўлсада, жалб этиладиган хорижий маблағлар узоқ муддатли даврда бюджет зиммасига тушади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат фазначилик мажбуриятлари ва облигацияларини муомалага чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1016-сонли Қарорининг қабул қилиниши ҳам бюджет сиёсатидаги ўзгаришларга ўзининг таъсирини кўрсатади, деб ҳисоблаймиз. Мазкур Қарорга кўра, давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришдан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети

тақчиллигини қоплашга ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган тадбирларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг тасдиқланган параметрлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланадиган йирик инвестиция лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилади.

Фикримизча, бюджет сиёсатида макроиқтисодий кўрсаткич сифатида қайд этилувчи бюджет дефицити муҳим аҳамиятга эга. Бунинг сабаби сифатида бюджетга маблағлар жалб қилишда даромадлар ва харажатлар ўртасидаги салбий тафовут юзага келишини қайд этиш мумкин.

Умуман олганда, бюджет харажатларининг алоҳида йўналишлари ва уларнинг хусусиятлари бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Масалан, О.Райимбердиева соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим, деб ҳисоблайди¹⁸:

– тиббий хизматларни давлат ва хусусий сектор томонидан кўрсатилиши чегарасини аниқ белгилаш;

– тиббий хизматларни молиялаштириш манбалари ўртасидаги ўзаро мувофиқликни белгилаш;

– тиббий рақобатни кучайтириш, бюджет маблағларини тақсимлаш ва ишлатишнинг самаралироқ механизмларини жорий этиш;

– тиббиёт ходимларининг ўз фаолиятлар пировард натижасидан манфаатдорликни ошириш.

Фикримизча, соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришда давлат ва хусусий сектор ўртасидаги нисбатнинг белгиланиши, биринчидан, тиббий хизматларнинг ижтимоий хусусиятини сақласа, иккинчидан, тижорат хусусиятига эга бўлиб қолмаслигининг олдини олиш зарурлиги билан ифодаланади. Бошқа бир жиҳатдан, бюджет харажатларини аниқлаштириш имконини янада оширади. Мазкур масаланинг айрим жиҳатлари юқорида қайд этилган тадқиқотнинг илмий ҳулосаларида ўз аксини топган.

Шунингдек, Д.Набиев таълим тизимига инвестициялар жалб этишга қаратилган тадқиқотлар олиб бориб, таълим, илм ва

¹⁸ Райимбердиева О.Р. Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиявий таъминлашни ташкил қилиш: и.ф.н. ... автореферати: - Тошкент: БМА, 2001. – 22 б.

тадбиркорлик бир-биридан ажралмаган ҳолда ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориши натижасида юкори натижаларга эришиши кўрсаткичларга таъкидлаб ўтилади¹⁹.

Ўзбекистонлик тадқиқотчилардан яна бири Х.Дўстмухаммад халқ таълимини молиялаштириш борасида тадқиқотлар олиб борган. Унга кўра²⁰:

– халқ таълими тизими харажатларини самарали амалга оширишни ташкил қилиш, биринчи навбатда, харажатларни режалаштирилган объектлар тўлиқ камраб олинishi ва улар бўйича ҳисобланиши лозим бўлган кўрсаткичларнинг мутлақ ва нисбий даражаларига боғлиқ;

– таълим тизимининг бюджет ҳисоби харажатларни амалга оширишда умумтаълим муассасаларини сақлаш учун харажатларни турлари бўйича меъёрлаштириш усулидан кўра, бир ўқувчига ўртача меъёрлар асосида харажатларни амалга ошириш кўрсаткичи макбул йўл ҳисобланади;

– Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари сони ва улардаги тарбияланувчилар, ўқувчилар сони йилма-йил камайиб бориш тенденциясига эга. Аксинча, республикамизда академик лицейлар сони эса кескин ўсиш тенденциясига эгаллиги қайд этилади.

Қайд этиш жоизки, таълим тизимида бюджет маблағларининг ўрни доимо бекиёс бўлиб келган, барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда мазкур йўналишдаги харажатлар бюджетнинг зиммасида алоҳида сатр билан кўрсатилиши ҳам шулар жумласидан. Хусусан, давлат-хусусий сектор ҳамкорлигини ривожлантиришнинг илк ғоялари таълимга инвестициялар жалб этиш тўғрисидаги тадқиқотларда ўз аксини топган. Мазкур масаланинг таълимга инвестициялар жалб этишдаги роли, албатта, муҳим ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3980-сонли Қарорининг қабул қилиниши муҳим

¹⁹ Набиев Д.Х. Таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш масалалари (Ўзбекистон ўрта махсус, касб-хунар таълим тизими мисолида): и.ф.я. ... автореферати: - Тошкент: БМА, 2005. – 22 б.

²⁰ Дўстмухаммад Х.У. Халқ таълимини самарали молиялаштиришни ташкил этиш йўллари: и.ф.н. ... автореферати: - Тошкент: БМА, 2012. – 22 б.

қадам бўлди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигини ташкил этиш белгиланди. Бу эса, бюджет муассасаларининг баъзи фаолиятларини хусусий маблағлардан самарали фойдаланган ҳолда молиялаштириш имконини беради.

Тадқиқотчи У.Пардаев²¹ томонидан олиб борилган изланишларда давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштиришга қаратилган хулосалар берилган. Ушбу тадқиқотда давлат бюджетини прогноз қилишни ўрганиш мақсад қилинган бўлсада, унда кўпроқ урғу бюджет даромадларига қаратилган ва ишлаб чиқилган таклифлар ҳам солиқ тушумларини оптималлаштиришни камраб олганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистонлик олимлардан яна бири – Д.Рахмоновнинг илмий хулосаларида ҳам бюджет сиёсатининг йўналишлари тўғрисида фикрлар баён этилган²². Хусусан, ижтимоий соҳани бюджетдан молиялаштирилишида устувор йўналишлар сифатида таълим, соғлиқни сақлаш ва фан соҳаларига эътибор берилиши қайд этилган. Олий таълим соҳасида муассасаларга молиявий мустақиллик бериш ва бу орқали уларнинг тўлов шартнома қийматларини белгилашда олий таълим муассасалари рейтингини асос қилиб олиш муҳимлиги асослаб берилган. Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида мажбурий тиббий суғурта амалиётини жорий этиш, бунда бюджет маблағларини суғурта механизми орқали аҳолининг кенг қатламини камраб олиш имкониятлари аниқланган ва баҳоланган. Шу билан бирга, ижтимоий соҳани молиялаштиришда инсон капитали категориясини ривожлантиришга қаратилган ислохотларни амалга ошириш лозимлиги алоҳида қайд этиб ўтилган.

Таъкидлаш лозим, бюджет харажатларини йўналтириш, уларга хос жиҳатлар тадқиқотларда алоҳида объектлар сифатида ўрганилган. Шундай бўлсада, бюджет сиёсатининг умумий йўналишлари тўғрисида фикрлар келтирилмаганлиги мазкур тадқиқотнинг долзарблигини яна бир маротаба тасдиқлайди.

Ўзбекистонлик етакчи олимлардан Т.Маликовнинг фикрига кўра: “Ҳозирги шароитда давлат бюджети ижтимоий (ишлаб

²¹ Пардаев У.У. Давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. (PhD) ... автореферати. – Тошкент: ТМИ, 2018. – 58 б.

²² Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш: и.ф.д. (DSc) ... автореферати. – Тошкент: ТДИУ, 2018. – 72 б.

чиқариш) муносабатларининг бир қисмини ифода этиб, давлатнинг ихтиёрига мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот, миллий даромаднинг нисбатан каттагина қисмини тўплаш ва уни жамият таракқиётининг турли соҳаларини (иктисодиёт, маориф, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, ижтимоий таъминот, бошқарув, муҳофаа ва бошқалар) ривожланишига йўналтириш имконини берадиган муҳим тақсимлаш воситасидир²³”.

Шунингдек, олим бюджет сиёсатининг барча йўналишлари тўғрисида ўзининг хулосаларини билдириб ўтади. Унга кўра, бюджет сиёсати мамлакатда яратилган миллий даромаднинг маълум қисмини тақсимлаш вазифасини бажаради, бу ўринда бюджетнинг қайта тақсимлаш вазифаси эътиборга олинганда, янада муҳим маъно касб этади.

Мамлакат миқёсида таянч маълумотни давлат томонидан таъминланиши жаҳон тажрибасига кўра ҳам, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ҳам бюджет томонидан молиялаштирилиши натижасида аҳолини бепул таълим билан қамраб олиниши қайд этилган. Жумладан, таълим харажатларининг бюджет маблағларидаги улушининг юқори бўлишини ўзида акс эттириб келмоқда.

1.1-жадвал

Ўзбекистонда 2005-2017 йилларда 25 ёш ва ундан катта аҳолининг таълим даражаси²⁴, фоизда

Йиллар	Саводли	Шу жумладан, маълумоти олий ва ундан юқори
2005	99,3	10,8
2010	99,8	13,5
2017	100,0	16,2

Бюджет харажатларининг таълим учун йўналтирилаётган харажатларининг ошиб бориш хусусиятига эга бўлиши муносабати билан таълимнинг қамраб олиш даражаси 2005 йилга нисбатан 2017 йилда фоизда 0,7 пунктга ошганлигини кўриш мумкин. Натижада, олий маълумотга эга бўлган аҳоли қатламининг ўсиб борганлигини

²³ Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарелик. –Т.: “Ношир”, 2012. 284-6

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси: Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигининг ривожланиш таҳлили, 2018 й.

таъкидлаш лозим. Хусусан, тадқиқ этилаётган даврда фоизда 5,4 пунктга ошганлиги маълум бўлади (1.1-жадвалга қаранг).

Мазкур йўналишдаги бюджет харажатларининг ошиш тенденцияларини кейинги йилларда ҳам ошишини башорат қилишни амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаларидан ҳам кўриш мумкин. Масалан, 2017 йилда олий таълим муассасаларини 62900²⁵ нафар талаба битирган бўлса, 2018/2019 ўқув йилларида ОТМга қабул 69200²⁶ нафарни ташкил этганлигини таъкидлаш лозим. Мазкур рақамлардан кўришиб турибдики, бюджет харажатларининг ушбу тадбирларни молиялаштириш ҳажмининг оширилиши тақозо этилиши мумкин. Шунингдек, 2018/2019 ўқув йилларида бир нечта ОТМнинг вилоятларда филиаллари ташкил этилганлиги ушбу кўрсаткичнинг янада ошишини ўзида намоён этиб беради.

Шундай бўлсада, 2019 йил учун тасдиқланган бюджет параметрлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли Қароридан ижтимоий соҳа харажатларининг умумий давлат бюджетига нисбатан улушини камайиш тенденцияси юзага келганлиги бюджетдан ташқари маблағларни кўпайтириш зарурияти юзага келаётганлигини тасдиқлаб беради. Мазкур қарорга мувофиқ, ижтимоий соҳа харажатлари 54844,3 трлн. сўмни ташкил этиб, унинг улуши 51 фоиз бўлаётгани фикрларимизни тасдиқлашга имкон яратади. Ваҳоланки, 2018 йилда мазкур рақам 56 фоиз²⁷ни ташкил этганини қайд этиш лозим.

Бунинг омилларидан яна бирини аҳоли харажатлари таркибида хизматлар учун сарф этилаётган маблағларнинг улуши кўпайиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Жумладан, ушбу кўрсаткич умумий харажатларга нисбатан 2000 йилда 12,8 фоиз бўлган бўлса, 2017 йилга келиб, 20,0 фоизни ташкил этган. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий соҳа хизматлари билан қамраб олинишида пулли тарифларни жорий этишнинг шарт-шароитлари юзага келаётганлиги билан изоҳланади.

Фикримизча, юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, бюджет сиёсатини шакллантиришда бозор муносабатлари элементларини тўлиғича инобатга олиш учун зарурий имкониятлар вужудга келмоқда.

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси: Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимининг асосий кўрсаткичлари статистикаси, 2018 й.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги Қарори.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

Шу боисдан, бюджет харажатлари таркибида 2018 йилгача устувор улушга эга бўлиб келган ижтимоий соҳа харажатлари улуши 2019 йилдан сезиларли камайганлигини таъкидлаш лозим.

Шунингдек, бюджет харажатлари таркибида “қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурини биргаликда молиялаштиришга кредит линияси” йўналиши бўйича маблағлар ажратиб келинмоқда. Ушбу тадбирларни молиялаштиришни ижтимоий соҳа харажатлари таркибида амалга ошириш кўзда тутилади. Масалан, жамига нисбатан ушбу харажатлар 2016 йилда 5,5 фоизни, 2017 йилда 0,5 фоизни ва 2018 йилда 0,7 фоизни ташкил этган бўлса, мазкур йўналишдаги бюджет сиёсатининг ўзгарувчанлик даражасини қайд этиш мумкин.

2016 йил ва ундан олдинги даврлар мобайнида қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши, намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши бўйича дастурларнинг амалга оширилиши билан чамбарчас боғлиқдир. 2017 йилдан бошлаб эса, янги йўналишда кам харажатли лойиҳалар асосида қурилиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги ПҚ-2639-сонли Қарорининг қабул қилиниши бу борадаги ислохотларнинг янгиланишига шарт-шароит яратиб берди.

Таъкидлаш лозим, бюджет сиёсатининг амалга оширилиши нафақат маблағларнинг ҳажми, балки ислохотларнинг янги босқичга чиқиши билан ҳам изоҳланар экан. Шу боисдан, бюджет харажатлари йўналишларининг шакллантирилишида уни амалга ошириш элементларига қатъий риоя этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада, профессор Ж.Зайналов қуйидагича фикрни баён этади. “Республика миқёсида амалга оширилаётган барча харажат йўналишлари, шу жумладан, туманларда амалга оширилаётган харажатлар йўналишлари тўғрисида ахборот олиш, шунингдек, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳасида бюджет ташкилотларининг молиялаш борасида хизматларни такомиллаштиришга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда²⁸”.

²⁸ Зайналов Ж.Р., Алиева С.С. Газна тизими самарадорлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган хизматларни ривожлантириш йўллари//“Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, май-июнь, 2014 йил.

http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/7_J_Zaynalov.pdf

Ж.Зайналов томонидан илгари сурилган ғояда бюджет харажатларини амалга оширилишида, асосий эътиборни таълим ва соғлиқни сақлаш тизими харажатларига қаратмоқда. Шунингдек, у бюджет харажатларининг самарадорлигини таъминлашнинг натижадорлиги муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтади.

Ўзбекистонда 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармоннинг қабул қилиниши билан бюджет тизимида мамлакатимизнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти муносабатларини сақлаб қолаётганлигини ва ушбу ўзгаришлар мазкур Фармонга мувофиқ бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги ва бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришни ўзида акс эттириши билан изоҳланади.

Мазкур стратегия ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли Қарорига мувофиқ, бюджет сиёсатида шаффофлик муҳим омиллардан бири эканлиги қайд этиб ўтилди. Бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги бюджет сиёсатининг бирламчи омили бўлса, иккинчи омил сифатида шаффофлик қайд этилаётганлиги бюджет сиёсати юритилишидаги муҳим йўналишлардир. Қайд этиш лозим, давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этилиши юзасидан фуқаролар иштирокининг туман (шаҳар)лар бюджетлари кўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтиришни назарда тутадиган механизми жорий этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, “Очик бюджет” порталининг ишга туширилиши ҳам шаффофлик борасида олиб борилаётган ислохотларнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Бюджетнинг очиклигини ўрганишнинг қуйидаги ҳужжатларни инобатга олган ҳолда, амалга оширилиши назарда тутилган²⁹:

- бюджетнинг дастлабки лойиҳаси;
- бюджет лойиҳаси;
- қабул қилинган бюджет;
- фуқаролар учун бюджет;

²⁹ Фуқаролар учун бюджет 2019 лойиҳаси: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, 2018. https://www.mf.uz/media/file/press/budget_2019_uzb.pdf. Б. 75

- жорий ҳисобот;
- ярим йиллик ҳисобот;
- йиллик ҳисобот;
- аудиторлик ҳисоботи.

Юқорида қайд этилган бюджет жараёнларининг ҳар бир босқичида фуқароларнинг, жумладан, жамоатчилик назоратининг фаол иштироки талаб этилмоқда. Жумладан, ҳудудларда бюджетни шакллантиришда жамоатчилик фикри асосида умумий харажатларнинг 10 фоизи миқдорида ўзгартириш киритиш имконини берилиши шаффофликни таъминлашга шарт-шароит яратиб беради.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида бюджет сиёсатининг қуйидаги йўналишларида амалга оширилишини қайд этиш мумкин:

- ижтимоий соҳа харажатларини режалаштиришда тизимли таҳлил элементларидан фойдаланиш, бунда: соғлиқни сақлаш тизимидаги ижобий натижалар ўлароқ, ўртача умр кўриш давомийлигини оширишнинг пассив хусусиятга эга бўлишига йўл қўймаслик, бошқача айтганда, инсонларнинг умри узайиши билан уларнинг ялпи даромадни яратишдаги улушини ҳам шунга мувофиқлаштириш лозим. Шунда ўртача умр кўришнинг узайиши актив хусусиятга эга бўлади. Мазкур ҳолатда эса, инсонларнинг таълим олишлари учун ижтимоий ва молиявий шарт-шароитларни ностандартлаштириш лозим бўлади;

- бюджетнинг иктисодиёт харажатлари ҳисобидан бюджет харажатларини ошиб кетишини олдини олиш учун иктисодиётда давлат улушини камайтириш, давлат бюджети ҳисобидан марказлашган инвестицияларнинг молиялаштирилишини босқичма-босқич камайтириб бориш, бунда давлат-хусусий шериклик амалиётига устуворлик бериш;

- иктисодиётнинг замонавийлашуви натижасида экологик оқибатларни бартараф этишга қаратилган ислохотларни амага оширишда бюджет сиёсатида устуворлик бериш. Бунда экологик вазиятни мураккаблаштирувчи жараёнларни бюджетнинг таъсир механизми орқали тартибга солишни кучайтириш.

Бюджет сиёсатини амалга оширишнинг бир қатор тамойиллари сирасига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- мақсадлилиқ;
- шаффофлилиқ;
- тушунарлилиқ;

- ижтимоийлик;
- етарлилик;
- тежамкорлик;
- натижавийлик.

Юқорида қайд этиб ўтилган, бюджет сиёсатининг элементларида мақсадлилик тамойили халқнинг пули хусусиятига эга бўлган бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгаллигини ўзида ифода этади. Маблағларнинг сарф этилиши йўналишлари тўғрисидаги ахборотларнинг барча учун бир хиллик миқёси ва унинг тушунарлилик даражаси белгиланишини тақозо этади. Етарлилиги дейилганда, бюджет маблағларини харажатларни амалга оширишдаги барча жиҳатларни ўзида акс эттириши билан ифодаланади. Тежамкорлик – бу сифатли, лекин рақобатга асосланган товар (хизмат)ларни харид қилиш. Ижтимоийлик элементи бюджет харажатларининг катта қисмини акс эттирувчи ижтимоий харажатлардан ташқари, бюджет маблағларининг бошқа йўналишлари ҳам охир-оқибатда ижтимоий натижаларни келтириб чиқаришини тақозо этади.

1.3. Хорижий мамлакатларда бюджет харажатларини амалга ошириш йўналишлари

Мамлакатларда бюджет тизими харажатларини режалаштиришда сифат ва сон омилларини инobatга олган ҳолда амалга оширилиши назарда тутилади. Харажатлар йўналишини белгилашда сифат омили эътиборга олинса, унинг ҳажми эса сон омили орқали ҳисобланади. Давлат бюджети харажатлари йўналишларининг турли хил бўлишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: давлатнинг функцияси ва вазифалари, мамлакатнинг ижтимоий - иқтисодий ривожланганлиги, бюджетнинг миллий иқтисодиёт билан муносабати, давлатнинг маъмурий-худудий тузилиши кабилар шулар жумласидан.

Ўзбекистонда бюджет харажатлари йўналишларини оптималлаштириш, уларнинг самарадорлигига эришишда нафақат миллий имконият ва шароитларни тадқиқ этиш, балки хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиб чиқиш ҳам муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз. Шу боисдан, тадқиқотимиз давомида бир қатор мамлакатларнинг ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этиб чиқамиз.

Ўзбекистоннинг чегарадош кўшниларидан бири бўлган – Қозоғистон бюджет тизимини тадқиқ этиш кўп омилли сабаблар билан изоҳланиши мумкин. Қозоғистон 1991 йилда мустақил давлат мақомига эга бўлганидан сўнг, қабул қилинган бюджет тизими тўғрисидаги қонун билан республика ва маҳаллий бюджет ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими аниқлаб олинди. Хусусан, “Қозоғистон Республикаси солиқ тизими тўғрисида”ги Қонунга кўра, 16 та умумдавлат, 10 та умуммажбурий ва 17 та маҳаллий солиқларнинг жорий этилиши билан бюджетнинг даромадлари мустаҳкамлана бошланди. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши иктисодиётни ислоҳ қилишдаги муҳим қадамлардан бири бўлсада, жадал ўзгаришлар талабларига жавоб бера олмай қолди. 1994 йилгача бюджет ижросини бир пайтда ҳам Қозоғистон Миллий банки, ҳам Қозоғистон Молия вазирлиги амалга ошириши бюджет жараёнини қийинлаштирди. Шунингдек, 3045 тача маҳаллий бюджетлар мавжуд эканлиги масаланинг яна бир мураккабликларидан бири эди. Шу боисдан, 2500 та маҳаллий (посёлка ва овул) бюджетлар оптималлаштирилди. Шундан сўнг, 1996 йилда “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди, бюджетнинг ғазна ижросига ўтила бошланди.

1.2-жадвал

Қозоғистон бюджет тизими тамойиллари³⁰

1.	Ягоналик	2.	Узлуксизлик
3.	Тўлиқлик	4.	Асосланганлик
5.	Ҳаққонийлик	6.	Ўз вақтидалик
7.	Шаффофлик	8.	Касса ягоналиги
9.	Яқунийлик	10.	Самарадорлик
11	Натижавийлик	12.	Жавобгарлик
13	Мустақиллик	14.	Манзиллилик ва мақсадлилик

1999 йилга келиб, “Бюджет тизими тўғрисида”ги учинчи қонун қабул қилинди. Унгача 1997 йилда бюджетнинг даромадлар ва харажатлар таснифи бўйича халқаро стандартга ўтилиши муҳим қадамлардан бири бўлди. 2008 йил 4 декабрда Бюджет кодекси қабул қилинди. Унга кўра Қозоғистон Миллий фонди ҳам бюджет

³⁰ https://online.zakon.kz/document/?doc_id=30364477#pos=619;48

тизимининг бир бўғини сифатида қайд этилди. Мазкур кодексга кўра, бюджет сиёсати юқоридаги тамойиллар асосида амал қилади (1.2-жадвалга қаранг).

Умуман олганда, бюджет тизимини амал қилиш тамойилларини мамлакатимиз тажрибаси билан қиёслаганда, кескин фарқланиш даражаси юқори эмас. Шундай бўлсада, Ўзбекистон шароитида бюджет сиёсатини шакллантиришда, қуйидаги тамойилларнинг эътиборга олиниши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: узлуксизлик, асосланганлик ва ўз вақтидалиқ.

Фикримизча, миллий бюджет сиёсатида харажатларнинг амалга оширилишида вақтинчалик касса узилишига йўл қўймаслик учун бюджет ссудаси амалиётининг қўлланилиши мавжуд. Шу боисдан, мамлакатимизда мавжуд тажрибани мазкур тамойилга амал қилиши пассив хусусиятга эга. Уни актив ҳолатда юзага келиши учун мазкур тамойилни ҳам тамойиллар қаторига қўшиш муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, харажатларни ўз вақтида таъминланиши тамойилининг амал қилинишига ҳам имкон яратилади. Шунингдек, асосланганлик тамойилига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Мазкур тамойил ҳар бир бюджет сиёсати элементларини илмий-амалий жиҳатдан ишлаб чиқилишига шарт-шароит яратиб беради. Бизнингча, бюджет сиёсатининг ишлаб чиқилишида харажатларнинг ҳар бирини атрофлича асосланиши муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, бюджет харажатлари функционал классификаторига эътибор берсак, Ўзбекистон бюджет таснифида давлат бюджети харажатлари йўналишлари умумий тарзда келтирилган. Қозоғистон бюджет таснифида эса, мазкур ҳолат кенгроқ тарзда берилган. Хусусан, бюджет харажатлари йўналишларининг: функционал гуруҳланиши, кичик гуруҳланиши, бюджет дастурлари маъмурияти, бюджет дастурлари гуруҳи ва кичик гуруҳлари мавжуд. Фикримизча, Қозоғистонда шакллантирилган бюджет таснифи дастурий, мақсадли молиялаштиришга тегишли шарт-шароит яратади. Шу боисдан, мамлакатимизда ҳам дастурий, мақсадли молиялаштириш амалиётини жорий этиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш лозимки, Қозоғистонда марказлашган бошқарув амалиётининг қисқартирилишига қаратилган ислохотларнинг амалга оширилиши бевосита бюджет соҳасидаги маҳаллий бошқарувнинг такомиллаштирилиши билан боғлиқдир. Жумладан, 20.12.2004 йилдаги “Давлат бошқаруви ва бюджет муносабатлари ўртасида

ваколатларни меъёрлаштириши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги” 13-сонли қонуни билан ушбу ислохотларнинг дастлабки босқичи амалга оширилди. Натижада, ҳукуматнинг ваколатлари 820 тадан 796 тага камайди, марказий бошқарув органлариники эса 1516 тадан 1612 тага кўпайди³¹.

Т.Космамбетов ҳам ўзининг илмий хулосаларида Қозоғистон учун бюджет сиёсатининг устуворликлари тўғрисида қуйидагиларни қайд этган³²:

– бюджет бошқарувини маҳаллий бошқарув органлари орқали бюджет маблағларини тақсимлашни кучайтириш орқали мустаҳкамлаш;

– бозор муносабатларини тўлиқ амал қилиши учун 3 йилга мўлжалланган бюджет лойиҳаларини тасдиқлаш;

– ҳудудларда киши бошига тўғри келувчи ўртача даромад миқдоридан келиб чиқиб, бюджетнинг қўллаб-қувватлаш механизмини ривожлантириш.

Қозоғистонда аҳолининг кам даромадли қатламини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида микрокредит амалиётидан ҳам кенг фойдаланилади. Хусусан, “Қозоғистон – 2030” дастурига мувофиқ аҳолининг турли қатламларини бизнес билан банд бўлишига эришиш мақсадида бюджетдан микрокредит бериш амалиёти жорий қилинди. Масалан, 2005 йилнинг ўзида кўзда тутилган 23700 кишидан икки баробар кўп бўлган ҳолда аҳоли бюджет маблағларидан фойдаланди³³. Бу эса, ўз навбатида, бюджетнинг ижтимоий функцияси сезиларли аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Қозоғистон Президентининг 2013 йил 26 июндаги “Қозоғистон Республикасининг янги бюджет сиёсати Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-590-сонли Фармониға мувофиқ, 2018-2020 йилларда концепциянинг иккинчи босқичида қуйидаги йўналишларни амалга ошириш кўзда тутилган:

³¹ Халикова Ш.Б. Реформирование системы государственного управления в контексте политической модернизации Республики Казахстан: автореферат ... PhD в политология. – КазНУ им ал-Фараби. Алматы, 2009. – 32 с. <https://www.kaznu.kz/content/files/pages/folder299/автореферат%20Халиковой%20Ш.Б.doc.pdf>

³² Космамбетов Т. Стабилизация национальной финансовой системы: на примере Республики Казахстан: автореферат ... к.э.н. – Москва, 2001. – 24 с. <https://www.dissertac.com/content/stabilizatsiya-natsionalnoi-finansovoi-sistemy-na-primere-respubliki-kazakhstan>

³³ Жаркынбаева Р.С. Социальная политика новых независимых государств Центральной Азии: сравнительный анализ: автореферат ... д.и.н. – КазНУ им ал-Фараби. Алматы, 2008, – 50 с. <https://www.twirpx.com/file/2564725/>

- хусусий секторнинг ўзаро жавобгарлигини кенгайтириш ва бюджет мажбуриятларини барқарорлаштириш;
- хусусий сектор инвестицион фаоллигининг ўсиши;
- бюджетга молиявий юкни камайтириш учун ДХШни кенгайтириш;
- жорий харажатларни нефтсиз даромадлардан молиялаштиришни кўзда тутиш;
- давлат аудитини тўлиқ фаолият олиб боришини таъминлаш.

1.3-жадвал

Қозоғистонда давлат молияси кўрсаткичларининг ривожланиши

Кўрсаткичлар (ЯИМ га нисбатан, фоизда)	2013	2014	2015	2016	2017 прогноз	2018 прогноз
Даромадлар	23,3	23,7	16,6	18,0	19,6	19,8
Шу жумладан, нефть даромади	11,5	11,3	6,6	4,2	6,4	6,6
Харажатлар	19,9	21,3	22,9	22,1	25,9	21,8
Бюджет сальдоси	-6,6	-8,9	-12,9	-8,3	-12,7	-8,7
Давлат қарзи	12,6	14,5	21,9	21,1	21,8	22,0

Манба: Республика Қазақстан доклад персонала МВФ для консультаций 2017 года в соответствии со статьей IV — пресс-релиз и доклад персонала МВФ³⁴

Қозоғистон бюджет сиёсатида 2017-2018 йиллардаги прогнозга биноан харажатлар улушининг камайиб бориш тенденцияси юзага келганлигини қайд этиш лозим. Шу билан бирга, бюджет сиёсати Концепциясида белгиланганидек, нефтсиз даромадлар улуши 2013-2018 йилларда қарийб 2 баробарга пасайган. Бизнингча, бюджет харажатлари ва нефтсиз даромадлар улуши камайиши бюджет

³⁴ <https://www.imf.org/~media/Files/Publications/CR/2017/Russian/cr17108r.ashx>

мажбуриятларини хусусий сектор билан бўлишиш тенденциясининг юзага келиши билан боғлиқ, деб ўйлаймиз (1.3-жадвалга қаранг).

Эътибор бериш керак, кўшни республикада ҳам бюджет сиёсатида хусусий секторнинг ролини ошириш устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Хусусан, бюджетга молиявий юкни камайтириш учун давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришга аҳамият берилган.

Бу борада, мамлакатимизда ҳам ДХШ амалиётини ривожлантиришга эътибор кучаймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3980-сонли Қарори билан Молия вазирлиги ҳузурида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Мазкур ислохот бюджетга молиявий юкни пасайтиришга шарт-шароит яратиб беради, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, бюджет маблағларини тақсимлашда, марказий бўғиннинг ролини камайтириш, харажатларни амалга оширувчи органнинг ваколатларини кенгайтириш, замонавий иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли Қарорида: “бюджет маблағларини тақсимлашда фуқаролар иштирокининг туман (шаҳар)лар бюджетлари кўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтиришни назарда тутадиган механизми жорий этилиши” белгиланди. Ушбу амалиётнинг киритилиши марказий бошқарувнинг камайтирилишини ўзида акс эттиради.

Шунингдек, бюджетнинг ижтимоий функцияси нафақат Ўзбекистон учун, балки Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари учун ҳам устувор аҳамиятга эга эканлиги кўзга ташланади. Бирок, таъкидлаш лозимки, Қозоғистонда мажбурий тиббий суғурта ва давлат ижтимоий суғурта фондларининг фаолияти ижтимоий вазифаларнинг кенг қамровли тарзда амалга оширилишини акс эттиради.

Ю.Нехайчук ва Д.Нехайчукларнинг хулосаларида аксарият хорижий мамлакатларда маҳаллий ҳокимият органларининг мустақил молиявий имкониятлари мавжуд эмаслиги, ҳудудларда тўлиқ ижтимоий-иқтисодий фаолиятни амалга оширишга имкон бермаслиги қайд этилган. Мазкур ҳолатни эса, қуйидаги омиллар билан изоҳлашади³⁵:

– бюджет сиёсати марказлашувининг кучайиши маҳаллий бюджетлар доирасида аҳолига ижтимоий хизматларни давлат томонидан етказиб берилишини пасайтиради;

– маҳаллий бюджетлар даромадида тартибга солувчи солиқли даромадлар улушининг кўплиги ва бириктирилган даромадларнинг камлиги;

– юқори турувчи бюджетдан қуйи бюджетга харажатларни бошқариш бўйича ваколатларнинг берилиши, лекин даромадларни мос равишда бошқариш имкониятининг мавжуд эмаслиги.

Бизнингча, мамлакатимизда ҳам маҳаллий бюджетларнинг ролини ошириш орқали бюджет сиёсати самарадорлигини таъминлашда, маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий ваколатларини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Бу борада, бюджет харажатлари ва даромадлари бўйича ваколатларнинг ўзаро уйғунлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан бири бу – Япония бюджет сиёсатининг амалга оширилишидир. Японияда бюджет тизими марказий (ҳукуматнинг ягона ҳисобрақами) ва ривожланиш (инвестициявий) бюджетларга ажратилади. Марказий бюджет маблағлари ҳисобидан давлатнинг бирламчи вазифаларини молиялаштириш амалга оширилади. Жумладан, бунга ижтимоий соҳа ва мудофаа харажатларини киритиш мумкин. Шунинг таъкидлаш лозимки, маълум бир йўналишда яқин турдаги фонд маблағларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, Японияда ҳудудлараро йўл қурилиши назарда тутилиб, харажатлар марказий бюджетдан амалга оширилса ундан фойдаланиш барча учун бепул асосда амалга, оширилади. Аксинча, инвестицион бюджетдан амалга оширилса, ушбу йўлдан фойдаланиш пулли тўлов асосида ташкил этилади. Ушбу турдаги молиявий фаолиятнинг давлат заём ва инвестиция

³⁵ Зарубежный опыт оптимизации дефицита бюджета муниципальных образований//Международный научный журнал "Инновационная наука". – М.: - №3-1/2017. – С. 197-202,

дастурлари оркали амалга оширилиши ўзига хослиги билан ажралиб туради. Мазкур фаолиятнинг даромадлари марказий бюджетнинг 40-50 фоиз харажатлари улушига тўғри келади.

Бюджет харажатлари миллий даромадга нисбатан юқори улушни ташкил этмайди. Бюджетнинг асосий харажатлари ижтимоий соҳа харажатлари бўлиб, унинг улуши 40 фоиз атрофида бўлади, хусусан, пенсия тизими ва ногиронлик учун харажатлари асосий улушни ташкил этади. Ушбу харажатларнинг катта бўлиши Японияда катта ёшли аҳоли қатлами сонининг сезиларли юқори эканлиги ва ишчи кучининг катта улушга эга бўлиб бормаётганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, базавий пенсия харажатларининг 1/3 қисми бюджетдан, қолган қисми бошқа пенсия фондлари маблағларидан қопланади.

Илмий тадқиқотларга қилинаётган харажатларнинг ўсиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Умуман олганда, ЯИМга нисбатан капитал қўйилмалар 8,5-9 фоизни ташкил этади. Мазкур кўрсаткичнинг асосий қисмини фан ютуқларини молиялаштиришга қаратилганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан бирга, хусусий тадқиқотларнинг умумийга нисбатан улуши Японияда 71 фоизни³⁶ (ЕИда 65 фоиз, АКШ – 75 фоиз)ни ташкил этади.

Японияда кишлоқ хўжалигига асосланган иқтисодиётдан саноати, кейинчалик хизматлар бозорининг жадал ривожланишига асосланган иқтисодиётни шакллантиришга эришилди. Шундай бўлсада, туғилиш коэффициентининг 3 баробарга камайиши, ўртача умр кўриш даражасининг 20 йилга узайиши натижасида бюджет дефицитининг ортиши, ташқи қарзнинг ЯИМга нисбатан 2,5 баробарга кўпайиши юзага келди. Натижада, давлат бюджетининг ижтимоий харажатлари ЯИМга нисбатан 1980 йилдаги 10,3 фоиздан 2011 йилга келиб, 23,1 фоизга ортди. Мазкур харажатларнинг таркибига пенсия ва соғлиқни сақлаш тизими харажатлари киришини қайд этиш мумкин³⁷.

Японияда бюджет сиёсатига сезиларли таъсир кўрсатаётган муҳим макроиктисодий муаммолардан бири – бу аҳоли ўртача умр кўриш даврининг ошиб бориши билан боғлиқ. БМТ маълумотига

³⁶ Товгазова А.А. Налоговое стимулирование инновационной деятельности как фактор диверсификации будущих налоговых доходов: автореферат ... к.э.н. – Москва: РАНХГ при ПРФ, 2016. – 24 с.

³⁷ Саакян А.Р. Влияние демографических и социальных факторов на экономическое развитие Японии во второй половине XX - начале XXI вв: автореферат ... к.э.н. – Москва: ИААМГУ им. Ломоносова, 2017. – 31 с.

кўра, 2050 йилга бориб, 100 ёшдан ошган аҳоли сони 1 млн.дан ошиши мумкин, ҳозирги кунда 68 мингдан ортиқ шундай одамлар бор. Бу эса, биринчидан, аҳолининг пенсия ва тиббий хизматлар билан боғлиқ харажатларини оширса, иккинчидан солиқ тўловчилар сонининг камайишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, бюджет харажатларини оширишни тақозо қилади. Хусусан, пенсия фонди дефицитининг бюджетдан қопланиши ҳажми 110 млрд. АҚШ долларни ташкил этади³⁸.

Бизнингча, бюджет харажатларининг ошишига таъсир этувчи омилларни ҳам инобатга олиш муҳим ҳисобланади. Масалан, аҳоли ўртача умр кўриш ёшининг ортиши тиббий хизматларга харажатларни ошириш билан бирга, пенсия харажатларини ҳам кўпайтиради. Мазкур ҳолат нафақат Япония давлатида, балки мамлакатимизда 2019 йилда пенсия жамғармаси тақчиллиги учун бюджетдан ажратилиши кўзда тутилган маблағлар ҳажми 4,7 трлн. сўм (ўртача 552 млн. АҚШ доллари)ни ташкил қилади.

Шу боисдан, Япония тажрибасига таяниб айтганда, бюджет сиёсатини шакллантиришда аҳолининг ўртача умр кўриш даврини ҳам инобатга олиш ва унга мос равишда ислоҳотларни:

– биринчидан, тиббий хизматларни молиялаштиришда тиббий суғурта амалиётидан фойдаланиш;

– иккинчидан, пенсия ислоҳотларини амалга оширишда бирдамлик пенсия таъминотидан жамғариладиган пенсия таъминоти тизимига ўтишни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

Бюджет сиёсатини амалга оширишда натижа мезонларини жорий этилиши, харажатларни маълум мақсадларга эришиш учун белгилаш амалиёти бир қатор ривожланган давлатларда амал қилмоқда. Жумладан, АҚШда натижага йўналтирилган бюджетлаштириш бир қанча босқичларда жорий этилди. Улар қуйидаги тартибда амалга ошганлигини кўриш мумкин:

Биринчи босқич – 1949-1962 йиллар. Дастлаб, федерал бюджет мақсадли-дастурий бюджет асосида шакллантирилди. Асосий эътибор давлатнинг одатий харажатлари ўрнига давлат функцияларининг мақсадлари ва натижалари бажарилишига қаратилди. Ҳар бир вазирлик ва идоралар ўзларининг истиқбол режаларини шакллантириши йўлга қўйилди.

³⁸ <https://www.gazeta.ru/business/2018/12/14/12095677.shtml>

Иккинчи босқич – 1962-1971 йиллар. Ушбу босқичда режалаштириш-дастурлаш-бюджетлаштириш амалиёти орқали бюджет сиёсати амалга оширила бошланди. Шунингдек, барча давлат идоралари мақсадлар ва дастурлар юзасидан ўзаро гуруҳлаштирилган ҳолда натижаларга эришиш услубияти амал қила бошлади.

Учинчи босқич – 1972-1975 йилларда мақсадларга эришиш бўйича бошқариш методи амалга оширила бошланди. Ҳар бир вазирлик ва давлат идораларининг мақсадлари давлатнинг стратегик мақсадлари доирасида амалга оширилишидан келиб чиқиб, харажатларни белгилаш жорий этилди.

1981 йилда бюджет сиёсатини амалга оширишни такомиллаштириш жараёнлари давом эттирилди. Ислохотлар доирасида натижага йўналтирилган бюджетлаштириш амалиёти қўлланила бошланди. 1993 йилда эса, “Давлат муассасалари фаолияти натижаларини баҳолаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. 2010 йилга келиб, мазкур қонунга 150 дан ортиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Бизнингча, АҚШ тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам бюджет харажатларини режалаштиришда босқичма-босқич натижа мезонларини жорий этиш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам стратегик йўналишлардан келиб чиқиб, ўзаро уйғун бўлган дастурларни бирлаштириш ва биргаликда мақсадга эришиш методини жорий этиш ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлади. Масалан, пенсия таъминоти тизимидаги ислохотлар доирасида пенсия ёшини ошириш учун соғлиқни сақлаш тизимида инсонларнинг ўртача умрини узайтиришга қаратилган чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, АҚШ Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат департаменти 2016-2017 йиллар учун қуйидаги устувор йўналишларни амалга оширишни кўзда тутган³⁹:

- кичик ёшдаги болалар таълимини мустаҳкамлаш;
- соғлиқни сақлаш тизимида меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш;
- жиддий психологик касалликларни даволаш;

³⁹ Ханафина К.А. Международный опыт разработки и внедрения программно-целевого бюджетирования//Финансы и кредит. – Москва, 2016. - №33. – С. 48-60.

- бактерияларга қарши барқарор курашиш;
- тамаки маҳсулотлари истеъмолчини кискартириш;
- озиқ-овқат хавфсизлигини кучайтириш.

Қайд этиш лозимки, соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотларнинг амалга оширилиши тизимли ёндашув тарзида бўлмоқда. Хусусан, кичик ёшдаги болалар таълимини яхшилашда, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти назарда тутилмоқда. Мазкур мезонларнинг мавжуд бўлиши бюджет харажатларининг натижавийлигини тизимли тарзда таъминлашга қаратилганини кўриш мумкин. Бу борада эса, мамлакатимизда бюджет харажатларини амалга оширишда устувор йўналишларга тизимли ёндашув талаб этилади.

1.4-жадвал

Давлат дастурларини амалга ошириш самарадорлигини баҳолаш мезонлари

Дастур мақсадли кўрсаткичлари бўйича бекарор оғишнинг улуши, %	Самарадорлик даражаси
10 дан кичик	Юқори
10 дан 50 гача	Ўрта
50 дан 75 гача	Паст
75 дан юқори	Қоникарсиз

Бу борада рус олими А.Мастеров давлат дастурларини баҳолаш ва уларни самарадорлигини ошириш мезонларини келтириб ўтади. Мазкур баҳолаш мезонлари бўлишини таъкидлаб ўтади⁴⁰ (1.4-жадвалга қаранг).

Бюджет харажатлари доирасида амалга ошириладиган давлат дастурларини нафақат давлат идоралараро, балки маълум мезонлар асосида баҳолаш муҳим аҳамиятга эга экан.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида мамлакатимизда бюджет сиёсатини такомиллаштиришда хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда, қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади:

⁴⁰ Мастеров А.И. Совершенствование государственных программ как условие повышения эффективности программно-целевого бюджетирования в России//Экономика и управление. – М.,2016. - №5. – С.99-104.

бюджет сиёсатини амалга оширишда якунийлик, натижавийлик ва манзиллилик каби тамойилларга эътибор беришни тақозо этувчи методологик асосларни яратиш;

бюджет даромадларини тор доирадаги манбаларга боғлиқ бўлиб колмаслигини таъминлаш ва солиқсиз даромадлар улушини ошириб бориш;

бюджет маблағларидан бюджетдан ташқари жамғармаларнинг харажатларини молиялаштириш амалиётини қисқартириш чоратadbирларини амалга ошириш;

давлатнинг стратегик мақсадларидан келиб чиқиб, давлатнинг идоралараро дастурларни амалга ошириш тажрибасини жорий этиш;

бюджет харажатлари мақсад кўрсаткичларининг маълум мезонлар ёрдамида баҳоланиб боришини таъминлаш амалиётини татбиқ этиш;

маҳаллий бюджетлар ижросини таъминлашда, молиявий ваколатлар (ҳам даромадлар, ҳам харажатлар бўйича) мувозанатини таъминлаш чораларини кўриш.

Хулоса қилиб айтганда, бюджет сиёсатини амалга оширишда натижавийлик, тизимлилик ва ваколатлар мувозанатини ўзида акс эттирган ҳолда амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Монографиянинг биринчи бобида қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди:

1. Бюджет сиёсати шакллантирилишида қуйидаги мақсадларни ўзида акс эттиришини қайд этиш мумкин:

биринчидан, жамиятда молиявий ресурсларни мувозанатли тақсимлаш;

иккинчидан, давлат зиммасидаги функцияларни бажариш ва аҳоли ҳаёт сифатини оширишда аҳоли, иктисодиёт субъектлари ва давлат ўртасидаги молиявий муносабатларда уларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда иктисодий мувозанатни таъминлаш;

учинчидан, бюджетнинг барча даражалари, тузилмаси ва бюджет муносабатларини ривожлантириш учун молияни бошқаришни такомиллаштириш;

тўртинчидан, бюджет харажатларини бошқаришда марказлаштириш амалиётини қисқартириб борилишига эришиш;

бешинчидан, бюджет харажатлари ҳисобидан молиялаштирилувчи тадбирларни давлат зиммасидан хусусий тармок ҳиссасига босқичма-босқич ўтказиб бориш;

олтинчидан, бюджет сиёсатини ишлаб чиқишда жамоатчилик иштироки ва назоратини ривожлантириш.

2. Бюджет сиёсатининг қуйидаги йўналишларда амалга оширилишини қайд этиш мумкин:

– ижтимоий соҳа харажатларини режалаштиришда тизимли таҳлил элементларидан фойдаланиш, бунда соғлиқни сақлаш тизимидаги ижобий натижалар ўларок, ўртача умр кўриш давомийлигини оширишнинг пассив хусусиятга эга бўлишига йўл қўймаслик. Бошқача айтганда, инсонларнинг умри узайиши билан уларнинг ялпи даромадни яратишдаги улушини ҳам шунга мувофиқлаштириш лозим, шунда ўртача умр кўришнинг узайиши актив хусусиятга эга бўлади. Мазкур ҳолатда эса, инсонларнинг таълим олишлари учун ижтимоий ва молиявий шарт-шароитларни ностандартлаштириш лозим бўлади;

– бюджетнинг иқтисодиёт харажатлари ҳисобидан бюджет харажатлари ошиб кетишининг олдини олиш учун иқтисодиётда давлат улушини камайтириш, давлат бюджети ҳисобидан марказлашган инвестицияларнинг молиялаштирилишини босқичма-босқич камайтириб бориш. Бунда давлат-хусусий шериклик амалиётига устуворлик бериш;

– иқтисодиётнинг замонавийлашуви натижасида экологик оқибатларни бартараф этишга қаратилган ислохотларни амалга оширишда бюджет сиёсатига устуворлик бериш. Бунда экологик вазиятни мураккаблаштирувчи жараёнларни бюджетнинг таъсир механизми орқали тартибга солишни кучайтириш.

Тадқиқотимиз давомида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Бюджет сиёсатини шакллантириш ва ишлаб чиқишда, қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

– бюджет концепциясини замон ва макондан келиб чиқиб, унинг иқтисодиётдаги ҳамда ижтимоий вазифаларни ҳал этишдаги ролини белгилаш;

– бюджет муносабатларини мезонлаштириш, маблағларни тақсимлаш услубиятини такомиллаштириш орқали бюджет барқарорлигини таъминлаш;

– бюджет сиёсатининг мақсад ва вазифаларини аниқ шакллантириш. Бунда мақсадли йўналтирилган бюджетнинг барча ўлчов ва инструментларини комплекс тарзда бўлишини таъминлаш;

– жамиятнинг ривожланиш тенденциясида бюджет маблағларига бўлган эҳтиёжнинг ҳажмини аниқлаш методологиясини жорий этиш.

2. Мамлакатимизда бюджет сиёсатини такомиллаштиришда, хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади:

– бюджет сиёсатини амалга оширишда яқунийлик, натижавийлик ва манзиллилик каби тамойилларга эътибор беришни тақозо этувчи методологик асосларни яратиш;

– бюджет даромадларини тор доирадаги манбаларга боғлиқ бўлиб қолмаслигини таъминлаш ва солиқсиз даромадлар улушини ошириб бориш;

– бюджет маблағларидан бюджетдан ташқари жамғармаларнинг харажатларини молиялаштириш амалиётини қисқартириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

– давлатнинг стратегик мақсадларидан келиб чиқиб давлатнинг идоралараро дастурларини амалга ошириш тажрибасини жорий этиш;

– бюджет харажатлари мақсад кўрсаткичларининг маълум мезонлар ёрдамида баҳоланиб боришини таъминлаш амалиётини татбиқ этиш;

– маҳаллий бюджетлар ижросини таъминлашда молиявий ваколатлар (ҳам даромадлар, ҳам харажатлар бўйича) мувозанатини таъминлаш чораларини кўриш.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ СИЁСАТИ ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Бюджет сиёсати самарадорлигини белгилаб берувчи омиллар таҳлили

Тадқиқотнинг олдинги бобида бюджет сиёсатининг илмий-назарий жиҳатлари ўрганиб чиқилди. Мазкур параграфда бюджет сиёсати самарадорлигини таъминлаб берувчи омиллар тадқиқ этилади. Бюджет сиёсатининг муҳим таркибий қисмларидан бўлган таълим ва соғлиқни сақлаш тизими харажатлари ўлчовини илмий асослаб бериш муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан, мазкур параграф доирасида таълим тизимида бюджет харажатлари самарадорлиги кўрсаткичларини ўрганиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган Бюджет кодексига кўра, “бюджет харажатлари” “бюджет харажатларининг самарадорлиги ва унинг индикаторлари” каби омилларга асосий тушунчалар қаторида тушунтиришлар келтирилмаган. Албатта, бюджет харажатлари тўғрисидаги илмий-назарий қарашлардан келиб чиқиб, ушбу тушунчага амалий ёндашувлар ҳам шаклланган. Зотан, конунчилик нуктаи назаридан ушбу категорияларга юридик тус берилмаганлиги мазкур тушунчаларнинг илмий асосларини ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради.

Умуман олганда, бюджет харажатлари бўйича Россия Федерациясининг 1998 йил 31 июлда қабул қилинган Бюджет кодекси⁴¹нинг 6-моддасида: “бюджет харажатлари – бюджет дефицитини молиялаштириш манбаларини истисно қилган ҳолда, бюджетдан тўланадиган пул маблағлари”, деб таърифланган. Кўришиб турибдики, бюджет харажатлари дейилганда, давлатнинг марказий пул фондидан маълум тўловларни амалга оширилиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, кўшни Қозоғистон Республикасининг 2008 йил 4 декабрда қабул қилинган Бюджет кодекси⁴²да ҳам бюджет

⁴¹ “Бюджетный кодекс Российской Федерации” от 31.07.1998 N 145-ФЗ (ред. от 27.12.2018).

http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_19702/055a71948dbf2a4fc2478437cd89cd864ee8e6e5/

⁴² Бюджетный кодекс Республики Казахстан от 4 декабря 2008 года № 95-IV.

https://online.zakon.kz/document/?doc_id=30364477#pos=738;-43

харажатларига алоҳида изоҳ ва тушунчалар берилган. Хусусан, мазкур Кодекснинг 12-моддасида бюджет харажати­нинг куйидаги шакллари акс эттирилган:

1. Бюджет харажатлари бюджет кредити, молиявий активлар эгалик қилиш (сотиб олиш) ва заёмларни сўндириш билан боғлиқ сарф этилиши.

2. Қайтармаслик асосида бюджет маблағларининг сарф этилиши.

3. Бюджет кредитларини қайтаришлиқ, муддатлиқ ва фоизлиқ асосида бюджетдан бериладиган маблағларнинг назарда тутилиши.

4. Молиявий активларга эгалик қилиш деганда, давлат улуши сифатида ёки юридик шахс (халқаро ташкилот)ларнинг қимматли қоғозларини сотиб олишнинг амалга ошириши.

5. Бюджет маблағлари ҳисобидан заёмларни сўндириш деганда, халқаро шартномаларга мувофиқ (Қозоғистонда ратификация қилинган) ҳамда маҳаллий давлат заёмларини сўндириш назарда тутилади.

Юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, бюджет харажатлари категориясига нисбатан ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда маълум тушунтиришлар келтирилган. Россия ва Қозоғистон тажрибасида ҳам бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилувчи жараён назарда тутилган. Шу билан бирга, Қозоғистон амалиётида бюджет харажатлари категорияси кенг тарзда изоҳлаб берилган. Ҳаттоки, бюджет харажатларини тижорат мақса­дида ҳам амалга оширилиши белгилаб берилган. Бу эса, бюджет муассасаларига бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топиш учун имконият берилганлигини ўзида акс эттиради.

Ўзбекистон Бюджет кодексининг 3-моддасида бюджет харажатларига алоҳида таъриф берилмаган, ҳамда унинг таркибий қисмлари, йўналишлари тизимлаштирилган ҳолда шакллантирилмаган. Унда: “Бюджетдан ажратила­диган маблағлар – Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларидан бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчилар учун назарда тутиладиган пул маблағлари”, деб таъриф берилган. Шундай бўлсада, бюджетдан ажратила­диган

маблағ қандай мақсадда, қайси фаолият ва муддатларда ажратилишига алоҳида изоҳлар бериб ўтилмаган.

Шу боисдан, ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга бюджет харажатлари ва бюджет харажатлари самарадорлиги ва кўрсаткичлари (индикаторлари) каби категорияларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Бизнингча, бюджет харажатлари ва унинг самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисидаги илмий-назарий қарашларни тадқиқ қилиб чиқиш зарур. Жумладан, хорижлик олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасидаги хулосаларни ўрганиб чиқамиз.

М.В.Романовскийнинг фикрига кўра, “бюджет харажатлари – давлат ва маҳаллий давлат бошқарув органлари функция ва вазифаларини бажаришни молиялаштиришга мувофиқ даражада бюджетда кўзда тутилган маблағлардир”⁴³.

Г.Б.Полякнинг хулосасига кўра, бюджет харажатлари – маҳаллий ва давлат бошқарув органларининг функция ва вазифаларини молиявий таъминлашга йўналтирилган пул маблағларидир⁴⁴.

Л.Г. Грязнова, Е.В. Маркина эса, бюджет харажатлари сифатида давлат органларининг фаолиятига мос равишда бюджет ва давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан йўналтирилган пул маблағларини қайд этадилар⁴⁵.

Мазкур олимлар, бюджет харажатларининг моддий харажатларнинг реал кўриниши жиҳатидан ёндашувларни баён этмоқдалар. Бунда харажатлардан фойдаланиш жараёни мақсадлилиги, давлатнинг мажбуриятларини молиявий таъминлаш назарда тутилмоқда. Ўз навбатида, аниқ ижтимоий-иқтисодий натижаларга эришишнинг мазмуни назарда тутилмаган.

Л.Л.Дробозининг фикрига кўра, бюджет харажатлари давлатнинг функция ва вазифаларини бажариш билан боғлиқ тарзда юзага келувчи сарфларни ўзида акс эттиради. Мазкур сарфлар иқтисодий муносабатларни акс эттириб, давлатнинг марказлашган

⁴³ Финансы: Учебник для вузов / Под ред. проф. М.В. Романовского и др. – М.: Юрайт-М, 2004. – С. 191.

⁴⁴ Финансы: учебник для студентов вузов / Под. ред. Г.Б. Поляка. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – С. 274.

⁴⁵ Финансы: учебник / А.Г. Грязнова, Е.В. Маркина, М.Л. Седова и др.; под. ред. А. Г. Грязновой, Е. В. Маркиной. - 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2012. – С. 281.

пул фондларини турли йўналишларда фойдаланилишини ифода этишини қайд этиб ўтади.

Б.М.Сабанти фикрига кўра, давлат харажатлари императив характерли бўлиб, ишлаб чиқарилмайдиган хусусиятдаги ижтимоий-иктисодий муносабатларни шакллантиришга хизмат қилади.⁴⁶

А.М. Годин, В.П. Горегляд, И.В. Подпорина бюджет харажатлари деганда, давлат маблағларини меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар асосида тақсимлаш ва бошқаришда юзага келадиган иктисодий муносабатларни ва давлат хизматларини ҳудудий, мақсадли ва соҳалар бўйича таъминланишини молиялаштиришни назарда тутувчи категориядир⁴⁷.

Л.М. Подъяблонская эса, юқоридаги олимларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, бюджет харажатлари давлат пул фондлари маблағларидан соҳалар, ҳудудлар кесимида мақсадли фойдаланиш эканини таъкидлаб ўтади⁴⁸.

Юқорида қайд этиб ўтилган олимлар бюджет харажатларини маълум натижага йўналтирилган иктисодий муносабатлар эканлигини баён этишган. Бизнингча, бюджет харажатлари дейилганда, давлатнинг зиммасида бўлган фаолиятни молиявий таъминлаш учун марказлашган пул фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиш тушунилади.

Шунингдек, бюджет харажатларининг ҳар бир қиймати бўйича натижага эришилганлиги самарадорлик индикаторларини ишлаб чиқилганлиги билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

Шу ўринда самарадорлик категориясига эътибор берсак, классик иктисодчилардан Д.Рикардо молиявий ресурснинг самарасини ўлчашга эътибор қаратган ҳолда самарадорлик бу натижани баҳолаш сифатида эмас, балки натижанинг ҳар бир харажатга нисбати, деб тушунтиради.

Самарадорлик категориясини иккига ажратиб, унга нисбатан Ф.Шахмалов қуйидагича таъриф келтиради: Техник самарадорлик – давлат хизматларига қўйилган мақсадларга эришишни англатса,

⁴⁶ Сабанти Б.М. Теория финансов: учебное пособие. — М.: Менеджер, 1998. — С. 103.

⁴⁷ Годин А. М. Бюджетная система Российской Федерации: учебник / А. М. Годин, В. П. Горегляд, И. В. Подпорина. —9-е изд., испр. и доп. — М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2010. — С.129.

⁴⁸ Финансы: учебник для студентов вузов / Л.М. Подъяблонская. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. - С.165.

иктисодий самарадорлик – молиявий натижаларга нисбатан ишлаб чиқариш харажатлари нуктаи назаридан баҳоланади⁴⁹.

Демак, самарадорлик борасида фикр юритилганда, иқтисодий нуктаи назардан ҳар бирлик харажатга нисбатан натижанинг таъминланиши юқори бўлишини аңглатади, деб ҳисоблаймиз. Шу боисдан, бюджет харажатлари самарадорлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, замонавий бюджет сиёсатининг янги босқичини ўзида акс эттиради.

Бу борада, ўзбекистонлик олимлардан Т.Эшназаров бюджет харажатлари ижросини таъминлашда ғазначилик тизимининг аҳамияти тўғрисида фикр юритади. Бюджет ижроси самарадорлиги сифатида даромадларни ғазна ҳисоб варағига тўплаш ва ушбу ҳисоб рақамдан бюджет харажатларини амалга ошириш орқали давлат молиявий ресурсларини самарали бошқариш мумкинлигини изоҳлаб беради⁵⁰.

Б.И.Тўйинов ўзининг мақоласида: “Бюджет ижросининг ғазначилик тизими бюджетдан маблағ ажратиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириб, харажатларнинг аниқ амалга оширилишини таъминлайди ва молиявий операциялар учун вақт ҳамда маблағлар сарфини камайтирган ҳолда, ушбу операцияларни тезлаштиради”, деган фикрни илгари суради.

Юқоридаги илмий хулосаларда бюджет харажатлари самарадорлигини таъминлашда ғазначиликнинг тутган ўрни ва роли алоҳида қайд этиб ўтилган. Шундай бўлишига қарамай, ғазначилик тизимида бюджет харажатлари ижроси самарадорлигини таъминлашда баъзи мураккабликлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилади. Хусусан, проф. Д.Пулатов эса, бюджет самарадорлигига таъсир этувчи омиллар қаторида назорат самарадорлигини келтириб ўтади ва жумладан, “бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назорат самарадорлиги етарли эмаслиги, яъни маблағ ажратилганидан сўнг назорат амалга оширилиши ва солиқ инпекцияларининг ҳисоб рақамлари бюджет маблағларининг ушлаб қилиниши”⁵¹, деб изоҳлайди.

⁴⁹ Шахмалов, Ф.И. Теория государственного управления. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2002. – с. 562.

⁵⁰ Эшназаров Т. Давлат молияси тизимида институционал ислохотлар ва уни ривожлантириш омиллари// Иқтисод ва молия. 2012. №12

⁵¹ Пулатов Д.Х. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазна ижросини такомиллаштиришнинг методологик жиҳатлари: и.ф.д. (DSc) ... автореферат. – Т.: БМА, 2017. – Б.16.

Ё.Ш. Файзуллаев, И.А. Азизова томонидан макродаражада солиқ-бюджет ишини режалаштиришнинг самарадорлигини белгиловчи омиллар: сифатида қуйидагилар келтириб ўтилади:⁵²

– режалаштирилган бюджет тақчиллигининг жоиз миқдори даражасида балансланган ва бюджетни молиялаштириш манбалари давлат мажбуриятлари ва инфляцияга жиддий таъсир кўрсатмайди;

– бюджет даромадлари солиқ юкини ошириш ҳисобига эмас, балки солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқ сиёсатида иктисодий ўсишни таъминлашда рағбатлантирувчи функцияларни юклаш ҳисобига шаклланади;

– бюджет харажатлари уларни оқилона режалаштириш ҳисобига иктисодиётнинг ўсишини қувватлашга энг катта талабни яратади.

Ўзбекистонлик олимлардан бир гуруҳи бюджет-солиқ сиёсати самарадорлигига шарт-шароит яратувчи омилларни таъкидлаб ўтишади. Ўз навбатида, бюджет харажатлари самарадорлигини оқилона режалаштириш ҳисобига ялпи талабни шакллантиришнинг ўзига хослиги кўрсатиб берилган.

Рус олимларидан О.С. Сухарев бюджет харажатлари самарадорлигини даромадларнинг харажатларидан ортиши билан изоҳлаб беради. Ўз навбатида, бюджет харажатлари моддалар бўйича қандай тақсимланганлиги, қандай тартибда фойдаланиши ва қанчалик молиявий назоратнинг амалга ошиши билан тушунтириб беради⁵³.

Юқорида олиб борилган изланишлар натижасида, бюджет харажатлари самарадорлиги тамойиллари сифатида қуйидагиларни келтириш лозим:

- индикаторлик;
- тежамкорлик;
- натижавийлик.

Бизнингча, индикатор кўрсаткичлари сифатида бир қатор омилларни гуруҳлаштириш орқали амалга оширилиши муҳим ҳисобланади. Жумладан, хусусий сектор билан солиштириш нуқтаи назаридан қуйидаги 2.1.–жадвалга эътибор бериш лозим.

⁵² Файзуллаев Ё.Ш., Азизова И.А. Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш: - Тошкент, 2010 - 152 б

⁵³ Сухарев, О.С. Теория эффективности экономики / О.С. Сухарев. – М.: Финансы и статистика, 2009. – С. 156.

Самарадорликнинг индикаторлик омиллари⁵⁴

Кўрсаткич	Хусусий сектор	Бюджет соҳаси
Харажатлар	Хом ашё сотиб олиш, иш ҳақи, иш, хизмат, солиқ ва амортизация	Хом ашё сотиб олиш, иш ва хизмат ҳақи, марказлаштирилган инвестициялар, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш
Натижа	Маҳсулот (иш, хизмат)	Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги
Мезон	Бозор баҳоси	Ҳисобланган нарх, сарф этилган ресурсларнинг муқобиллиги, жамият учун афзаллиги
Мақсад	Фойда, даромад	Харажатларнинг бир бирлигига кўшимча қиймат яратишнинг ортиши.

Хусусий сектордаги самарадорлик индикаторларидан фаркли равишда, бюджет соҳаси самарадорлиги бирмунча фаркланади. Хусусан, бизнес соҳасида самарадорлик бевосита юзага чиқса, бюджет секторида билвосита юзага чиқиши билан ўзаро фаркланади. Бошқача айтганда, иқтисодий манфаатдорлик хусусий секторга тегишли бўлса, ижтимоий манфаатдорлик бюджет харажатларига тегишли ҳисобланади. Буни бир мисол орқали ҳам тушунтириш мумкин. Хусусий секторда кўрсатиладиган хизмат пул қийматида ўлчанади ва унинг таннарх билан фарқи бизнес вакилининг молиявий манфаати тарзида шаклланади. Масалан, ўқув марказини ташкил этган хўжалик юритувчи шахс таълим хизматларини сотиш ортидан ўз даромадини шакллантиради ва давлат билан ўзаро солиқ муносабатлари орқали муносабатга киришади. Аксинча, бюджет ташкилоти таълим хизматларини истеъмолчиларга етказиб берганда, ундан молиявий манфаатдорлик кўзда тутилмайди ва солиқлар ҳам тўланмайди. Ваҳоланки, давлат минимал арзон харажатлар орқали аҳолига таълим хизматини

⁵⁴ Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида шакллантирилган

етказиб беради. Аслида, унинг натижаси аҳолининг таълим натижасида шаклланган билим ва кўникмалари орқали ялпи ички маҳсулотда акс этади. Жумладан, инновацияларнинг яратилиши, илмий сиғимкорлиги юқори бўлган маҳсулотларнинг яратилишида ўз ифодасини топади.

Фикримизча, бюджет харажатлари индикаторларини харажатларга нисбатан бирламчи босқичда эмас, балки мазкур харажатлар орқали шакллантирилган инсонларнинг (билим-тажрибаси, соғлиқ даражаси, сиёсий фаолияти каби) иккиламчи босқичдаги кўрсаткичлари орқали ўлчаниши мақсадга мувофиқ. Буларга биз қуйидаги баъзи омилларни келтиришимиз мумкин:

- ялпи ички маҳсулот (жумладан, экспорт) таркибда илмий сиғимкорлиги юқори бўлган маҳсулотларнинг улуши;

- таълим ва тиббий хизматларнинг экспорт қилиниш миқёси ёки мамлакат экспортида бюджет муассасаларининг ижтимоий хизматлари улуши;

- фан харажатлари яратилган илмий ишланмаларнинг тижоратлаштирилганлик даражаси ёки бюджет харажатларига нисбатан тижоратлаштирилган қийматнинг юқорилиги;

- маданий обидалар ва тарихий биноларни сақлашга қилинган харажатлар ҳисобидан туризмдан келган даромадларнинг нисбий юқорилиги;

- тиббий соҳадаги давлат харажатлари натижасида ўртача умр кўриш давомийлиги актив даврининг узайиши;

- марказлашган инвестицияларнинг жами инвестицияларга нисбатан улуши ва унинг ижтимоий натижасининг индикаторлари.

Ўзбекистонда ЯИМнинг яратилишида янги қўшилган қийматнинг ўсиши 2007-2017 йилларда 2,1 баробарга ошганлигини кўриш мумкин. Бунда сезиларли ўсиш қурилиш соҳасида амалга ошган бўлса, саноатда қўшилган қийматнинг ортиши энг кам 1,7 баробарни ташкил этган⁵⁵. Бу, ўз навбатида, саноатда қўшилган қийматнинг яратилиши учун зарурий шарт-шароитлар яратилишини кўрсатиб турибди. Мазкур кўрсаткичнинг шаклланишига таъсир этган омилларнинг яна бири сифатида кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушининг 2017 йилда 54,9 фоизга етганлиги билан боғлаш

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
<https://stat.uz/uploads/docs/Sns-1991-2017-uz.pdf>

мақсадга мувофиқ. Жаҳон тажрибасидан маълумки, бу, албатта, қўшилган қийматнинг яратилиши билан эмас, балки иш билан таъминлаш ва аҳолини даромадлар билан таъминлашни ўзида акс эттиради.

Халқаро тажрибадан маълумки, кичик бизнес экспортни ривожлантиришда ҳал этувчи ролни таъминлаб бера олмайди. Шу сабабли, мамлакатимиз экспортида ҳам тайёр маҳсулот (иш, хизмат)лар улуши юқори эмас. Жумладан, PhD Л.Мингишов ўзининг тадқиқотида мамлакатимиз экспортида жамланганлик даражаси юқорилигини изоҳлаб:

“2014-2016 йилларда Ўзбекистоннинг асосий экспорт товарлари бўйича энг катта улушга эга 3 та маҳсулотнинг ўртача ҳиссаси қимматбаҳо металлларда 99,9 фоиз, минерал ёки энергетика маҳсулотларида 99,6 фоиз, пахта ва пахта маҳсулотларида 75,8 фоизни ташкил этган. Мазкур экспорт маҳсулотлари доирасида энг катта улушга эга 3 та бозорнинг ўртача ҳиссаси ҳам юқори кўрсаткичга эга бўлиб, 2014-2016 йилларда қимматбаҳо металлларда 99,8 фоиз, минерал ёки энергетика маҳсулотларида 98 фоиз, пахта ва пахта маҳсулотларида эса 87,6 фоизни ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар мамлакатимизнинг экспорт товарлари таркиби ва бозорлари жамланганлик даражаси юқори эканлигидан далолат беради”⁵⁶, дея таъкидлайди.

Шунингдек, 2019 йилнинг январь ойида Ўзбекистон экспортининг 48,5 фоизини⁵⁷ ёки 812 млн. АҚШ доллари миқдоридаги улуши олтин захирасини сотишдан шаклланганлигини таъкидлаш лозим.

Фикримизча, юқорида қайд этиб ўтилган рақамлар ва илмий хулосалар Ўзбекистонда қўшилган қиймат яратилишида илмий сифимкорлиги юқори бўлган товарларнинг улуши паст эканлигидан далолат бермоқда. Шу боисдан, таълим тизими харажатларини амалга оширишда қўшилган қиймат яратилишига бўлган таъсирини баҳолаш муҳим ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, таълим тизими

⁵⁶ Мингишов Л.Ў. Ўзбекистоннинг экспорт рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари: и.ф.б.ф.д.дис. ... автореферати. – Т.: ЖИДУ, 2018. – 49 б.

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари:

<https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/5431-o-zbekiston-respublikasining-tashqi-savdo-aylanmasi-2019-yil-yanvar>

натижавийлигининг мамлакатда яратилаётган қўшилган қийматда ўз ифодасини топади.

Жумладан, Х. Риндерманн, М. Сейлер ва Ж. Томпсон томонидан тадқиқотлар асосида олинган илмий хулосаларга кўра, таълимнинг ЯИМни яратишдаги таъсири юкори. Ушбу тадқиқотда IQ (intelligence quotient – интеллект даражаси) коэффициентининг бир пунктга ошиши ЯИМнинг киши бошига ортиши ўртача 230 АҚШ доллариға тенг бўлишини қайд этадилар⁵⁸.

Бу борада, ўзбекистонлик олимлар ҳам ўз фикрларини билдириб ўтишган. Хусусан, академик С.Ғуломов бошчилигида олиб борилган тадқиқотларда куйидагича илмий хулоса баён этилади: “интеллектуал салоҳиятнинг ўсиши 3 қисмға бўлинади:

1. 20-30 % наслиға (яъни, етти пушти ва насл-насабига боғлиқ бўлиб, 2. 20-25 % етишмаган сув ва озик-овқат терапиясига, 3. 50 % эса устоз-ўқитувчиларға боғлиқдир. Зотан, одамнинг янги билим, технология ва инновация яратиш қобилиятларини фақат «ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш» боқиманда шиор билан чегараланиб қолмаслиги керак! Чунки, одам умр бўйи ўқиса, болаларига тарбия бермаса, оиласига бепарво бўлса, ишлаб чиқаришда иштирок этмаса, янги билим йўналишлари ва инновациялар яратмаса – у ривожланишдан, яъни такомиллаша боришдан тўхтайти!”⁵⁹. Мазкур фикрдан ҳам келиб чиқиб айтиш мумкинки, ЯИМни яратишда, қўшилган қиймат нафақат таълим билан, балки соғлиқни сақлаш билан ҳам боғлиқ эканлигини қайд этишади.

Юқоридаги тадқиқот ва илмий хулосаларда ҳам давлат ижтимоий хизматлари ЯИМнинг яратилишида муҳим омил сифатида акс этиши асослаб берилган. Шу нуқтаи назардан, бюджет сиёсатини шакллантиришда ижтимоий хизматларнинг натижавийлигини баҳолашда юқоридаги хулосаларимизнинг инobatга олинаши муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасида 2017 йил 7 февралда мамлакатни ривожлантиришға қаратилган Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинганидан сўнг, бюджет сиёсатида ҳам баъзи ўзгаришлар юзага келди. Бинобарин, 2017-2018 йилларға қадар бюджет харажатлари таркибида бўлмаган ёки хусусияти жиҳатидан бошқа бўлган

⁵⁸ Rindermann H., Sailer M., Thompson J. The impact of smart fractions, cognitive ability of politicians and average competence of peoples on social development//Talent Development & Excellence, 2009. - №1(1). - pp. 3-25.

⁵⁹ Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Раҳмонов Д.А., Ташходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. –Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 335 б.

харажатлар бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилди. Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5278-сонли Фармони асосида янги институтни шакллантириш натижасида ушбу фаолиятни молиялаштиришнинг сезиларли қисми бюджет харажатлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланди. Эътибор бериб каралса, мазкур институтни ташкил этиш орқали бюджет харажатларини амалга оширишда сезиларли ўзгариш юзага келган. Жумладан, 2018 йилда жами бюджет харажатларига нисбатан 15 фоизни (2.2-жадвалга қаранг) ташкил этган. Мазкур маблағларни бюджетдан соғлиқни сақлаш тизимига йўналтирилган бюджет харажатларига нисбатан 1,4 баробар⁶⁰ кўп эканлигини ҳам қайд этиш лозим.

2.2-жадвал

2017-2018 йилдаги Давлат бюджети харажатларининг янги йўналишлари

Бюджет харажатларининг номи	2017	2018	2017	2018
	Млрд. сўм	Млрд. сўм	Жами бюджетда улуши фоизда,	Жами бюджетда улуши фоизда,
Фуқаролар ўз-ўзини бошқариш органларини сақлаш харажатлари	498,6	-	1,0	-
Захира жамғармалари	312,2	-	0,6	-
Умумий аҳамиятдаги давлат хизматлари	-	11781,8	-	14,8
Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш	-	212,4	-	0,2
Уй-жой ва коммунал хизматлари	-	2245,6	-	2,8
Ижтимоий ҳимоя	-	8803,0	-	11,0
Жами	-	-	1,6	28,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари (www.mf.uz).

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган.

Бюджет сисёатидаги ўзгаришлардан яна бири – бу аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари жамига нисбатан 11 фоизни ташкил этмоқда (2.2-жадвалга қаранг). Бу, албатта, кичик рақам эмаслигини кўриш мумкин, мазкур харажатларнинг самарадорлик даражаси аҳоли даромадларининг истеъмол босқичидан жамғариш ёки инвестиция босқичига ўтилиши билан белгиланади, деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, давлат бюджети ҳисобидан аҳоли истеъмолини таъминлаш ва шу йўл билан ялпи талабни мувозанатлаштириш муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз. Масалан, ялпи талаб ва ялпи тақлиф ўртасидаги нисбат доц. З.Бердиназаров томонидан таҳлил этилиб, 2001-2016 йилларда ялпи талабнинг ялпи тақлифга қараганда катта эканлигини қайд этиб ўтади. Бу ўз навбатида, ялпи талабнинг таркибида истеъмолнинг улуши юқори эканлигини англатади. Бизнингча, кейинги инвестиция жараёнларининг жадал бўлмаётганлиги бюджетнинг аҳоли даромадларини таъминлашдаги роли фақат истеъмол билан чекланиб қолаётганлигини кўрсатиб турибди.

Хусусан, ялпи талаб таркибида истеъмолнинг улуши 2001-2016 йилларда 77-79 фоизни ташкил этганлиги⁶¹ бюджетнинг ижтимоий ҳимоя харажатлари кўшимча қиймат яратишга билвосита таъсир этмаётганлигини кўрсатиб турибди. Мазкур фикримизнинг яна бир далили сифатида Ўзбекистонда Жини коэффицентининг сезиларли даражада яхшиланганлигини қайд этиш мумкин. Хусусан, ушбу кўрсаткич 2000 йилда 0,39га тенг бўлган бўлса, 2017 йилга келиб 0,26ни ташкил этган⁶². Бу эса, бюджет ижтимоий ҳимоя харажатлари аҳолининг истеъмолини эмас, балки жамғариш ёки инвестиция қилиш жараёнларини рағбатлантириши зарур, деган хулосани шакллантиришга замин ҳозирлайди.

Бизнингча, бюджет харажатлари самарадорлиги тўғрисида фикр юритилганда унинг нафақат жорий, балки якуний натижаларини ҳам инобатга олиш зарур. Шу боисдан, ижтимоий ҳимоя харажатлари ҳам аҳолининг истеъмолини эмас, балки инвестиция жараёнларини фаоллаштиришга шарт-шароит яратиши муҳим ҳисобланади.

⁶¹ Бердиназаров З. Девальвация сисёатининг макроиктисодий кўрсаткичларга таъсири ва уни такомиллаштириш масалалари//Жамият ва бошқарув. – Т.: 2017. - №2. – 118-130 бб.

⁶² Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

<https://stat.uz/uploads/docs/tur-dar-17uz1.pdf>

Юқоридаги таҳлилларни давом эттирган ҳолда қарайдиган бўлсак, бюджетнинг ижтимоий роли доимий аҳамиятга эга эканлигини кўриш мумкин. Масалан, ижтимоий таъминот ва болали оилаларга нафақалар тўлаш жами бюджетга нисбатан 2011-2017 йилларда ўртача 4 фоиз атрофида эканлигини инobatга олсак, ушбу йўналишдаги харажатлар 2018 йилга келиб, амалга оширилмаган. Шунингдек, болали оилаларга нафақалар тўлаш ҳажми бошқа йўналишдаги харажатларга нисбатан сезиларли даражада катта эканлигини кўриш мумкин (2.3-жадвалга қаранг). Шундай бўлишига қарамадан, 2018 йилга келиб, ушбу хусусиятдаги харажатлар 3,2 баробарга ортиб, жамига нисбатан 10 фоиздан ортиқни ташкил этган (2.2-жадвалга қаранг).

2.3-жадвал

Давлат бюджетининг ижтимоий хусусиятдаги айрим харажатлар таркиби

Кўрсаткичлар номи	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Ижтимоий таъминот	72,2	86,9	106,4	126,2	147,5	161,1	435,3	-
Болали оилаларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий нафақалар	1378,4	1617,2	1611,3	1805,0	2102,6	2043,2	2238,4	-
Қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурини биргаликда молиялаштиришга кредит линияси	-	-	374,7	706,7	869,8	1335,5	214,0	-

Фикримизча, бюджетнинг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги харажатларида 2018 йилга келиб кескин ўзгаришлар бўлганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, 2017 йилга қадар амалда бўлган харажатларнинг 2018 йилга келиб, “ижтимоий химоя” номи билан 3 баробардан ортиқ миқёсда ошганлиги мазкур фикримизни тасдиқлайди. Шу боисдан, бюджет харажатларини амалга оширишда уларнинг самарадорлигини баҳолашда нафақат бевосита,

балки билвосита натижаларни инобатга олиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Бюджет харажатлари самарадорлигини белгиловчи умумий омиллар сифатида қуйидагиларни инобатга олиш зарур:

– бюджет харажатларининг асосланганлиги ва тақдим этилиш шартлари;

– бюджет харажатларининг етарлилиги;

– бюджет харажатларининг мультипликацион натижадорлиги.

Қайд этиб ўтилган омилларни бюджет харажатларининг йўналишидан қатъий назар, жорий этиш муҳимдир. Бироқ, бизнингча, бюджетнинг соҳалар бўйича самарадорлигини баҳолаш бирмунча ўзаро фаркланади. Масалан, таълим ва тиббий хизматлар самарадорлигини баҳолаш ягона мезонларга асослана олмайди. Биз қуйида бюджет харажатлари йўналишларининг айрим турлари бўйича самарадорликни белгиловчи омилларни келтириб ўтамиз. Жумладан, мактабгача таълим соҳасида:

– давлат мактабгача таълим хизматлари юзасидан эътироз, тақлифларнинг умумий сонида ота-оналар томонидан тўлов юзасидан қилинган мурожаатлар улушининг пастлиги;

– давлат мактабгача таълим тизимида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларда барқарор нисбатнинг мавжудлиги;

– 2-3 ёшгача бўлган болаларнинг оналари умумий сонида ишлаётган оналарнинг улуши (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сонли Қарори билан давлат мактабгача муассасасига қабул 3 ёш қилиб белгиланган);

– 3-7 ёшгача бўлган болаларнинг давлат мактабгача таълим муассасасига қамраб олиниш даражаси;

– давлат мактабгача таълим муассасасида кам даромадли (ижтимоий таъминот ёки нафақа олаётган) оилалар фарзандларининг умумий нисбатан улуши (мазкур кўрсаткич бюджетнинг мактабгача таълим харажатлари ва ижтимоий ҳимоя харажатларига мувофиқ бўлиши лозим);

– давлат мактабгача таълим тизимининг лаёқатлилиги тизимнинг умумий қабул қилиш жойлари сонида мактабгача таълим муассасасига қатнаётган болаларнинг улуши (мазкур кўрсаткич 1 дан катта бўлмаслиги керак);

– давлат мактабгача таълим муассасаларида ишлаётган ходимлар сонининг умумий штат жадвалидаги улуши (мазкур кўрсаткич 1 дан кам бўлмаслиги керак).

Юқоридаги кўрсаткичлар давлат мактабгача таълим тизимидаги макроиқтисодий самарадорлик жиҳатидан таклиф қилинди.

Шунингдек, халқ таълими тизимидаги молиявий самарадорликни белгилаб берувчи омилларнинг маълум қисми сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– мактабда ўқувчиларнинг бир синфдаги сонининг 20-25 та атрофида бўлиши;

– ўқувчиларнинг мактабга яқин жойдан туриб катнаши ёки умумий ўқувчилар сонига узоқдан катновчилар улушининг камлиги;

– мактабларда уларга бириктирилган ўқувчилар сонининг ҳақиқатда ўқиётган ўқувчилар сонига нисбати (мазкур кўрсаткич 1 дан кўп бўлмаслиги лозим);

– ўқувчиларнинг фан бўйича танловлар ёки мусобакалардаги ғолиблигининг мавжуд бўлиши;

– мактаб битирувчилари умумий сонига олий таълим олишни давом эттирганларнинг улуши (мазкур кўрсаткич 1 га яқин бўлиши);

– ўқитувчиларнинг “кадрлар қўнимсизлиги” мезонининг кам бўлиши;

– умумий ўқитувчилар сонининг уларга ажратилган штат бирлигига нисбати (мазкур кўрсаткич 1 дан кўп бўлмаслиги лозим);

– ўқитувчиларнинг умумий сонига узоқ йиллик меҳнат стажига эга бўлганлар сонининг кўп бўлиши.

Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда, таълим тизимининг давоми сифатида олий таълимда бюджет харажатлари самарадорлигини баҳолашда қуйидаги омилларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

– олий таълим олиш давридаги ёшларни қамраб олиш миқёси;

– бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг ўзаро нисбати (мазкур кўрсаткич 1 дан катта бўлмаслиги лозим);

– олий таълим олиш учун тўловнинг олий таълим муассасалараро табақалашганлиги;

– олий таълим битирувчиларининг ишга жойлашиш коэффициентининг юқорилиги.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги илмий хулосалар асосида шакллантирилган таклифларни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

2.2. Ўзбекистонда бюджет сиёсатининг ривожланиш тенденциялари ва унинг амалдаги ҳолати таҳлили

Мамлакатда бюджет сиёсатининг қандай юритилиши ижтимоий, қолаверса иқтисодий барқарорлигига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Мамлакатимизда бюджет сиёсатининг муҳим ўзгаришларидан бирини бу 2016 йилдан бошлаб янги босқичга кўтарилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Сабаби, 2005-2016 йилларда бюджет профицит билан бажарилган бўлса, 2018 йилда эса дефицит билан бажарилди. Мазкур тенденциянинг юзага келишини бюджет харажатлари йўналишларининг ўзгариб бораётганлиги билан боғлаш мумкин. Жумладан, 2018 йилда 646,4 млн. сўм дефицит кузатилган бўлса, 2019 йилда 4490,8 млн. сўм дефицит назарда тутилди. Мазкур дефицитнинг юзага келиши бюджет харажатларининг йириклашуви ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг тугатилиши билан боғлиқ, деб айтсак хато бўлмайди. Ушбу тенденциялар бевосита қуйидаги ўзгаришлари билан боғлиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли Фармонининг қабул қилиниши билан бюджет даромадларида қуйидаги ўзгаришлар юз берди:

– барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ягона ставкасини 12 фоиз миқдоридан жорий этиш, шундан 0,1 фоизини шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб varaқларига йўналтириш;

– фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ушлаб қолинадиган сугурта бадалларини бекор қилиш;

– бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига юридик шахслар (давлат улуши бўлган) ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари учун

ягона ижтимоий тўловни 25 фоиз миқдорида белгилаш, шунингдек, бошқа юридик шахслар (хусусий бизнес субъектлари) учун ушбу тўлов ставкасини 15 фоиздан 12 фоизгача пасайтириш;

– давлат мақсадли жамғармаларига юридик шахсларнинг обороти (тушуми)дан ундириладиган мажбурий ажратмаларни бекор қилиш;

– юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун – 22 фоиздан 20 фоизгача пасайтириш;

– дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги фойда солиғи ставкасини 10 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш.

Юқоридаги Фармон билан амалга оширилган ислохотлар бюджет даромадларини оптималлаштиришни назарда тутади. Шунингдек, мазкур ўзгаришлардан кўзланган мақсад норасмий иктисодиётнинг улушини камайтириш ҳамда уларни солиқ тўловчилар сифатида кайд этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли Қарори қабул қилиниши билан бюджет сиёсатида куйидаги ўзгаришлар юз берди:

2018 йилнинг декабрига қадар Бюджетдан ташқари жамғармалар шаклида фаолият олиб борган, 2019 йилдан бошлаб тугатилган баъзи фондлар бюджет харажатларининг ошишига ўзининг муносиб таъсирини кўрсатиши мумкин. Хусусан, бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси тугатилди. Ушбу ўзгаришлар натижасида бюджет маблағларига бўлган талабнинг янада ортиши юзага келади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси харажатларини Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси

тасарруфига ўтказилиши билан бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш заруриятининг ошиши юзага келди.

Фикримизча, юқорида қайд этиб ўтилган иккита ҳужжатнинг қабул қилиниши билан бюджет харажатларига бўлган талабнинг ортиши юзага келмоқда. Бинобарин, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг даромад (молиявий айланмадан мажбурий ажратма)лари бекор қилиниши билан ушбу жамғармалар харажатларини молиялаштириш бюджет маблағларига тўғри келади. Биринчидан, йўл жамғармаси бюджетдан молиялаштирилувчи давлат қўмитасига ўтказилиши муносабати билан изоҳланади. Иккинчидан, пенсия жамғармасининг харажатлари 2019 йилда бюджет субсидиялари ҳисобидан 4,7 трлн. сўм⁶³ миқдоридан молиялаштирилиши кўзда тутилди.

Таъкидлаш лозим, эътибор берилса, 2019 йилда режалаштирилган бюджет дефицити бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси учун берилган бюджет субсидиясининг 95 фоизини ташкил этар экан. Хулоса қилиб айтганда, бюджет сиёсатида ўзига хос ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимиз тажрибасида қўлланилмаган амалиётлардан бири бу – бюджет харажатларини молиялаштиришда еврооблигацияларнинг чиқарилиши билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 июлдаги “Ташқи молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3877-сонли Қарори билан суверен (евро) облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш назарда тутилди. Мазкур қарорда белгиланган ишларни амалга ошириш натижасида 10,0 трлн. сўм миқдоридаги еврооблигациялар муомалага чиқарилди. Шундан, 5,0 трлн. сўм қисқа (5 йил) муддатли ва 5,0 трлн. сўм узок (10 йил) муддатли облигациялар Лондон фонд биржасига жойлаштирилди.

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли қарори 3-илоvasи.

**Ўзбекистон Республикасининг еврооблигацияларини
жойлаштиришдан тушган маблағларни аукцион савдолари
ўтказиш орқали тижорат банклари депозитларига
жойлаштириш шартлари⁶⁴**

млн. АҚШ долларида

Депозит муддати	Депозитга жойлаштири- ладиган маблағ- ларнинг максимал миқдори	Минимал йиллик фоиз ставкаси	Фоиз тўловлари муддати	Депозитни қайтариш муддати
5 йиллик депозит	459,6	5,25%	хар 6 ойда (10 февраль / 10 август)	10.02.2024 й.
10 йиллик депозит	429,6	5,875%	хар 6 ойда (10 февраль / 10 август)	10.02.2029 й.
Жами	889,2	-	-	-

Ушбу амалиётнинг амалга оширилиши бюджет сиёсатидаги янги босқични ўзида акс эттиради. Мазкур жараёнларнинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида”ги ПҚ-4258-сонли Қарори қабул қилинди. Унга кўра, еврооблигациялардан тушган маблағларнинг Ўзбекистон иқтисодиётида жойлаштирилиши белгилаб берилди. Жумладан, куйидаги тартиб назарда тутилди:

1. Тижорат банклари депозитларига 889,2 миллион АҚШ долларини аукцион савдолари ўтказиш орқали куйидаги шартларга мувофиқ жойлаштириш кўзда тутилган (2.4-жадвалга қаранг):

⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида”ги ПҚ-4258-сонли қарори, 1-илоvasи.

Бюджетга солиқсиз даромадларнинг улушини кўпайтириш орқали харажатларни амалга оширишда ўзига хос шарт-шароит яратади. Бу, албатта, солиқ юкини ҳам оптималлаштиришга, шунингдек, молиялаштиришнинг барқарорлигини таъминлашга имкон беради. Лондон фонд биржаси орқали жалб этилган маблағлар учун инвесторларга тўланадиган фоиз ставкалари мос равишда 4,75 ва 5,375 фоиз⁶⁵ эканлигини инобатга олсак, ҳар бир депозитдан 0,5 фоиз йиллик бюджет даромадлари шаклланиши юзага келмоқда. Бу эса, ўртача йиллик жами 4,5 млн. АҚШ доллари солиқсиз бюджет даромадлари келиб тушаётганлигини англатади.

2. «Агробанк» АТБга 20 миллион АҚШ долларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қуйидаги шартларга мувофиқ субординар қарз сифатида кредит линиясини очиш кўзда тутилган (2.5-жадвалга қаранг):

2.5-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағларни «Агробанк» АТБга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан субординар қарз сифатида кредит линиясини очиш⁶⁶

10 йиллик кредит линияси			
Кредит ҳажми	Йиллик фоиз ставкаси	Фоиз тўловлари муддати	Кредитни қайтариш муддати
20	5,875%	ҳар 6 ойда (10 февраль / 10 август)	10.02.2029 й.

Субординар қарз шаклида бюджет маблағлари ҳисобидан банкларда кредит линияларини очиш ва унинг базасида бюджет сиёсатини оптималлаштириш алоҳида эътиборга лойиқ. Мазкур маблағлардан бюджет даромадлари йиллик ўртача 1,17 млн. АҚШ доллари ҳажмида шаклланишига имкон яратилади.

⁶⁵ <https://www.gazeta.uz/uz/2019/02/14/yevrobondlar/>

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида”ги ПҚ-4258-сонли Қарори, 2-илоvasи.

3. «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасига 89,9 миллион АҚШ доллари, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қуйидаги шартларга мувофиқ хорижий валютада бюджет ссудаси сифатида ажратиш (2.6-жадвалга қаранг).

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 157-159 моддаларига кўра, резидент-юридик шахсларга бюджет ссудалари берилиши мумкин. Бюджет ссудаларининг қайтаришлилик, тўловлилик ва мақсадлилик асосида берилиши алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бизнингча, «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасига берилган бюджет маблағларини айнан қандай мақсадларда ишлатилиши ва унинг ҳисоб-китоблари тегишли тартибда белгиланиши лозим бўлади.

2.6-жадвал

«Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасига хорижий валютада бюджет ссудаси ажратиш шартлари⁶⁷

Жами ссуда ҳажми	5 йиллик ссуда				10 йиллик ссуда			
	Ҳажми	Йиллик фойз	Фойз тўловлар муддати	Қайтариш муддати	Ҳажми	Йиллик фойз	Фойз тўловлар муддати	Қайтариш муддати
89,9	39,95	5,75%	хар 6 ойда (10 февраль/10 август)	10.02.2024 й.	49,95	6,375%	хар 6 ойда (10 февраль/10 август)	10.02.2029 й.

Хулоса қилиб айтганда, бюджет сиёсатининг тенденциялари қуйидагича шаклланаётганини кўриш мумкин:

- бюджет солиқли даромадларининг шаклланишида солиқ юки камайиш тенденциясига эга бўлмоқда;

- бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар бекор бўлиши билан бюджетдан ташқари жамғармаларнинг харажатлари бюджет субсидиялари ҳисобига қопланмоқда;

- бюджетнинг солиқсиз даромадлари тенденцияларининг сезиларли ҳажмда шаклланиши юзага келди;

⁶⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида”ги ПҚ-4258-сонли Қарори, 3-илоvasи.

– бюджетга хорижий маблағларни жалб қилиш тенденцияси янги босқичга чиқмоқда.

Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда, бюджетнинг ижтимоий харажатларини таҳлил этиб ўтамыз. Мамлакатимизда давлат бюджети маблағларида ижтимоий соҳа харажатлари улуши 60 фоиз атрофида бўлиб қолмоқда. Масалан, 2012 йилда мазкур кўрсаткич 59 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб, 54 фоиз атрофида бўлаётганлигини кўриш мумкин. Бошқача айтганда, 13 трлн. сўмдан 58 трлн. сўмгача ошган. Бу эса ушбу харажатлар ҳажмининг 4,8 баробарга ортганлигини ўзида акс эттиради (2.7-жадвалга қаранг). Ўз навбатида, бюджет харажатларининг умумий ҳажми 5,1 баробарга ортган. Таъкидлаш лозимки, бюджет харажатлари ошаётган бир пайтда ижтимоий соҳа харажатлари ҳам параллел ўзгармасдан қолмоқда. Бу, ўз навбатида, ижтимоий соҳа харажатларини таъминлашда хусусий сектор улушини ёки бошқа соҳа харажатларининг ошаётганлигини англатади.

Ижтимоий соҳани молиялаштириш борасида ўзбекистонлик олим ва тадқиқотчилар ўзларининг илмий хулосаларини баён этганлар. Жумладан, профессор Д.Рахмонов ижтимоий соҳани молиялаштириш мезони сифатида инсон капиталини ривожлантириш лозимлигини таъкидлаб ўтади. Жумладан, “Ижтимоий соҳани молиялаштиришда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, мазкур соҳаларнинг барқарорлашуви билан инсон капиталини ривожланишига шароит яратилади. Умуман олганда, инсон капиталини ривожлантиришни молиялаштириш - бу таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига инвестициялар киритиш ва натижада иқтисодий ўсиш учун инновацияларнинг шаклланишига ташаббуснинг вужудга келишига имконият яратади⁶⁸”.

Тадқиқотчилардан, М.Шарапова ижтимоий соҳада соғлиқни сақлаш харажатларини такомиллаштириш орқали тиббий хизматларни янги босқичга олиб чиқиш ва моддий-техник базани бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришда назоратнинг профилактика ва мониторинг усулларидан фойдаланилаётганини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, тиббий хизматларни хусусий сектор

⁶⁸ Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш: и.ф.д. ... автореферат. – Т.: - ТДИУ, 2018 й. – 72 б.

орқали таъминланиши лозимлиги тўғрисидаги фикрни илгари сурди⁶⁹.

Тадқиқотчи Ф.Одилов ижтимоий соҳани молиялаштириш учун бюджет маблағларидан фойдаланишда қуйидагиларга эътибор қаратишни тавсия этади⁷⁰:

биринчидан, мамлакатимизда ижтимоий соҳа харажатларини бюджетдан молиялаштиришда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, ижтимоий соҳанинг ҳар бир тармоғи бўйича дастлабки, жорий ва сўнгги (набатдаги) назоратларни самарали ташкил этиш ҳамда ушбу назоратда масъул ходимларни даврий алмаштириш ишларини олиб бориш лозим.

иккинчидан, мамлакатимизда ижтимоий соҳа харажатларини самарали бошқариш, бюджет ташкилотларини бюджетдан оладиган маблағлари улушини камайтириш мақсадида, бюджет ташкилотларининг фаолият туридан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари маблағлари тушумининг назоратини амалга оширишга хизмат қиладиган ва тартибга соладиган қонуний-ҳуқуқий асосни ишлаб чиқиш лозим.

Таъкидлаш лозимки, профессор Д.Рахмонов ижтимоий соҳани молиялаштиришга инсон капитали нуқтаи назаридан ёндашган бўлса, тадқиқотчи М.Шарапова соғлиқни сақлаш масалаларига эътиборни қаратиб, моддий-техник базани мустаҳкамлашда бюджет маблағларининг ўзига хос аҳамияти ҳақида фикр юритади. Тадқиқотчи Ф.Одилов эса, ижтимоий соҳада бюджет харажатларидан фойдаланишда самарали молиявий назоратни амалга оширишни таклиф этади. Бунда у назоратчи ходимларнинг даврий тарзда ўрин алмаштирилишини ёқлаб хулосалар берган.

Бюджет сиёсатининг ўзига хос тенденцияларини кўрсатиб бериш учун бюджет харажатларининг қуйидаги йўналишларини кўриб ўтиш мақсадга мувофиқ.

⁶⁹ Шарапова М. Ижтимоий соҳа харажатларини бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни такомиллаштириш//Бизнес эксперт илмий журнали. – 2018й. - №4(124). Электрон манзил: <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/58194--ijtimoiy-soha-xarajatlarini-byudjt-mablaglari-hisobidan-moliyalashtirishni-takomillashtirish>

⁷⁰ Одилов Ф. Ижтимоий соҳа харажатларини бюджетдан молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари// Бизнес эксперт илмий журнали. – 2017й. - №4(112). Электрон манзил: <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/47841-ijtimoiy-soha-xarajatlarini-byudjtdan-moliyalashtirishning-oziga-xos-xususiyatlari>


2.7-жадвал

Республика бюджетининг ижтимоий соҳаларга харажатлар динамикаси

млрд. сўм

Кўрсаткичлар	Йиллар бўйича									
	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019 (режа)		
Жами харажатлар	20882,0	25833,7	31425,4	36257,3	40911,3	49343,7	79736,1	107118,4		
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	12299,9	15167,8	18493,7	20447,1	22766,0	27009,3	-	58012,1		
<i>шундан:</i>										
Маориф(таълим)	7130,4	8803,3	10673,5	12162,2	13831,7	15979,6	19957,1	28394,3		
Соғлиқни сақлаш	3024,9	3709,9	4507,2	5218,5	5811,6	7330,0	8406,5	12078,0		
Маданият ва спорт	223,4	287,4	361,5	387,5	460,6	750,2	1683,6	1690,1		
Фан	137,4	164,7	187,0	216,7	238,2	275,5	-	801,0		
Ижтимоий таъминот	86,9	106,4	126,2	147,5	161,1	435,3	-	1514,0		
Болали оилаларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий нафақалар	1617,2	1611,3	1805,0	2102,6	2043,2	2238,4	-	5167,2		
Қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурини биргаликда молиялаштиришга кредит линияси	-	374,7	706,7	869,8	1335,5	214,0	-	2978,1		

2013-2017 йилларда бюджет маблағлари ҳисобидан аҳолига намунали асосда уй-жойлар қуришни биргаликда молиялаштириш тенденцияси ҳам ўзига хос тарзда ривожланмоқда. Эътиборли жиҳати, 2017 йилда ушбу дастур доирасида бюджетдан 214 млрд. сўм ресурслар ажратилган бўлса, 2019 йилга келиб эса, 2 трлн. 978 млрд. сўмнинг йўналтирилганлиги бу борадаги тадбирларнинг молиявий жиҳатдан янада жадал тус олишига имкон берилганлигини кўрсатади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги “Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4028-сонли Қарори алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур қарорга кўра, дастлабки бадалларнинг бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган.



2.1-расм. 2013-2019 йилларда бюджет сиёсатининг ўзгариш тенденциялари (ўтган йилга нисбатан ўзгариши фоизларда).
Манба: 2.7-жадвал маълумотлари асосида тайёрланган

Таъкидлаш лозим, 2018-2019 йилларда бюджет сиёсатида аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлашга қўмаклашишни ўзида аке эттирувчи харажатлар ҳам амалга оширилган. Бу эса, ўз навбатида, бюджетнинг ижтимоий аҳамияти кучайиб бораётганини кўрсатиб туради.

Умуман олганда, 2016 йилгача бўлган даврда ўзгариш уйғунлик билан бир маромда бўлганлигини, 2017 йилдан бошлаб, барча соҳаларда кескин бурилишлар юзага келганлигини қайд этиш лозим. Шунингдек, маданият ва спорт соҳаси учун харажатлар 2015 йилга келиб, ўтган йилга нисбатан ўзгариши юкори бўлмаганлигини кўриш мумкин (2.1-расмга қаранг).

Маориф соҳасидага бюджет харажатлари ривожланиш тенденциясига эътибор қаратсак, сезиларли тарзда ўсиш юзага келганлигини қайд этиш лозим. Шунингдек, ушбу соҳани барқарор тенденцияга эга соҳа сифатида ҳам қайд этиш мумкин. Сабаби, ўзгариш трендига эътибор бериш лозимки, таълим соҳасида 2017 йилгача бўлган даврда ўсиш юкори бўлмаган бўлсада, 2017-2019 йилларда ўтган йилга нисбатан ўсиш ҳолатлари ошганлигини кўриш мумкин. Ушбу ўзгаришлар бевосита таълим тизими педагог ходимларининг иш ҳақлари оширилиши билан боғлиқдир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сонли Қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 августдаги 680-сонли ва 2019 йил 19 февралдаги 146-сонли қарорларига биноан киритилган ўзгартиришлар бюджет харажатларини оширишда маълум омил бўлиб хизмат қилди. Унга кўра, халқ таълими ходимлари иш ҳақлар ўртача 20 фоиз атрофида ошди. Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 164-сонли Қарорига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги 662-сонли қарори билан профессор-ўқитувчиларнинг иш ҳақлари 2 баробарга оширилди. Натижада, таълим соҳасининг бюджет харажатларида сезиларли ўзгаришлар юзага келишига шарт-шароит яратилди.

Шунингдек, маданият ва спорт соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида ушбу тизим бюджет харажатлари ҳам бошқа соҳалардагидан кўра ўзига хос тарзда ўзгарган. Масалан, харажатлар 2018 йилда ўтган йилгига нисбатан 2,5 баробар ортган бўлса, 2019 йилда эса, 2018 йилга қараганда ўзгармай қолган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-3727-сонли Қарори билан 2018 йил 1 июндан давлат маданият муассасалари артистлари, маъмурий-бошқарув, бадий-раҳбар, ижодий ва бошқа ходимларининг, шунингдек, давлат архивлари бошқарув ходимлари ва мутахассисларининг меҳнат ҳақи миқдорининг ўртача 45 фоизга оширилиши ушбу соҳадаги бюджет харажатларининг сезиларли ўзгаришига ўзининг муносиб таъсирини кўрсатди, деб ҳисоблаймиз (2.1-расмга қarang).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4956-сонли Фармонининг қабул қилиниши ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил этилди.

Фикримизча, 2016-2019 йилларда бюджет сиёсатида юзага келган сезиларли ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармони билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишлари билан бевосита боғлиқ. Шу боисдан, бюджет харажатларини ривожланиш тенденцияларида асримизнинг дастлабки 15 йилидаги ўзгаришларга нисбатан кескин ривожланиш даври бўлди, десак хато бўлмайди. Шунингдек, ижтимоий соҳа харажатларида бюджет маблағларининг ошиши билан бюджетдан ташқари молиявий ресурслар улушини ҳам оширишни назарда тутувчи меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинаётганлиги алоҳида эътиборга молик.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 октябрдаги “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг

хуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3980-сонли Қарори билан Молия вазирлиги ҳузурида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Жаҳон амалиётида бюджет харажатлари ҳисобидан молиялаштириладиган тадбирларни хусусий бизнес билан ўзаро тақсимлаш орқали камайтиришга ҳамда давлат зиммасидаги вазифаларнинг бажарилишига ҳам шарт-шароит яратилади.

Жумладан, бюджет харажатлари ҳисобидан молиялаштирилувчи ижтимоий хизматларнинг ҳажмини сақлаб қолган ҳолда уларни бюджетдан ташқари манбалар ҳисобидан молиялаштириш чора-тадбирларининг мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилиши кўзда тутилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги “Соғлиқни сақлаш тизими ислохотларига илғор хорижий тажрибани жорий этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4159-сонли Қарори билан қуйидагилар соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш тадбирларининг устувор йўналишлари сифатида белгиланди:

- соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш ва ташкил этиш тизимини такомиллаштириш;
- мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш;
- давлат-хусусий шериклик ва тиббий туризмдан фойдаланишнинг энг яхши амалиётларини татбиқ қилиш;
- соғлиқни сақлаш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва рақобат муҳитини яхшилаш;
- «Электрон соғлиқни сақлаш» тизимини кенг жорий этиш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4290-сонли Қарори билан тиббий хизматлар кўрсатилишида янги босқич бошлаб берилди.

Фикримизча, тиббий хизматларнинг молиялаштирилишида хусусий бизнес вакиллари билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш, биринчидан, тиббий хизматлар сифатини оширади, иккинчидан, бюджетга молиявий юкни камайтиришга имкон беради, учинчидан, тиббий хизматлар бозорида рақобатнинг шаклланишига имкон яратади.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

– бюджет сиёсатини амалга оширишда, солиқсиз даромадлар улушини ошириш тенденцияси юзага келмоқда;

– бюджетга хорижий инвесторларнинг маблағларини жалб этишда, еврооблигациялардан фойдаланиш амалиёти бошланди;

– бюджет харажатлари ҳисобидан ижтимоий устувор аҳамиятга эга тадбирлар амалга оширилишини молиялаштириш тенденцияси сақланиб қолмоқда;

– бюджет харажатлари ҳажмини ошишининг асосий омилларидан бири бу – иш ҳақининг тегишли фармон ва қарорлар орқали оширилиши билан юзага келмоқда;

– таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш давлат-хусусий шериклиги амалиёти орқали таъминланиши жадал ривожланмоқда.

Тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган қуйидаги тавсияларни бюджет сиёсатини амалга оширишда қўллаш мақсадга мувофиқ:

– бюджет сиёсатини амалга оширишда ижтимоий хизматларнинг тижоратлашув хусусияти билан тақдим этилишига йўл қўймаслик;

– бюджетни молиялаштиришда индикаторли тизимни йўлга қўйиш ва бу орқали ҳар бир бюджет харажатининг ўлчов мезонини татбиқ этиш;

– бюджетнинг харажатлар сметасида тўртта гуруҳнинг ҳам ўзаро нисбатини белгилаш ва маълум харажатлар йўналишини доминант хусусиятли бўлишининг олдини олиш;

– ижтимоий харажатларнинг самарадорлигини таъминлашда манзиллилик тамойилига эътибор қаратиш.

2.3. Бюджет ижросининг ҳудудий амалга оширилиш тенденциялари

Бюджет сиёсати нафақат миллий иқтисодиётга, балки ҳудудий иқтисодиётнинг барқарорлигига муносиб тарзда шарт-шароитлар яратади. Бюджет сиёсатини ҳудудий иқтисодий мувозанат бўлмаган шароитда тўлиқ амалга оширишнинг имкони мавжуд бўлмайди. Сабаби, бюджет даромадларини тўлиқ ҳудудий ваколатга бермасдан

туриб, бюджет харажатларининг тўлиқ қопланишини таъминлаш мураккаблик туғдириши мумкин.

Ўзбекистонда бюджет сиёсатини амалга ошириш тенденцияси янги босқич сифатида маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ва уларнинг даромадларини тасарруф этиш ваколатларини кенгайтириш билан белгиланса, иккинчидан бюджет харажатлари йўналишларини ишлаб чиқишда ҳудудий аҳолининг ролини оширишни ҳам ўзида ақс эттиради. Бу эса, ўз навбатида, ҳудудларнинг бюджет сиёсатидаги мустақил позициясини шакллантиришнинг зарурияти ва имкониятларининг юзага чиқишига шарт-шароит яратиб беради.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли Қарорини қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур қарорга кўра, 2019 йилдан бошлаб бюджет маблағларини тақсимлашда фуқаролар иштирокининг туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтиришни назарда тутадиган механизми жорий этилмоқда. Ушбу қонданинг амалга киритилиши билан ҳудудий бюджет сиёсатида туб бурилишлар юзага келишига ишора бўлади.

Фикримизча, бюджет сиёсатида ягоналик принциpidан четга чиқмаган ҳолда мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди хусусиятларини инобатга олган ҳолда, бюджет харажатларини устувор йўналишларини белгилашда мустақилликни кучайтириш, шунингдек, даромадларни шакллантиришда молиявий ваколатларни мустаҳкамлаш ўзига хос ўринга эга бўлади.

Биз куйида Бухоро вилоятида 2014-2019 йиллардаги бюджет сиёсатининг харажатлар кесимидаги тенденцияларини таҳлил қилиб ўтамыз.

2.8-жадвал


Бухоро вилоятида бюджет харажатлари тенденциялари

млн. сўм

Кўрсаткичлар	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Харажатлар – жами	916088	1075440	1175620	1161533	1458388	2266558
1. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар – жами	822315	944879	1045965	1008159	1225676	1916647
<i>шу жумладан:</i>						
1.1 Маориф	511505	591223	660843	584351	671501	1103394
- Умумий таълим	394670	455646	513842	574640	671331	1101882
Иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар	360139	417001	469861	524921	615569	971935
- кадрлар тайёрлаш	116834	135578	147000	9711	170	1513
1.2 Соғлиқни сақлаш	242362	279549	315182	355525	445065	646443
Иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар	201255	232278	259877	294901	359974	538161
1.3 Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	7071	7110	8615	10002	38298	60546
Маданият ва оммавий ахборот воситалари	6932	6962	8457	9832	11176	24973
Спорт	138	148	159	170	27122	35573
1.4 Фан	691	757	798	882	1495	2980

Бухоро вилоятида ижтимоий соҳа учун харажатлар 2014 йилда 89 фоиз бўлган бўлса, 2019 йилга келиб, 84 фоизни ташкил этган. Ўз навбатида, жами харажатлар 2,47 баробарга ошган бўлса, ижтимоий соҳа харажатлари 2,33 баробарга ортганлигини кўриш мумкин (2.8-жадвалга қаранг).

Умумий таълим соҳасини молиялаштиришда 2019 йилга келиб, харажатларнинг кескин ошишини кузатиш мумкин. 2014-2018 йилларда ўтган йилга нисбатан харажатлар ўртача 1,15 баробарга ошган бўлса, 2019 йилда ўтган йилга нисбатан 1,6 баробарга ёки 2014 йилга нисбатан эса 2,2 баробарга ортганлигини таъкидлаш лозим.



2.2-расм. 2014-2019 йилларда Бухоро вилоятида маориф харажатларининг ривожланиш тенденциялари, (жамига нисбатан фоизда)

Манба: 2.8-жадвал маълумотлари асосида тайёрланган.

2014-2016 йилларда маориф соҳасида бюджет харажатлари бир хил уйғунликда ривожланганлигини кўриш мумкин. Масалан, ушбу даврда маориф харажатларида умумий таълим харажатлари улуши 75-80 фоизни ташкил этган бўлса, кадрлар тайёрлаш харажатлари улуши 30 фоиз атрофида шаклланган. 2017 йилдан бошлаб эса, бюджет сиёсатида кескин бурилиш босқичи юзага келган. 2017-2019


йилларда маориф харажатларининг асосий қисмини умумий таълимни молиялаштириш кўрсаткичлари ташкил этмоқда. Умумий таълим харажатларида I ва II гуруҳ харажатларининг улуши 2014-2019 йилларда фоизда 5 пунктга пасайганлигини кузатиш мумкин. Бу эса, таълим харажатларида марказлашган инвестицияларнинг ва бошқа харажатларнинг ошаётганлигини англатади. Ўз навбатида, мазкур тенденция таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, капитал реконструкция қилиш тадбирларини молиялаштириш жадаллашаётганлигини ўзида акс эттиради (2.2-расмга қаранг). Кадрларни тайёрлаш харажатларининг камайишини бюджет таснифи бўйича “Кадрлар тайёрлаш бўйича марказлашган тадбирлар учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетига бериладиган субвенциялар”нинг қисқарганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Фикримизча, бюджет сиёсатининг таълим харажатларини қоплаш борасидаги тенденциясининг ўзига хослиги юқори бюджетдан қуйи бюджетга трансфертларнинг камайганлиги билан белгиланмоқда. Шунингдек, мазкур харажатлар 2018 йилда ўтган йилга нисбатан 50 баробардан ортиқ пасайганлигини таъкидлаш лозим. Умуман олганда, маориф харажатларини давлат томонидан молиялаштиришнинг зарурияти унда бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш имкониятининг юқори эмаслиги, шунингдек, мазкур хизматларнинг тижоратлашув тенденцияси ижобий бўлмаслиги ва ижтимоий хусусиятларини сақлаб қолиши билан изоҳланади.

Умуман олганда, Бухоро вилоятида умумтаълим муассасаларининг жойлашишига ҳам эътибор қаратсак, республикадаги мавжуд умумтаълим муассасаларининг 5,4 фоизи вилоятда жойлашган. Ўзбекистондаги мавжуд 4991256 нафар ўқувчининг 5,7 фоизи худудда таълим олади. Демак, белгиланган тартиб доирасида молиялаштириш инobatга олинса, ўқувчиларнинг улуши бир оз юқори эканлигини кўриш мумкин. Шунингдек, битта ўқитувчига тўғри келган ўқувчилар сони ҳам 11,2 нафарни ташкил этиб, республикадаги ўртачадан юқори ҳисобланади (2.3-расмга қаранг).

Таъкидлаш лозимки, таълим соҳасида бюджет маблағларининг ҳажми ортганлиги билан муаммолар тўлиқ бартараф этилди, деб бўлмайди. Шу боисдан, бюджет сиёсатини амалга оширишга

молиялаштириш фундаментал меъёрлари, яъни ўқитувчи ва ўқувчи нисбати, ўқув жараёни сменаси, аудиторияларга ўқувчиларнинг сифими, гуруҳни ташкил этишда ўқувчилар сони кабиларни инобатга олиш зарур, деб ҳисоблаймиз.



2.3-расм. Худудлар бўйича умумтаълим муассасаларида бир нафар ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сони (2017/2018 ўқув йили)

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, <https://stat.uz/uploads/docs/2-%D1%82%D0%B0%D0%BB%D0%B8%D0%BC.pdf>

Таълим тизимини молиялаштириш борасида олиб борилган тадқиқотларда ҳам унинг зарурияти тўғрисида фикрлар келтириб ўтилган. Хусусан, А.Шеров “Давлат томонидан таълим тизимини моддий қўллаб-қувватлаш таълим муассасаларининг инновацион фаолиятини, иктисодиётни модернизациялаш ва янги технологияларни қўллаш тадбирларини янада фаоллаштириш, янги иш ўринларини яратиш ва бандликка кўмаклашишда маркетинг хизмати ролини ошириш ҳисобига таълим муассасалари даромадини ошириш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда замонавий техника

воситалари, жихозлар, янги технологияларга бўлган эҳтиёжни таъминлайди”⁷¹, деб таъкидлаб ўтади.

А.Абдуллаев эса мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришнинг фундаментал жиҳатларига эътиборни қаратиб: “Мактабгача таълим хизматлари билан қамраб олиш миқёсини таҳлил этганда минимал талабларни шакллантириш лозим. Сабаби, тарбияланувчиларнинг шахс сифатида шаклланиши, баркамол бўлиб вояга етишида таълим ва соғлом овқатланиш кўрсаткичларининг минимал даражаси мавжуд бўлиши лозим. Шунингдек, мазкур кўрсаткичга бир муассаса ёки мамлакат даражасида қараш мумкин бўлади. Шу боисдан, дастлаб бутун мамлакат миқёсида мактабгача таълим муассасаларига қатнаши инобатга олинishi, иккинчидан, муассаса миқёсида мактабгача таълим хизматларини кўрсатувчи персонал билан тарбияланувчиларнинг ўзаро нисбати уйғунлигини ҳисобга олиш зарур. Ваҳоланки, муассасада ўз салоҳиятидан ортиқча тарбияланувчиларнинг бўлиши кўрсатиладиган хизматларни тўлиқ ва сифатли натижаларга етишига имкон бермайди”⁷², дея хулоса билдиради.

Бизнингча, Бухоро вилоятида ҳам таълим харажатларини бюджетдан молиялаштириш мамлакат миқёсида олиб борилаётган бюджет сиёсатининг устуворликлари билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширилмоқда.

Бухоро вилоятида бюджет сиёсатининг шаклланиш тенденцияларини таҳлилинини давом эттириб, соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш жиҳатларини кўриб ўтамиз.


2014-2019 йилларда Бухоро вилоятидаги бюджет сиёсатида ўзгаришлар кузатилмаган соҳа сифатида соғлиқни сақлаш тизимини бюджетдан молиялаштириш амалиётини қайд этиш мумкин. Хусусан, таҳлил этилаётган даврда бюджетдан тиббий хизматларни молиялаштириш тенденцияси бир маромда ривожланаётганлигини кўрамиз. Масалан, иш ҳақи ва унга ажратмаларнинг жами харажатларга нисбатан улуши 2014 йилда 83 фоиз бўлган бўлса, 2019 йилда ҳам 83 фоизни ташкил этган. Биргина, 2018 йилда 81 фоизга тенг бўлган.

⁷¹ Шеров А.Б. Таълим тизимини давлат томонидан молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари ва объектив зарурлиги//Халқаро молия ва ҳисоб. – ТМИ, 2017. -№3.

⁷² Абдуллаев А.Ф. Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш метъерий кўрсаткичли асослари//Молия ва банк иши илмий электрон журнали. – БМА, 2019. - №1. - Б.3-10.

Бизнингча, мазкур кўрсаткичнинг бир хилда сақланиб қолаётганлиги давлат тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини молиялаштириш, шунингдек, бошқа харажатларнинг ҳам улуши кичик ҳажмда бўлаётганлиги билан изоҳланади.

Бу борада, иктисод фанлари доктори Д.Рахмоновнинг ҳам тадқиқотларида ушбу кўрсаткич 2002 йилда 66,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2010-2011 йилларда мос равишда 86,1 ва 85,5 фоизга тенг бўлганлиги “2002-2011 йилларда соғлиқни сақлаш тизимининг иш ҳақи ва унга ажратма учун харажатлари умумий бюджет маблағларидаги улуши ошиб бориш динамикасига эга бўлди”⁷³, дея айтиб ўтилади.



2.4-расм. Бухоро вилоятида маданият ва спорт соҳасига харажатлари улушининг ўзгариш тенденцияси

Манба: 2.8-жадвал маълумотлари асосида тайёрланган.

Фикримизча, Бухоро вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини бюджетдан молиялаштиришда асосий улушни меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ташкил этмоқда. Россияда эса мазкур кўрсаткич 58,5

⁷³ Рахмонов Д.А. Ўзбекистон Республикасида соғлиқ сақлаш муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштириш//и.ф.н. ... автореферат. – Т.: БМА, 2012. – 25 б.

фоиз⁷⁴га тенг бўлган, бу эса бизнинг шароитимизда ҳам ушбу нисбатни оптималлаштириш тақозо этилишини кўрсатябди.

Бюджет сиёсатининг кескин ўзгариш тенденциялари маданият ва ОАВ, спорт тадбирларини молиялаштириш борасида ҳам юзага келганлиги билан изоҳланади. Жумладан, 2014-2017 йилларда маданият ва оммавий ахборот воситаларини молиялаштириш ҳажми 98 фоиз атрофида бўлган. Бу эса, мазкур йўналишда бюджет харажатларининг улуши ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлганлигини англатади. 2018 йилдан бошлаб эса, спорт тадбирларини бюджетдан молиялаштириш тенденцияси сезиларли ўзгариш билан амалга ошган. Бошқача айтганда, мазкур соҳанинг маданият ва спорт, ОАВни молиялаштириш жамидаги улуши 70 фоиз пунктга ошган. Мазкур ривожланиш соҳада жиддий молиявий ислохотлар юзага келганлигини ўзида акс эттиради (2.4-расмга қаранг).

Бизнингча, спорт соҳасида бюджет маблағларининг ортишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сонли Қарорининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Мазкур Қарорга кўра, мамлакатимизда спортни ривожлантириш бўйича Дастур ишлаб чиқилди ва унинг асосий тадбирлари бюджет маблағлари орқали молиялаштирилиши белгилаб берилди. Шунингдек, Дастурнинг 14-бандига биноан Халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш учун мўлжалланган Универсал спорт мажмуаларини Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Қарши, Фарғона, Тошкент шаҳарларида ва Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ туманида янги қуриш, Нукус ва Урганч шаҳарларида 2017-2018 йилларда қурилиш ишларини якунлаш кўзда тутилди.

Шу билан бирга, мазкур Қарор билан тасдиқланган Дастур доирасида режалаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш мақсадида жами 995,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиши назарда тутилган бўлиб, шундан 706,2 миллиард сўмдан ортиқ қисми ушбу йилларда жами 167 та спорт иншооти, жумладан, 90 та спорт мажмуаси ҳамда

⁷⁴ Раҳмонов Д.А. Ўзбекистон Республикасида соғлиқ сақлаш муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштириш//и.ф.п. ... автореферат. – Т.: БМА, 2012. – 25 б.

77 та сузиш хавзасини куриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашга йўналтирилади.

Шу боисдан, Бухоро вилоятида спортни молиялаштириш ҳажми ортиши юзага келган бўлса, иккинчидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5368-сонли Фармонининг қабул қилиниши ўзининг муносиб таъсирини кўрсатди. Мазкур фармон билан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитаси ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Мазкур жамғарманинг асосий даромад манбаи бюджет маблағларидан эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Хулоса қилиб айтганда, спорт соҳасини бюджетдан молиялаштириш масалалари амалга оширилган ислохотларнинг жадаллашувига бевосита боғлиқ, деб айтиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, бюджет сиёсатида сезиларли ўзгаришлар юзага чиққанлигини таъкидлаш лозим.

Бухоро вилоятида фан соҳасида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаштириш тенденцияларига эътибор қаратсак.

Хусусан, Бухоро вилоятида тўртта олий таълим муассасаси фаолият олиб боради, шундан биттаси Тошкент шаҳридаги ОТМнинг филиали ҳисобланади. Мазкур ОТМларда 2019 йил ҳолатига кўра ўртача 1400 та профессор-ўқитувчилар фаолият олиб боради⁷⁵. Мазкур соҳада 2014 йилда 691 млн. сўм ўзлаштирилган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 2980 млн. сўмни ташкил этиши назарда тутилган. Бу эса, мос равишда битта профессор-ўқитувчига 0,49 млн. сўм ва 2,1 млн. сўмдан тўғри келган. Бошқача айтганда, битта олий таълим муассасасига ўртача мос равишда 172,8 млн. сўм ва 745 млн. сўм молиялаштириш амалга оширилган (2.8-жадвалга қаранг).

Шунингдек, 2014-2017 йилларда Бухоро вилоятида фан соҳаси учун бюджет маблағларининг сезиларли даражада ошмаганлигини қайд этиш лозим. Жумладан, мазкур кўрсаткич 2014 йилда 691 млн.сўм бўлган бўлса, 2017 йилда 882 млн. сўмни ташкил этган.

⁷⁵ <http://edu.uz/uz/otm/index> сайти маълумотлари асосида ҳисобланган.

Агар биз 2017 йилдаги 882 млн. сўмни 2014 йилдаги соф жорий қиймати (Net Present Value) бўйича ҳисоблаш учун инфляцияни (2017 йилда 6 фоиз⁷⁶) дисконт ставка тарзида олиб, ҳисоб-китобни амалга оширсак, ушбу сумма 698 млн. сўмга тенг чиқиб, атига 7 млн. сўм фаркни ташкил этган. Мазкур рақам қуйидаги (2.1) формула орқали ҳисобланган:

$$ФМ_{2014} = \frac{ФМ_{2017}}{(1+И_{2017})^Д} \quad (2.1)$$

Бу ерда: ФМ – фанни молиялаштириш, И – инфляция, Д – ўрганилаётган давр муддати (бизда 4 йил, 2017 ва 2014 фарқи).

Хулоса қилиб айтганда, фан соҳасини бюджетдан молиялаштириш 2014-2017 йилларда маълум тенденция орқали амалга оширилган. Бу эса, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бир профессор-ўқитувчига харажатлар ўртача 0,5 млн. сўмни ташкил қилган.

Аксинча, 2018-2019 йилларда сезиларли ўзгаришлар юз берганини кўриш мумкин. Жумладан, 2018 йилда ўтган йилгига нисбатан 2 баробар ошган бўлса, 2019 йилда 3,4 баробарга ошган. Бу эса, фанни молиялаштиришда бюджет сиёсатида муҳим ўзгаришларини юзага келганлигини англатади (2.8-жадвалга қаранг).

Бизнингча, фанни молиялаштиришда юзага келган сезиларли ўсиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли Қарорининг 5-қисмининг охириги бандига биноан инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурининг етишмаётган қисмида давлат бюджети маблағлари билан молиялаштириш назарда тутилганлиги билан белгиланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 январдаги “Илмий-инновацион ишланма ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 24-сонли Қарорининг қабул қилиниши ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мазкур ислохотларнинг амалга оширилиши илмий сиғимкорлиги юқори бўлган маҳсулотларни яратишга қаратилган

⁷⁶ <http://www.cbu.uz/uzc/press-tsentr/press-relizy/2018/07/128270/> сайти маълумотларидан олинди.

мақсадни ўзида акс эттиради. Бу борада, тадқиқотчи Т.Тешабаев ҳам ўз фикрларини билдириб ўтади. Жумладан, у инновацион университетни молиялаштиришга тўхталиб ўтади. Бу, ўз навбатида, меҳнат унумдорлигини ошириб, иқтисодий ўсишга шарт-шароит яратишини қайд этиб, бизнинг мамлакатда инновацион фаолиятни молиялаштиришга етарли эътибор берилмаётганлигини таъкидлаб ўтади. Натижада, меҳнат унумдорлиги АҚШ, Норвегия, Люксембург, Туркия ва Россия каби мамлакатлардан бир неча баробар паст бўлаётганлиги ҳақида маълумот беради⁷⁷.

Фикримизча, инновацияларни, хусусан, махсулот (иш, хизмат)ларнинг илмий сигимкорлигига муҳим таъсир кўрсатувчи илмий-тадқиқотларни молиялаштириш долзарб ҳисобланади. Шу боисдан, мамлакатлар фан соҳасини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу борада, мамлакатимизда ҳам сезиларли чора-тадбирлар амалга оширилишига эътибор берилмоқда. Шу боисдан, ҳудудларда амалга оширилаётган бюджет сиёсатида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Бу эса истиқболда ўзининг муносиб натижасини бериши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятда бюджет харажатлари ҳажмининг ўзгариш тенденциялари нуктаи назаридан қуйидагилар эътиборга молик:

худуднинг бюджет харажатларида таълим ва соғлиқни сақлаш тизими харажатлари устувор аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, жами ижтимоий харажатларга нисбатан маориф соҳаси 57 фоиз, соғлиқни сақлаш соҳаси 33 фоиз улушни ташкил этмоқда;

маориф соҳасида кадрлар тайёрлаш моддалари учун харажатларни амалга ошириш қисқариб бормоқда;

маориф ва соғлиқни сақлаш тизимида иш ҳақи ва унга ажратмалар учун харажатларнинг жамидаги улуши мос равишда 88 фоиз ва 83 фоиз атрофида сақланиб келмоқда. Бу эса, ҳудуд бюджет маблағларида асосий улушни меҳнатга ҳақ тўлаш учун харажатлар ташкил этмоқда;

соғлиқни сақлаш соҳаси умумий харажатларида кескин ўзгаришлар юзага келмаган, маблағлар ҳажми индексацияланиш хусусияти билан шаклланганлигини кўриш мумкин;

⁷⁷ Тешабаев Т.З. Инновацион университетни молиялаштириш масалалари//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. – Тошкент, 2018. - №3.

2014-2017 йилларда маданият ва ОАВлар учун бюджет харажатлари йирик улушга эга бўлган бўлса, 2019 йилга келиб, ушбу кўрсаткич спорт харажатлари билан нисбати кескин ўзгариш билан акс этган. Натижада, спорт харажатлари улуши ўртача 60 фоиз пунктга ошган;

Бухоро вилоятида фан соҳасига харажатлар 2018-2019 йилларда ўтган йилларга нисбатан ўртача 3 баробарга ошган бўлсада, ижтимоий соҳадаги улуши 2014 йилга нисбатан 2019 йилда пасайиш тенденциясини ўзида акс эттирган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудда бюджет сиёсатининг ривожланиш тенденцияси мамлакатда олиб борилаётган ягона бюджет принциплари доирасида амалга оширилаётганини қайд алоҳида таъкидлаш керак.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Тадқиқотимизнинг иккинчи бобида олиб борилган изланишлар натижасида қуйидаги илмий хулосаларни олишга эришдик:

1. Бюджет сиёсатини амалга оширишда қуйидаги тенденциялар ривожланмоқда:

– бюджет сиёсатини амалга оширишда солиқсиз даромадлар улушини ошириш тенденцияси юзага келябди;

– бюджетга хорижий инвесторларнинг маблағларини жалб этишда еврооблигациялардан фойдаланиш амалиёти бошланди;

– бюджет харажатлари ҳисобидан ижтимоий устувор аҳамиятга эга тадбирлар амалга оширилишини молиялаштириш тенденцияси сақланиб қолмоқда;

– бюджет харажатлари ҳажми ошишининг асосий омилларидан бири бу – иш ҳақларини тегишли фармон ва қарорлар орқали оширилиши билан юзага келмоқда;

– таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш давлат-хусусий шериклиги амалиёти орқали таъминланиши жадал ривожланябди.

2. Бухоро вилоятида бюджет харажатлари ҳажмининг ўзгариш тенденциялари нуқтаи назаридан қуйидагилар эътиборга молик:

– ҳудуднинг бюджет харажатларида таълим ва соғлиқни сақлаш тизими харажатлари устувор аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан,

жами ижтимоий харажатларга нисбатан маориф соҳаси 57 фоиз, соғлиқни сақлаш соҳаси 33 фоиз улушни ташкил этибди;

– маориф соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича харажатларни амалга ошириш қисқариб бормоқда;

– маориф ва соғлиқни сақлаш тизимида иш ҳақи ва унга ажратмалар учун харажатларнинг жамидаги улуши мос равишда 88 фоиз ва 83 фоиз атрофида сақланиб келмоқда. Натижада, ҳудуд бюджет маблағларида асосий улушни меҳнатга ҳақ тўлаш учун харажатлар ташкил этмоқда;

– соғлиқни сақлаш соҳаси умумий харажатларида кескин ўзгаришлар юзага келмаган, маблағлар ҳажми индексацияланиш хусусияти билан шаклланганлигини кўриш мумкин;

– 2014-2017 йилларда маданият ва ОАВлар учун бюджет харажатлари йирик улушга эга бўлган бўлса, 2019 йилга келиб, ушбу кўрсаткичнинг спорт харажатлари билан нисбати кескин ўзгариш билан акс этган. Натижада, спорт харажатлари улуши ўртача фоизда 60 пунктга ошган;

– Бухоро вилоятида фан харажатлари 2018-19 йилларда ўтган йилларга нисбатан ўртача 3 баробарга ошган бўлсада, ижтимоий соҳадаги улуши 2014 йилга нисбатан 2019 йилда пасайиш тенденциясини ўзида акс эттирган.

Тадқиқотлар давомида қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Бюджет сиёсатини амалга оширишда қуйидагиларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ:

– бюджет сиёсатини амалга оширишда ижтимоий хизматларнинг тижоратлашув хусусияти билан тақдим этилишига йўл қўймаслик;

– бюджетдан молиялаштиришда индикаторли тизимни йўлга қўйиш ва шу орқали ҳар бир бюджет харажатининг ўлчов мезонини татбиқ этиш;

– бюджетнинг харажатлар сметасида тўртта гуруҳнинг ҳам ўзаро нисбатини белгилаш ва маълум харажатлар йўналишини доминант хусусиятли бўлишининг олдини олиш;

– ижтимоий харажатларнинг самарадорлигини таъминлашда манзиллилик тамойилига эътибор қаратиш.

2. Бюджет харажатлари самарадорлигини белгиловчи умумий омиллар сифатида қуйидагиларни инобатга олиш зарур:

– бюджет харажатларининг асосланганлиги ва тақдим этиш шартлари;

– бюджет харажатларининг етарлилиги;

– бюджет харажатларининг мультипликацион натижадорлиги.

Биз қуйида бюджет харажатлари йўналишларининг айрим турлари бўйича самарадорликни белгиловчи омилларни келтириб ўтамыз. Жумладан, мактабгача таълим соҳасида:

– давлат мактабгача таълим хизматлари юзасидан эътироз, тақлифларнинг умумий сонидан ота-оналар томонидан тўлов юзасидан қилинган муурожаатлар улушининг пастлиги;

– давлат мактабгача таълим тизимида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларда барқарор нисбатнинг мавжудлиги;

– 2-3 ёшгача бўлган болаларнинг оналари умумий сонидан ишлаётган оналарнинг улуши (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сонли Қарори билан давлат мактабгача муассасасига қабул 3 ёш қилиб белгиланган);

– 3-7 ёшгача бўлган болаларни давлат мактабгача таълим муассасасида қамраб олиниш даражаси;

– давлат мактабгача таълим муассасасида кам даромадли (ижтимоий таъминот ёки нафақа олаётган) оилалар фарзандларининг умумий нисбатан улуши (мазкур кўрсаткич бюджетнинг мактабгача таълим харажатлари ва ижтимоий ҳимоя харажатлари билан уйғун бўлиши лозим);

– давлат мактабгача таълим тизимининг лаёқатлилиги тизимнинг умумий қабул қилиш жойлари сонидан мактабгача таълим муассасасига қатнаётган болаларнинг улуши (мазкур кўрсаткич 1 дан катта бўлмаслиги керак);

– давлат мактабгача таълим муассасаларида ишлаётган ходимлар сонининг умумий штат жадвалидаги улуши (мазкур кўрсаткич 1 дан кам бўлмаслиги керак).

Давлат мактабгача таълим тизимидаги макроиктисодий самарадорлик жиҳатидан юқоридаги кўрсаткичлар тақлиф қилинди.

Шунингдек, халқ таълими тизимидаги молиявий самарадорликни белгилаб берувчи омилларнинг маълум қисми сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– мактабда ўқувчиларнинг бир синфдаги сонининг 20-25 нафар атрофида бўлиши;

– ўқувчиларнинг мактабга яқин жойдан туриб қатнаши ёки умумий ўқувчилар сонидан узоқдан катновчилар улушининг камлиги;

– мактабларда уларга бириктирилган ўқувчилар сонининг ҳақиқатда ўқиётган ўқувчилар сонига нисбати (мазкур кўрсаткич 1 дан кўп бўлмаслиги лозим);

– ўқувчиларнинг фан бўйича танловлар ёки мусобақалардаги голиблигининг мавжуд бўлиши;

– мактаб битирувчилари умумий сонидан олий таълим олишни давом эттирганларнинг улуши (мазкур кўрсаткич 1 га яқин бўлиши);

– ўқитувчиларнинг “кадрлар қўнимсизлиги” мезонининг кам бўлиши;

– умумий ўқитувчилар сонининг уларга ажратилган штат бирлигига нисбати (мазкур кўрсаткич 1 дан кўп бўлмаслиги лозим);

– ўқитувчиларнинг умумий сонидан узоқ йиллик меҳнат стажига эга бўлганлар сонининг кўп бўлиши.

Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда, таълим тизимининг давоми сифатида олий таълимда бюджет харажатлари самарадорлигини баҳолашда қуйидаги омилларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

– олий таълим олиш давридаги ёшларни камраб олиш миқёси;

– бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг ўзаро нисбати (мазкур кўрсаткич 1 дан катта бўлмаслиги лозим);

– олий таълим олиш учун тўловнинг олий таълим муассасалараро табақалашганлиги;

– олий таълим битирувчиларининг ишга жойлашиш коэффициентининг юқорилиги.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Бюджет сиёсатини шакллантиришнинг замонавий йўналишлари

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш, иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш давлат бошқарувини такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Давлат бошқарувини оптималлаштириш эса, бюджет маблағларини тақсимлаш методологиясини янги босқичга олиб чиқишда ўз ифодасини топади.

Ҳозирги кунда давлат молиясини, хусусан, давлат бюджетини бошқаришга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Булар сирасига: Давлат секторида халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (IPSAS) мослаштириш, фуқаролар учун бюджет концепциясини ҳаётга татбиқ этиш, ўрта муддатли бюджетни прогнозлаштириш, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш, давлат молиясини бошқариш самарадорлигини баҳолаш учун “Давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик (PEFA)”, “Давлат молиясини бошқаришда ўзаро таълим ва тажриба алмашиш” (PEMPAL)” каби амалиётларни киритиш мумкин.

Бюджет маблағларини режалаштириш ва бюджет сиёсатини амалга оширишда унинг таъсирини кучайтириш давлатлар олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш амалиёти ўзининг устувор жиҳатларига эга. Эътибор берсак, бюджет маблағлари тегишли тартибда маълум вазифаларни молиялаштиришга йўналтирилади. Масалан, мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришда бир болага тўғри келувчи харажатлар меъёридан келиб чиқиб, маблағлар режалаштирилади. Лекин мазкур методда тарбияланувчининг ҳар бир ёш кесимида билиши лозим бўлган билимлар (санаш, гапириш) мажмуи, соғлиги бўйича параметрлар кабиларга боғлиқлик мақсадлари аниқ назарда тутилмаган.

Шу нуқтаи назардан, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, уларнинг мақсадлилигини таъминлаш муҳимдир. Бу борада, натижага йўналтирилган

бюджетлаштириш (НЙБ), ўрта муддатли бюджетни шакллантириш ва фуқаролар учун бюджет шаффофлигини мустаҳкамлаш айни бюджет сиёсатининг бирламчи омили бўлмоғи лозим.

Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш услубиятида тўғридан-тўғри (аҳолига бюджет хизматлари тақдим этиш ҳажми) ва якуний (бюджет хизматларининг ижтимоий самараси) натижага қаратилган жараёни ўз ичига олади. Бунда бюджет маблағлари мақсад, вазифа ва бюджет фаолияти натижаларини қамраб олган давлат мақсадли дастурлари доирасида молиялаштиришга йўналтирилади.

3.1-жадвал

Давлат хизматлари сифат кўрсаткичларининг тамойиллари⁷⁸

№	Тамойил номи	Тамойил моҳияти
1	Аниқлилик	Бюджет муассасаси фаолияти доирасида эришиш мумкин бўлган (аниқ) сифат мезонига эга бўлган мақсадли кўрсаткич
2	Ижтимоий натижавийлик	Бюджет муассасасининг ижтимоий жавобгарликни акс эттирган фаолиятини рағбатлантириш ва истеъмолчиларнинг сўровномаларини қамраб олиш
3	Иқтисодий натижадорлик	Бюджет маблағларини йўналтиришда иқтисодий натижавийликни оширишни таъминлаш
4	Кўшимча молиялаштиришга заруриятнинг йўқлиги	Кўзда тутилган бюджет маблағлари доирасида давлат хизматларини етказиб бериш ва субсидияларнинг талаб этилмаслиги

Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тўғрисида фикр юритилганда, хорижий ва маҳаллий олимларнинг хулосаларига ҳам эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Жумладан, М.Чистилина бюджет маблағларидан фойдаланиш натижавийлигини акс эттирувчи кўрсаткичларни тизимлаштиришга ҳаракат қилган. Уни қуйидаги 3.1-жадвалда кўришимиз мумкин⁷⁹:

⁷⁸ Тадқиқотлар асосида диссертант томонидан ишлаб чиқилган

⁷⁹ Чистилина М.А. Методика оценки результативности и эффективности бюджетного финансирования высших учебных заведений: автореферат ... к.э.н. – Иваново, 2012. - - 22с.

Рус олимларидан В.Чигирев НЙБни жорий этишда қуйидаги мезонларга эътибор беришни тавсия этади⁸⁰:

устуворлик – мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадларига мувофиқлаштириш;

мувофиқлик (адекватлик) – бюджет муассасаларининг функция ва ваколатларига мақсад ҳамда вазифаларнинг мос келиши;

бевоситалик (корректлик) – белгиланган натижа кўрсаткичларига тўғридан-тўғри боғлиқликнинг мавжудлиги;

баҳоланишлик (ўлчовлилик) – мақсад ва вазифаларни характерловчи кўрсаткичларнинг мавжудлиги;

ҳаққонийлик – ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг мақсад ва вазифаларига эришишнинг мумкинлиги.

Профессор Д.Рахмонов ўзининг илмий мақоласида: “Нативавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш – бу бюджет харажатларини тайёрлаш ва ижро этиш методологияси бўлиб, белгиланган натижага бевосита эришиш мақсадида молиявий маблағларни сарф этишни амалга ошириш тизими ҳисобланади. Яъни натижага эришиш учун пулни сарф этишдир”, дея таъкидлаб ўтади. Шунингдек, натижага йўналтирилган бюджетлаштиришнинг асосий афзалликлари мавжудлигини қайд этади⁸¹:

– давлат аҳолига жамият учун манфаатли бўлган ижтимоий бойликларни ва хизматларни беради (ресурсларнинг чекланганлиги шароитида);

– қарор топган тузилма ва маблағларнинг сарфланиши йўналишларини баҳолаш ҳамда “ўз-ўзидан” амалга ошириладиган самарасиз харажатларни молиялаштириш амалиётидан воз кечиш имконини беради;

– давлат маблағларининг сарфланиши йўналишларини асослаш нафақат жорий эҳтиёжлардан, балки илгари сурилган истиқболли вазифалардан келиб чиқиб амалга оширилади;

– вазирликларнинг натижалар учун жавобгарлиги кучаяди, бу эса нафақат муайян хизматларнинг кўрсатилишини, балки сифат кўрсаткичларига эришишни тақозо этади;

⁸⁰ Чигирев В. Ю. Бюджетирование, ориентированное на результат, и его реализация в органах Федерального казначейства: автореферат ... к.э.н. – СарГСЭУ, Саратов. - 2007. – 20 с.

⁸¹ Рахмонов Д.А. “Нативавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш” услубини қўллаш орқали соғлиқни сақлаш тизимида маблағларни самарали бошқариш//Молия. – ТМИ, 2011. - №1. – Б. 41-47.

– давлат харажатлари соҳасидаги қарорларнинг асосланганлиги даражаси ошади ва турли даражадаги молиялаштиришнинг давлат харажатлари самарадорлигига таъсирини баҳолаш имконини берадиган ахборот базаси яратилади.

Доцент Г.Қосимова фикрича, “Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” деганда, чекланган молиявий ресурслар жамиятда кўзда тутилган аниқ мақсадга эришилишига қараб, давлатнинг бюджет сиёсатининг устувор йўналишларига мувофиқ тақсимланиши тушунилади. Амалиётчилар бюджетнинг ижтимоий-маданий соҳа харажатларини оптималлаштиришда “Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш” услубини амалда қўллаш ва ривожлантириш энг мақбул йўлларида бири”⁸², деб таъкидлайдилар.

Доцент М.Хайдаров⁸³ натижага йўналтирилган бюджетлаштиришни функционал таснифи бўйича давлат мақсадли дастурларини ишлаб чиқишга қаратилган мезонларини илгари суради ва тизимлаштирилган ҳолда тавсияларни келтириб ўтади. Масалан, Ички ишлар вазирлиги учун келтирилган кўрсаткичларга қуйидагиларни киритади:

- аҳоли жон бошига жинойатчилик даражаси;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан юзага келган вазиятларда жинойий иш қўзғатиш ва ёпишнинг аниқланган ҳолатлари сони;
- техник кўрикдан ўтган транспорт воситалари сони. Аниқланган камчиликлар бартараф қилингандан кейин рўйхатга олинган транспорт воситаларининг улуши;
- аҳоли жон бошига рўйхатга олинган транспорт воситалари сони.

Фикримизча, НИБ амалиётининг бюджет сиёсатини олиб боришда қўлланилиши: бюджет маблағларидан фойдаланишнинг, биринчидан, мақсадлилигини, иккинчидан, натижадорлигини, учинчидан, баҳолаш мумкинлигини, тўртинчидан, ҳисобдорликни

⁸² Қосимова Г.А. Соғлиқни сақлаш тизими харажатларини режалаштириш ва молиялаштиришни такомиллаштириш истиқболлари//Бизнес-эксперт. – Т., 2016. – №11(107)-2016. Электрон манба: <http://www.biznes-daily.uz/uz/birjaexpert/45265-sogliqni-saqlash-tizimi-xarajatlarini-rjlashtirish-va-moliyalashtirishni-takomillashtirish-istiqbollari>

⁸³ Хайдаров М.Т. Натижадорликка йўналтирилганлик – Ўзбекистонда бюджет ислохотларининг янги босқичи//Иқтисод ва молия. – Т., 2014. -№3. –Б. 2-7.

аниқлигини таъминлашда муҳим ўрин тутар экан. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда бюджет харажатларини режалаштиришда, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш методини қўллаш ўзига хос аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз. Бунинг учун қуйидаги омилларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

- бюджет харажатларининг функционал вазифалари бўйича мақсадли дастурлар тизимини яратиш;

- вазирлик, давлат идоралари ва бошқа бюджет муассасалари кесимида фаолият мақсадларини белгилаб берувчи якуний натижа мезонларини ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқилган натижа мезонларини баҳолаш имконини берувчи услубиятни яратиш;

- бюджет маблағларидан фойдаланишнинг фаолият натижалари нуқтаи назаридан ҳисобдорликни амалга ошириш механизминини ишлаб чиқиш.

Бизнингча, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш – давлатнинг функционал вазифаларини бажариш учун белгиланган мақсад, вазифага мос равишда бюджет харажатларини режалаштириш, шакллантириш ва тақсимлашга қаратилган бюджет жараёни тизимидир. Шу билан бирга, НИБнинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

- бюджетни режалаштириш, ижро ва назорат қилишни бир пайтда амалга оширишни таъминлайдиган универсал метод;

- бюджет маблағларини тақсимлашда мақсад, вазифа ва функцияларни аниқ белгилашга имкон бериб, харажатларни мазкур жиҳатларига уйғун тарзда амалга оширишни таъминлайди;

- бюджет харажатлари натижадорлиги жамият томонидан аҳамиятли, деб эътироф этилишини талаб этади.

Шу ўринда, харажатли молиялаштириш ва НИБ ўртасидаги баъзи фарқли жиҳатларни кўриб чиқсак (3.2-жадвал).

Ўзбекистон шароитида бюджет маблағларининг натижадорлиги Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 7-моддасида белгиланган бюджет тизими принциплари сифатида: “бюджет тизими бюджетлари маблағларидан фойдаланишнинг аниқ йўналтирилганлиги ва мақсадлилиқ хусусияти; бюджет тизими бюджетларининг мустақиллиги; бюджет тизими бюджетлари

маблағларидан фойдаланишнинг натижадорлиги” каби категориялар келтирилган.

3.2-жадвал

Бюджетлаштиришнинг ўзаро фарқли жиҳатлари

Харажатли (сметали) молиялаштириш	Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш
Режалаштирилган ишлар билан бюджетлаштириш ўртасидаги муносабат	
Бюджет муассасалари ўртасида бюджет маблағларини тақсимлаш	Бюджет харажатлари давлатни стратегиясига мос равишда ижтимоий-иқтисодий натижаларга йўналтириш
Харажатларни режалаштириш тамойиллари	
Бюджет муассасалари бўйича харажатлар сметасини горизонтал вертикал бирлаштириш	Устувор йўналишларга асосан ижтимоий аҳамиятли дастурлар ўртасида бюджет маблағларини тақсимлаш
Бюджет харажатлари таснифидан фойдаланиш	
Даромадлар, харажатлар ва тақчилликни қоплаш бўйича тасниф	Дастурий (функционал) тасниф
Бюджет лойиҳаси шакли	
Бюджет харажатлари бўйича молиявийлаштириш йўналишлари маблағлари ҳажмининг	Мақсад, вазифа, натижа мезонлари
Маблағлардан фойдаланиш мустақиллиги	
Харажатлардан мақсадли фойдаланишда иқтисодий жавобгарлик	Маблағларни бошқариш эркинлиги, харажатлар доирасида белги-ланган мақсадларга эришишга жавобгарлик
Бюджет ижроси назорати	
Ташки молиявий назоратнинг устуворлиги	Натижа мезонлари бўйича ички молиявий назоратнинг устуворлиги
Бюджет ижроси бўйича ҳисобот	
Режа ва ҳақиқатда молиялаштиришни ўзаро таққослаш	Мақсадга эришилганлик, дастурни такомиллаштириш

Юқорида келтириб ўтилган бюджетлаштиришнинг солиштирма таҳлилида НИБ амалиёти аниқ мақсадларни ўзида акс эттириб, натижадорликни талаб этиши маълум бўлди. Мамлакатимиз бюджет сиёсатининг асосий қонунчилигида ҳам мақсадлилиқ, мустақиллик ва натижадорлик каби омилларга алоҳида принцип даражасида эътибор берилганлиги эътирофга молик.

Шундай бўлсада, мавжуд бюджет жараёни амалиётимизда харажатлар сметасида режалаштирилган маблағларни бюджет муассасалари аниқ мақсадларда ўзлари мустақил сарф этишлари мумкинлигини акс эттиради. Бу ерда харажатлар моддасининг мақсадлилиги билан бюджет маблағлари доирасида эришилиши лозим бўлган мақсадли натижаларни ўзаро фарқлаш мақсадга мувофиқ.

Бизнингча, Бюджет кодексида белгиланган мақсадлилиқ тамойили оралиқ мақсадни ўзида акс эттиради. Яъни якуний натижани акс эттирмайди. Мазкур ҳолатни бир мисолда кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Масалан, мактабгача таълим муассасасида тарбияланувчиларнинг овқатланиши учун сарф этилган маблағлар аниқ мақсадли харажатлар моддаси бўйича йўналтирилди, лекин ушбу харажатнинг натижасида тарбияланувчиларнинг ёшига мос равишда соғлиғи, бўйи ва вазни йил давомида белгиланган меъёрларга тўғри келмаслиги юзага келиши мумкин. Бу эса, йил давомида озиқ-овқат харажатлари газначилик органларида мақсадли тарзда молиялаштирилиб, оралиқ мақсадга эришилган бўлсада, якуний натижавийлик мақсадига эришилмаганини ўзида акс эттиради.

Шу боисдан, бюджетдан маблағ олувчи муассасалар ва тизим кесимида фаолият натижасини ўзида акс эттирувчи кўрсаткичлар мезонини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бинобарин ижтимоий-иктисодий сиёсатни амалга оширишда бюджет маблағларининг тутган ўрни ва ролини мустаҳкамлаш учун аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш муҳимдир.

Олиб борган тадқиқотларимиз асосида ижтимоий соҳанинг баъзи бўғинларида фаолият натижаси мезонларини ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик. Уларни қуйида кўриб чиқамиз.

Ўзбекистонда таълим тизимининг бир нечта босқичи мавжуд бўлиб, улар ўзаро тизимлаштирилган ҳолда уйғун равишда бир

бутунликни ташкил этади. Мактабгача таълим тизимининг молиялаштирилиши учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимини жорий этиш муҳим боскичлардан ҳисобланади.

3.3-жадвал

3 ёш боланинг кўрсаткичлари⁸⁴

3 ёшда	Қуйи чегара	Юқори чегара
Ўғил болалар вазни, кг	11,3	18,3
Қизлар вазни, кг	10,8	18,1
Ўғил болалар бўйи, см	88,7	103,5
Қизлар бўйи, см	87,4	102,7
Ўғил болалар бош айланаси, см	46,6	52,3
Қизлар бош айланаси, см	45,7	51,3

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган кўрсаткичларга кўра, 3 ёшга етган боланинг ривожланиши ўзининг параметрларига эга (3.3-жадвалга қаранг). Шунингдек, ушбу ёшдаги болалар тўртта рангни, геометрик фигураларни, катта-кичик фигураларни ажрата олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Шу билан бирга, оддий грамматик иборалар билан фикрини баён этиши, билиш характеридаги “Қани?”, “Қаерга?”, “Нимага?”, “Қачон?” каби саволларни бериши, 1500 дан ортиқ сўзлардан фойдалана олиши муҳим ҳисобланади.

Қайд этиш лозим, биз мисол тариқасида келтирган мактабгача таълим муассасаси (3 ёшли) тарбияланувчисининг ривожланиш мезонлари умумий тарзда келтириб ўтилди. Бу каби кўрсаткичларни ёшлар кесимида шакллантириш ва бюджет харажатлари самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январда “Иқтисодий янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5614-сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга кўра, таълим тизимида PISA, TIMSS ва PIRLS каби

⁸⁴ <https://www.who.int/childgrowth/standards/ru/>

халқаро баҳолаш тизимлари билан биргаликда ишлаш назарда тутилган. Ушбу баҳолаш тизимини жорий этиш орқали таянч таълим фаолиятида ўқувчиларнинг билим олиш даражасини аниқлаш мумкин бўлади. Мазкур тизимнинг жорий этилиши эса натижа мезонларини ҳаётга татбиқ этишга шарт-шароит яратиб беради.

Қайд этиб ўтилган баҳолаш услубиятлари мактаб ўқувчиларининг ўқиш ва тушуниш, бошланғич синф ёшидагилар математика ва табиий фанларни, юқори синф ёшидагилар математика ва табиий фанларни қай даражада ўзлаштираётганини ўзида ифода этади. Жумладан, ушбу услубиятдан мактаб таълими натижаларини баҳолаш учун 50 дан ортиқ мамлакатлар 20 йилдан ошиқ муддат давомида фойдаланиб келишмоқда. Мазкур услубиятлар ёрдамида қуйидагиларни аниқлаш мумкин бўлади:

- адабиётларни ўқиш маҳоратини ўзлаштириш даражаси;
- ахборотларни ўзлаштириш ва фойдаланиш даражаси;
- аниқ фанларни ўзлаштириш ва ундан фойдалана олиш каби кўникмалар баҳоланади.

Шунингдек, TALIS (Teaching and Learning International Survey) методи ҳам борки, ушбу мезон билан ўқитувчиларнинг фаолияти натижаларига баҳо бериш мумкин бўлади. Ушбу метод орқали ўқитувчи ва директорлар ўртасида сўровнома амалга оширилади ва унга кўра педагогик маҳорат, ўз ишидан қониқиш, ўз касбий маҳоратига ишониш каби ҳолатларни аниқлашга ва баҳолашга имкон беради.

Бизнингча, юқорида келтириб ўтилган баҳолаш методларини таълим тизими фаолияти натижаларини ўрганиш ва уни баҳолаш жараёнларига кенг жорий этиш ўзининг ижобий натижаларини беради, деб ҳисоблаймиз. Шу боисдан, бюджет харажатларини моддалар бўйича амалга оширишдан кўра, бюджет муассасалари фаолияти натижаларини рўёбга чиқаришни кўзда тутиш орқали бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Юқорида қайд этиб ўтилган ҳолатлар натижага йўналтирилган бюджетлаштириш амалиётини жорий этишнинг устунликларини ўзида акс эттиради. Фикримизча, улар қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

– бюджетлаштириш харажатлар доирасида молиявий фаолиятни амалга ошириш эмас, балки ижтимоий-иқтисодий натижаларга эришиш нуктаи назаридан молиялаштириш ҳажмини белгилаш;

– бюджетлаштиришда режалаштириш эмас, натижаларни белгилашни жорий этиш;

– бюджет маблағларидан фойдаланишда оралиқ мақсадлар билан биргаликда, якуний мақсадлар белгиланишини жорий этиш;

– бюджет муассасаларининг фаолият мезонлари асосида натижа кўрсаткичларини баҳолаш методини ишлаб чиқиш;

– бюджет маблағини олувчи тизимларнинг ўзаро уйғунликда натижаларни шакллантириш бўйича ҳамкорлигини такомиллаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тажрибаси бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

3.2. Ўзбекистонда бюджет рискинни бошқариш – бюджет сиёсатининг устувор йўналиши

Ўзбекистонлик олимларнинг тадқиқотларида бюджет сиёсатини бошқариш ва уни ташкил этиш самарадорлигини ошириш масалалари ўрганилган. Бюджет рисқи иқтисодий категория сифатида жаҳон фанларида ўрганилаётган бўлсада, Ўзбекистон молия сиёсати таркибида деярли ўрганилмаган. Молиявий рисклар деганда кўпроқ пул ювиш, молия бозоридаги йўқотишларнинг юзага келиши билан бевосита боғлиқ ҳолатлар бўйича тадқиқот хулосалари кўплаб учрайди. Бизнингча, бюджет рискинни бошқаришни ташкил этмаслик ва уни эътибордан четда қолиши охир-окибат бюджет дефицити юқори нукталарини акс этишига олиб келиши мумкин.

Бюджет рисқи ўрганилмаган бўлсада, молиявий хавфсизлик, хусусан бюджет хавфсизлиги масалалари айрим ўзбекистонлик олим ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилган ҳамда тадқиқ этилган.

Жумладан, проф. А.Бурханов⁸⁵ молиявий хавфсизликнинг моҳиятини, мамлакат молиявий хавфсизлиги индикаторлари асосида миллий иқтисодиёт молиявий хавфсизлигини таъминланганлик ҳолатини таҳлил қилган. Молиявий хавфсизликни таъминлашга салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этишга қаратилган ўзининг илмий хулосаларини ишлаб чиққан. Шунингдек, мамлакат молиявий хавфсизлигини таъминлаш индикаторлари гуруҳига макроиқтисодий кўрсаткичларни мезонлаштириш орқали эришишни таклиф этган.

Проф. Д.Рахмонов эса, давлат молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг устуворликларини ўрганган. Молиявий хавфсизликни таъминлашда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаган⁸⁶:

- мамлакатнинг рақобатбардошлиги билан узвий боғлаш;
- мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг бир элементи сифатида фаолият олиб бориш;
- умумий иқтисодиётнинг бир хил турдаги муаммолари билан бир қаторда, молиявий хавфсизлик муаммоларини аниқлашни ўрганиш.

Тадқиқотчилардан Н.Исмоилова бюджет-солиқ хавфсизлигини таъминлаш миллий иқтисодий хавфсизлик гарови эканлигини тадқиқ этишга ҳаракат қилган. Унинг тадқиқотлари давомида мамлакат иқтисодиётининг бюджет-молиявий хавфсизлигига таҳдидлар сифатида бир қатор омиллар келтириб ўтилади (3.4-жадвалга қаранг)⁸⁷:

⁸⁵ Бурханов А.У. Мамлакат молиявий хавфсизлигининг моҳияти ва уни таъминлашнинг айрим долзарб масалалари// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил

⁸⁶ Рахмонов Д.А. Давлат молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг моҳияти ва хусусиятлари// Аграр соҳани бошқаришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари, (апрел 2014). – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2014. – Б. 122-124.

⁸⁷ Исмоилова Н. Бюджет-солиқ хавфсизлигини таъминлаш миллий иқтисодий хавфсизлик гаровидир//Бизнес-Эксперт. 29.12.2017. - №12(120)-2017.

**Мамлакат иқтисодиётининг бюджет-молиявий
хавфсизлигига таҳдидлар**

Бюджет тизими	Бюджет даромадлари тушумининг беқарорлиги
	Тўловчилар ва назорат органлари томонидан молиявий интизомнинг бажарилмаслиги
	Бюджет маблағларини мақсадсиз сарфлаш
Бюджет сиёсати	Бюджет харажатларининг макроиқтисодий кўрсаткичларга номувофиқлиги
	Минтақалар иқтисодий ривожланишига, республика бюджетининг дефицитсизлигига интилиш
	Бюджет маблағларини тақсимлашдаги номуносивлик
	Бюджет захираларининг йўқлиги ёки улардан нотўғри фойдаланиш

Бизнингча, молиявий хавфсизликнинг бир бўғини сифатида бюджет сиёсати макроиқтисодий жиҳатдан ўрганилган, унинг хавфсизлик кўрсаткичлари орқали барқарорлигини таъминлашга эътибор қаратилган. Бюджет rischi алоҳида объект сифатида ўрганилмаганлиги ва асосий эътибор хавфсизлик компонентларига қаратилганлиги боис ушбу категорияни тадқиқ этилиш зарурати юзага келади.

Шу билан бирга, бюджет даромадлари сиёсатининг riskлари ҳам ўзбекистонлик олимлар томонидан тадқиқ этилган ва ушбу элементларни солиққа тортиш амалиётига жорий этиш бошланганлиги муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, проф. Ш.Тошматов солиқ ислохотларини амалга оширишда юзага келадиган баъзи riskлар борасида илмий хулосаларини бериб ўтади⁸⁸. Бу борада, қўшилган қиймат солиғи ислохоти билан бюджет даромадларига таъсир даражаси бўйича фикрлар баён қилинади. Жумладан, “Республикамизда қўшилган қиймат солиғи ставкасини пасайтириш бир неча йилдан буён долзарб бўлиб турган масала ҳисобланиб, ушбу йўналишдаги ислохотни фақат қўллаб-қувватлаш мумкин. Ушбу ҳолатда ставкани ўрнатишда аниқ ҳисоб-китобларни амалга

⁸⁸ Тошматов Ш.А. Солиқ тизимини ислох қилиш концепцияси: risk ва прогнозлар//Biznes-Daily. 12.04.2018 й. Электрон манба: <http://biznes-daily.uz/uz/component/content/article/56224--soliq-tizimini-islq-qilish-kontsptsiyasi-risk-va-prognozlar>

ошириш талаб этилади, яъни республикамиз бюджетда ҚҚСнинг улуши энг юқори бўлиб, бюджет даромадларини шакллантиришда муаммоларни келтириб чиқариши мумкин” деб таъкидлайди олим.

Шу билан бирга, 2019 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси қабул қилиниши билан солиқ тизимидаги ислохотлар ҳам янги босқичга чиқди. Унга кўра, эндиликда, илғор давлатлар тажрибаси ўзлаштирилган ҳолда, 42 та мезон асосида таҳлика-таҳлиллаш (Риск-анализ) дастури ишга туширилади. Бу жараён инсон омилсиз бошқарилади ва унинг асосида хўжалик юритувчи субъектлар хавфлилиқ даражасига қараб 3 та, яъни яшил, сариқ ва қизил йўлакларга ажратилади. Камчиликлар аниқланган тақдирда, солиқ назоратининг камерал текшируви, янги сайёр текширув ва солиқ аудити ўтказилиши мумкин. Солиқларни вақтида тўлаган ва яшил йўлакча корхоналарида ҳеч қачон солиқ текширувлари амалга оширилмайди⁸⁹.

Таъкидлаш лозим, бюджет даромадларини бошқаришда солиқ риск-таҳлил амалиётининг жорий этилганлиги иш самарадорлигини ошириш билан бирга, маблағларни бошқаришни осонлаштиради. Шу нуқтаи назардан, бюджет харажатларини бошқаришни амалга ошириш долзарб вазифа бўлиб қолади.

Фикримизча, албатта, бюджет рискин баҳолашда бюджет даромадлари муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Шундай бўлсада, бюджетдан молиялаштириш – харажатларни амалга ошириш юзасидан мамлакатимизда қуйидаги муаммолар мавжуд:

- бюджет рискин олимлар томонидан тўлиқ ўрганилмаганлиги;
- бюджет рискин амалиётда қўллаш юзасидан ҳуқуқий меъёрларнинг қабул қилинмаганлиги;
- бюджет тизимида бюджет рискин баҳолаш бўйича кўникмалар назарий-услубий асосларининг ўрганилмаганлиги ва ходимларга ўргатилмаганлиги.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бюджет рисқи ўзбекистонлик олимлар томонидан кам ўрганилган ёки ўрганилмаган. Шу боисдан, бюджет рисқиға ёндашувлар қонунчилиқда ҳам ўз аксини топмаган.

⁸⁹ Инсон омилсиз бошқариладиган Риск-анализ дастури солиқ тўловчилар учун қандай қулайлик яратади?. “Халқ сўзи” газетаси онлайн нашри. 14 январ 2020 йил. Электрон манба: <http://xs.uz/post/inson-omilisiz-boshqariladigan-risk-analiz-dasturi-soliq-tolovchilar-uchun-qandaj-qulajilik-yaratadi>

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган Бюджет кодексида ҳам бюджет rischi (ёки хавфсизлиги)ни аниқлашга, баҳолашга ва таъминлашга қаратилган қоидалар, умуман, киритилмаган. Шунингдек, қонуности ҳужжатларида ҳам ушбу категорияга нисбатан қарашлар, умуман, учрамайди. Бизнингча, ушбу ҳолатларнинг мавжудлиги бюджет riskининг илмий-назарий асосларини яратиш ва уни қонунчилик базасини мустаҳкамлашнинг заруратини вужудга келтирмоқда.

Бюджет rischi категорияси билан боғлиқ муаммолардан яна бири – бу бюджет саводхонлигининг юқори даражада эмаслиги, биринчидан, бюджет жараёнини юқори савияда ташкил этишга имкон бермайди, иккинчидан, мавжуд бюджет қоидаларини амалиётда тўғри қўлланилишига кўринмас тўсиқ бўлиб қолишига олиб келади.

Бюджет rischi категориясини рус олимлари нисбатан кўпроқ ўрганган бўлиб, Россия қонунчилигида ҳам мазкур категорияга 2013 йилдан бошлаб аниқ ёндашувлар белгилана бошланган. Бу борада, Россия Президенти В.Путин 2013 йил 13 июндаги Федераль мажлисга қилган мурожаатида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва бюджет riskларини аниқлаш ҳамда баҳолаш каби тажрибаларни жорий этишни тавсия этади. Натижада, Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2013 йил 30 декабрда “Об утверждении Программы повышения эффективности управления общественными (государственными и муниципальными) финансами на период до 2018 года” 2593-сонли фармойиши қабул қилинади⁹⁰. Унга кўра, Бюджет riskини бошқариш тизимини ташкил этиш орқали қуйидаги компонентларни амалиётга жорий этишга устуворликлар берилади:

- riskлар рўйхатини шакллантириш;
- riskларни юз бериш эҳтимоллиги бўйича баҳолаш;
- riskларнинг таъсир этиш даражаси;
- riskларни бошқариш имконияти;
- риск оқибатларини минималлаштириш ва бартараф этиш комплекс тадбирларини ишлаб чиқиш, шулар жумласидандир.

⁹⁰ Распоряжение Правительства РФ от 30 декабря 2013 г. N 2593-р “Об утверждении Программы повышения эффективности управления общественными (государственными и муниципальными) финансами на период до 2018 года”. Система ГАРАНТ: <http://base.garant.ru/70555830/#iszz6J0IXoaVV>

2014 йилнинг 15 апрелига келиб, Россия ҳукуматининг “Об утверждении государственной программы Российской Федерации “Управление государственными финансами и регулирование финансовых рынков” 320-сонли Қарори қабул қилинади⁹¹. Мазкур ҳужжатга кўра, давлат молиясини назорат қилишнинг халқаро тан олинган мустақиллик, объективлик, самарадорлик, профилактик йўналганлик, рискка йўналтирилган назорат фаолиятини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилган.

3.5-жадвал

Рус олимларининг “бюджет rischi” категориясига ёндашувлари

Муаллиф ФИО	Ёндашув мазмуни
О.Б.Биглай, С.В.Зенченко, С.В.Кобрянов	Бюджет rischi – бюджет жараёни ва бюджет сиёсати доирасида бюджет ижроси режалаштирилган мақсад - кўрсаткичларининг оғиш даражасини англатади
Д.В.Горохова	Бюджет rischi – ташқи омиллар, бошқарув қарорлари, сифат ва сон жиҳатдан таҳлилнинг салбий таъсири натижасида бюджет йўқотишларининг юзага келиши
В.В.Гамукин	Бюджет rischi – бюджет жараёнида бюджет кўрсаткичларининг сезиларли ўзгаришига олиб келадиган доимий ўзгаришларни ўзида акс эттиради
М.А.Ключкина	Бюджет rischi – бюджет ижросини амалга оширишда режадан оғишнинг вужудга келиши.
О.И.Тишугина	Ҳудудий бюджет rischi – мамлакатнинг регионларида бюджет барқарорлигига хавф туғдирувчи ҳолатларнинг юзага келиши билан ифодаланади

Қайд этиб ўтилган тажрибалар, бюджет rischiга нисбатан ёндашувларнинг юзага келганлиги ва уларни амалиётга жорий этиш

⁹¹ Постановление Правительства РФ от 15 апреля 2014 г. N 320 "Об утверждении государственной программы Российской Федерации "Управление государственными финансами и регулирование финансовых рынков" Система ГАРАНТ: <http://base.garant.ru/70644234/#ixzz6J0nHxigV>

бўйича қилинган ишларнинг намунаси сифатида қараш мумкин. Бу эса, мамлакатимизда ҳам бюджет рискинни аниқлаш ва баҳолашга қаратилган тажрибаларни амалга ошириш вақти келганлигини англатади.

Шу ўринда, рус олимларининг бюджет рискига нисбатан қарашларини кўриб ўтсак. Т.Кувалдина ўзининг тадқиқотларида қатор олимларнинг бюджет рискига нисбатан қарашларини тизимлаштиришга муваффақ бўлган⁹² (3.5-жадвалга қаранг).

Юкорида келтириб ўтилган “бюджет рисқи” тушунчасининг таърифларида, асосан, унинг бюджет кўрсаткичларининг ўзгариш хавфи билан юзага келиши назарда тутилган. Уларда рискни юзага келишини сон жиҳатдан баҳолашнинг имкони борлиги назарда тутилган. Умуман олганда, бюджет рискинни аниқлаш ва уни баҳолашда фойдаланишга илмий-назарий асос сифатида хизмат қилади.

Бизнингча, бюджет рискинни сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолаш мумкин бўлган ҳолда тизимлаштириб, сўнгра бошқариш самарадорлигини оширишга имкон туғилади. Бунда рисклар бюджет тизими ички омиллари ва ташқи омиллари таъсири натижасида вужудга келади.

Бюджет тизими ички омиллари натижасида рискларнинг куйидаги турлари юзага келиши мумкин:

- бюджет жараёнини амалга ошириш муддатларига риоя қилмаслик ва харажатларни амалга оширмаслик;
- бюджет даромадларининг ўз вақтида тушмаслиги оқибатида харажатларни коплай олмаслик;
- бюджет тизими ходимларининг бюджет саводхонлиги даражаси;
- бюджет қонунчилигидаги ўзаро номувофикликлар.

Бюджет тизимидан ташқаридаги омиллар сирасига куйидагиларни киритиш мумкин:

- инфляция;
- иқтисодий инкироз;
- девальвацион жараёнлар ва бошқалар.

⁹² Кувалдина Т.Б Бюджетный риск: понятие и система управления//Вестник Сибирского института бизнеса и информационных технологий. – 2017. –№2(22). Источник: <https://cyberleninka.ru/article/n/byudzhetyy-risk-ponyatie-i-sistema-upravleniya/viewer>

Таъкидлаш лозимки, бюджет харажатларини режа қилинган ҳажмидан кам амалга оширилиши маблағларнинг тежалишини англамайди. Аксинча, мазкур харажатлар ҳисобидан таъминланиши лозим бўлган натижага эришилмагани ёки сифатнинг пасайганлигини англатади. Айтайлик, олий таълим муассасасида бўш ўринга профессор-ўқитувчи билан шартнома тузмасдан, ушбу штатга тўғри келувчи ўқув юкламани мавжуд профессор-ўқитувчилар ўртасида “таксимлаш” орқали бюджет харажатлари “тежалди” деб ҳисобланиши мумкин. Бу, албатта, бюджет қонунчилигининг бузилишини англамайди ёки бирор меъёрий ҳужжатда бунга нисбатан жавобгарлик белгиланмаган.

Бизнингча, мазкур ҳолатда микдор жиҳатдан аниқлаш ва баҳолаш қийин бўлган бюджет risksи вужудга келади. Ўз навбатида, биринчидан, бир профессор-ўқитувчи бажариши лозим бўлган юклама бошқалар зиммасига тушади ва бу таълим сифатининг пасайишига жиддий таъсир кўрсатади. Иккинчидан, тежаб қолинган маблағ бюджет муассасасига қолдирилмайди ва унинг “ишлаб топган маблағи” сифатида қаралмайди. Шу боисдан, бюджет харажатларини тежашга қаратилган ҳаракат тежамкорликни акс эттирмайди, балки ижтимоий-иқтисодий натижаларни пасайишига шароит яратади.

Бунга профессорлар Н.Жумаев ва К.Хотамовлар ўз мақолаларида ҳам алоҳида урғу бериб ўтишган. Хусусан, улар 2020 йилда бошланган коронавирус пандемияси натижасида кўплаб олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларга ҳақ тўлашни вақтинча тўхтатиб туришга уринишлар вужудга келганлигини қайд этишади. Жумладан, улар: “Кузатувларимиз ҳамда айрим қилинган мурожаатлар шуни кўрсатмоқдаки, коронавирус баҳонасида ҳеч қандай оғир йўқотишларга, айрим ҳолларда умуман йўқотишга учрамаган ташкилот ва муассасалар ўз ходимларига “ихтиёрий-мажбурий” ҳамда “мажбурий” тарзда ўз ҳисобидан таътил беришга улгурган⁹³”, деб таъкидлайдилар.

Фикримизча, бюджет рискининг юзага келтирилиши меҳнат муносабатларида ҳам қоида бузилишларни келтириб чиқариши мумкин экан. Шу нуқтаи назардан, бюджет маблағларидан ўз

⁹³ Жумаев Н., Хотамов К. Коронавирус меҳнат муносабатларининг бузилишига баҳона бўлмаслиги керак. “Халқ сўзи” газетаси, онлайн нашри, 2020 йил 3 апрель. Электрон манба: <http://xs.uz/uzkr/post/koronavirus-mehnat-munosabatlarning-buzilishiga-bahona-bolmasligi-kerak>

вақтида ва манзилли фойдаланиш, бюджет рискени пасайтиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Бюджет рискени келтириб чиқарувчи омиллардан яна бири бу – бюджет саводхонлиги ҳисобланади. Бюджет маблағлари доирасида молиялаштирилиши натижасида молиявий қоидабузарликлар юзага келишини таъкидлаш мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотларига кўра, 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида бюджет интизоми бузилиши ҳажми 21,7 млрд. сўми⁹⁴ ташкил этганлигини қайд этиш мумкин.

Шунингдек, бюджет жараёнида иш ҳужжатлари юритилишидаги тушунмовчиликлар ҳам бюджет саводхонлиги билан боғлиқ рискларни вужудга келтиради. Масалан, таълим муассасаси иктисодчи ходими онлайн тарзда Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими (ДМБАТ) дастури орқали ҳужжатларни тўлиқ тўғри тўлдирмаслиги оқибатида харажатларни ўз вақтида амалга оширишни имкони бўлмайди. Натижада, молиялаштириш кечиктирилиши мумкин.

Бизнингча, ДМБАТ дастури орқали ходимларнинг ҳужжат юритишларини мониторинг қилиш орқали уларни назорат қилиб бориш механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Масалан, ходимнинг бир ой давомида тўлдирган ҳужжатларининг жами сонидан молия органлари ходимлари томонидан қайта тўлдириш учун қайтарилган ҳужжатлар сонини аниқлаш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Буни куйидаги формулада кўриш мумкин:

$$BC = \left(1 - \frac{X_T}{J_T}\right) \times 100 \quad (3.1)$$

Бу ерда:

BC – бюджет саводхонлиги;

X_T – хато тўлдирилган ҳужжатлар сони (ойда ёки йилда);

J_T – жами тўлдирилган ҳужжатлар сони (ойда ёки йилда)..

Бюджет саводхонлиги кўрсаткичи 0 ва 100 оралиғида тебраниши мумкин. Ушбу индикаторни рейтинг тизими орқали баҳолашга асослансак, бюджет риски куйидагича бўлиши мумкин (3.6-жадвалга қаранг).

⁹⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти маълумотлари.
Электрон манба: <https://www.mf.uz/uz/news/2851.html>

Бюджет саводхонлиги рискени баҳолаш⁹⁵

Бюджет саводхонлиги балли	Бюджет саводхонлиги даражаси	Бюджет саводхонлиги риски
91-100	Аъло	Паст
81-90	Ўртадан юкори	Ўртадан паст
71-80	Ўртача	Ўртача
61-70	Қоникарли	Ўртадан юкори
51-60	Паст	Юкори
0-50	Қоникарсиз	Жуда юкори

Бизнингча, ДМБАТ дастурига ушбу мезонларни жорий этиш орқали ҳар бир бюджет тизими ходимларининг бюджет саводхонлигини текшириб бориш ва бюджет риски кимда юкори бўлишига қараб унинг малакасини ошириш дастурларида иштирокини таъминлаш муҳим бўлади. Шу билан бирга, ушбу механизм билан моддий рағбатлантиришни ҳам амалга ошириш мумкин бўлади.

Бюджет рискига таъсир этувчи макроиктисодий омиллардан яна бири бу инфляция ва девальвациянинг мавжуд бўлишидир. Маълумки, бюджетномада маблағлар келгуси молия йили учун жорий йилдаги харажатлар режалаштирилади. 2020 йилда Марказий банк томонидан эълон қилинган инфляциянинг даражаси 15 фоиз атрофида бўлмоқда. Бу эса, жорий йилда режалаштирилган давлат харидини амалга оширишда товарнинг нархини тўлиқ тўлашга имкон бермаслиги ёки сифатсиз товарни сотиб олишга мажбур бўлишга шарт-шароит яратмоқда.

Масалан, бюджет муассасасида келгуси молия йилида жорий таъмирлаш учун 3 кг бўёқ сотиб олишга 300 минг сўм ажратилди, деб тасаввур қилайлик. Лекин инфляцион (ва девальвацион жараёнлар импорт қилинувчи товарларга нисбатан) вазият туфайли товарнинг режа қилинган ҳажмини сотиб олишга ажратилган маблағ етмаслиги юзага келади. Ўз навбатида, ушбу 3 кг бўёқнинг нархи

⁹⁵ Диссертант томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган

келгуси молия йилида 300 минг сўм эмас, балки ундан қиммат бўлиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, импорт қилинадиган товар (хизмат)ларнинг бюджет харажатларини амалга оширишда нарх барқарорлигини таъминлаш учун инфляция ва валюта курсининг беқарор тебранишини ҳисобга олишга имкон берувчи *соф жорий қиймат* (*ёки дисконтилаш, СЖҚ, net present value*)ни баҳолаш амалиётини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Буни юқоридаги мисол билан тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Соф жорий қийматнинг қуйидаги формуласини қайта шакллантириш орқали пулнинг келажак қийматини аниқлашга эришиш лозим бўлади.

$$\text{СЖҚ} = \frac{\text{БХ}}{1 + \frac{\text{И}}{100}} \quad (3.2)$$

Бу ерда: БХ – бюджет харажатлари, И – инфляция.

3.2 – формула орқали биз ҳозирдаги маблағимизнинг келгуси даврдаги қийматини топишимиз мумкин бўлади. Ушбу формулани қайта шакллантириш орқали бизга келгусида қанча маблағ зарурлигини аниқлашимиз мумкин.

$$\text{БХ} = \text{СЖҚ} \times \left(1 + \frac{\text{И}}{100}\right) \quad (3.3)$$

3.3 – формула орқали келажакдаги зарурий харажатлар миқдорини топиш мумкин. Энди, 3.3 – формула билан юқоридаги 3 кг бўёқ учун молиялаштириш ҳажмини аниқлаймиз.

$$\text{БХ}_6 = 300000 \times \left(1 + \frac{15}{100}\right) = 300000 \times 1,15 = 345000 \text{ сўм}$$

Демак, келгуси йилда (инфляция 15 фоиз бўлганда) бюджет харажатлари орқали 3 кг бўёқ жорий даврда 300 минг сўм бўлган тақдирда бизга 345 минг сўм зарур бўлар экан. Ушбу усулни амалда қўллаш орқали қуйидаги ижобий жиҳатларга эришилади:

- бюджет харажатлари етишмовчилигининг олди олинади;
- давлат харидларида нарх беқарорлиги юзага келмайди;
- бюджет сифати ошади;

– бюджет харажатларига инфляцион жараёнларнинг таъсирини ҳисобга олиш механизми юзага келади;

– маблағлар етишмовчилиги натижасида вужудга келадиган бюджет рисклари салмоғи камаяди.

Тадқиқотлар асосида айтишимиз жоизки, бюджет рискинни бошқариш амалиётини жорий этиш билан бюджетдан молиялаштиришнинг самарадорлигини янада оширишга имкон туғилар экан.

Учинчи боб бўйича хулосалар

Монографиянинг учинчи бобида олиб борган тадқиқотлар асосида қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди:

1. НИБ амалиётини бюджет сиёсатини олиб боришда қўлланиши бюджет маблағларидан фойдаланишнинг, биринчидан, мақсадлилигини, иккинчидан, натижадорлигини, учинчидан, баҳолаш мумкинлигини, тўртинчидан, ҳисобдорликнинг аниқлигини таъминлашда муҳим ўрин тутар экан. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда бюджет харажатларини режалаштиришда натижага йўналтирилган бюджетлаштириш методини қўллаш ўзига хос аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз. Бунинг учун қуйидаги омилларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

– бюджет харажатларининг функционал вазифалари бўйича мақсадли дастурлар тизимини яратиш;

– вазирлик, давлат идоралари ва бошқа бюджет муассасалари кесимида фаолият мақсадларини белгилаб берувчи якуний натижа мезонларини ишлаб чиқиш;

– ишлаб чиқилган натижа мезонларини баҳолаш имконини берувчи услубиятни яратиш;

– бюджет маблағларидан фойдаланишнинг фаолият натижалари нуқтаи назаридан ҳисобдорликни амалга ошириш механизминини ишлаб чиқиш.

2. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш – давлатнинг функционал вазифаларини бажариш учун белгиланган мақсад, вазифага мос равишда бюджет харажатларини режалаштириш, шакллантириш ва тақсимлашга қаратилган бюджет жараёни тизимидир. Шу билан бирга НИБнинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

– бюджетни режалаштириш, ижро ва назорат қилишни бир пайтда амалга оширишни таъминлайдиган универсал метод;

– бюджет маблағларини тақсимлашда мақсад, вазифа ва функцияларни аниқ белгилашга имкон бериб, харажатларни мазкур жиҳатларга уйғун тарзда амалга оширишни таъминлайди;

– бюджет харажатлари натижадорлиги жамият томонидан аҳамиятли, деб эътироф этилишини талаб этади.

3. Бюджет рискин баҳолашда бюджет даромадлари муҳим аҳамиятга эгаллиги кишида шубҳа уйғотмайди. Шундай бўлсада, бюджетдан молиялаштириш – харажатларни амалга ошириш юзасидан мамлакатимизда қуйидаги муаммолар мавжуд, деб ҳисоблаймиз:

– бюджет рискин олимлар томонидан тўлиқ ўрганилмаганлиги;

– бюджет рискин амалиётда қўллаш юзасидан ҳуқуқий меъёрларнинг қабул қилинмаганлиги;

– бюджет тизимида бюджет рискин баҳолаш бўйича кўникмаларнинг назарий-услубий асосларининг ўрганилмаганлиги ва ходимларга ўргатилмаганлиги.

4. Бизнингча, бюджет рискин сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолаш мумкин бўлган ҳолда тизимлаштириб, сўнгра бошқариш самарадорлигини оширишга имкон туғилади. Бунда рисклар бюджет тизими ички омиллари ва ташқи омиллари таъсири натижасида юзага келади.

Бюджет тизими ички омиллари натижасида қуйидаги турдаги рисклар юзага келиши мумкин:

– бюджет жараёни муддатларига амал қилмаслик ва харажатларни амалга оширмаслик;

– бюджет даромадларининг ўз вақтида тушмаслиги оқибатида харажатларни қоплай олмаслик;

– бюджет тизими ходимларининг бюджет саводхонлиги даражаси;

– бюджет қонунчилигидаги ўзаро номувофиқликлар;

Бюджет тизимидан ташқаридаги омиллар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– инфляция;

– иқтисодий инқироз;

– девальвацион жараёнлар ва бошқалар.

5. Бюджет рискин бартараф этишда бюджет саводхонлиги рискин баҳолаш ва соф жорий қийматни аниқлаш усулларини қўллаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқотларимиз асосида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлинди:

1. Бюджет сиёсатини шакллантириш ва ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

– замон ва макондан келиб чиқиб бюджет концепциясини иқтисодиётдаги ҳамда ижтимоий вазифаларни ҳал этишдаги ролини белгилаш;

– бюджет муносабатларини мезонлаштириш, маблағларни тақсимлаш услубиятини такомиллаштириш орқали бюджет барқарорлигини таъминлаш;

– бюджет сиёсатининг мақсад ва вазифаларини аниқ шакллантириш. Бунда мақсадли йўналтирилган бюджетнинг барча ўлчов ва инструментларини комплекс тарзда бўлишини таъминлаш;

– жамиятнинг ривожланиш тенденциясида бюджет маблағларига бўлган эҳтиёжнинг ҳажмини аниқлаш методологиясини жорий этиш.

2. Мамлакатимизда бюджет сиёсатини такомиллаштиришда хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда, қуйидагиларга эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади:

– бюджет сиёсатини амалга оширишда яқунийлик, натижавийлик ва манзиллилик каби тамойилларга эътибор беришни тақозо этувчи методологик асосларни яратиш;

– бюджет даромадларини тор доирадаги манбаларга боғлиқ бўлиб қолмаслигини таъминлаш ва солиқсиз даромадлар улушини ошириб бориш;

– бюджет маблағларидан бюджетдан ташқари жамғармаларнинг харажатларини молиялаштириш амалиётини қисқартириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

– давлатнинг стратегик мақсадларидан келиб чиқиб, давлатнинг идоралараро дастурларни амалга ошириш тажрибасини жорий этиш;

– бюджет харажатлари мақсад кўрсаткичларининг маълум мезонлар ёрдамида баҳоланиб боришини таъминлаш амалиётини татбиқ этиш;

– маҳаллий бюджетлар ижросини таъминлашда молиявий ваколатлар (ҳам даромадлар, ҳам харажатлар бўйича) мувозанатини таъминлаш чораларини кўриш.

3. Бюджет сиёсатини амалга оширишда қуйидаги тенденциялар ривожланмоқда:

– бюджет сиёсатини амалга оширишда солиқсиз даромадлар улушини ошириш тенденцияси юзага келмоқда;

– бюджетга хорижий инвесторларнинг маблағларини жалб этишда еврооблигациялардан фойдаланиш амалиёти бошланди;

– бюджет харажатлари ҳисобидан ижтимоий устувор аҳамиятга эга тадбирлар амалга оширилишини молиялаштириш тенденцияси сақланиб қолмоқда;

– бюджет харажатлари ҳажми ошишининг асосий омилларидан бири бу – иш ҳақини тегишли фармон ва қарорлар орқали амалга ошириш юзага келмоқда;

– таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш давлат-хусусий шериклиги амалиёти орқали таъминланиши жадал ривожланмоқда.

4. НЎБ амалиётининг бюджет сиёсатини олиб боришда қўлланиши бюджет маблағларидан фойдаланишнинг: биринчидан, мақсадлилигини, иккинчидан, натижадорлигини, учинчидан, баҳолаш мумкинлигини, тўртинчидан, ҳисобдорликнинг аниқлигини таъминлашда муҳим ўрин тутар экан. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда бюджет харажатларини режалаштиришда натижага йўналтирилган бюджетлаштириш методини қўллаш ўзига хос аҳамиятга эга ҳисобланади, деб ўйлаймиз. Бунинг учун қуйидаги омилларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

– бюджет харажатларини функционал вазифалари бўйича мақсадли дастурлар тизимини яратиш;

– вазирлик, давлат идоралари ва бошқа бюджет муассасалари кесимида фаолият мақсадларини белгилаб берувчи якуний натижа мезонларини ишлаб чиқиш;

– ишлаб чиқилган натижа мезонларини баҳолаш имконини берувчи услубиятни яратиш;

– бюджет маблағларидан фойдаланишнинг фаолият натижалари нуқтаи назаридан ҳисобдорликни амалга ошириш механизминини ишлаб чиқиш.

5. Бюджет рискинини баҳолашда, бюджет даромадлари муҳим аҳамиятга эгаллиги шубҳасиз. Шундай бўлсада, бюджетдан

молиялаштириш – харажатларни амалга ошириш юзасидан мамлакатимизда қуйидаги муаммолар мавжуд, деб ҳисоблаймиз:

– бюджет рискинни олимлар томонидан тўлик ўрганилмаганлиги;

– бюджет рискинни амалиётда қўллаш юзасидан ҳуқуқий меъёрларнинг қабул қилинмаганлиги;

– бюджет тизимида бюджет рискинни баҳолаш бўйича кўникмаларнинг назарий-услубий асосларининг ўрганилмаганлиги ва ходимларга ўргатилмаганлиги.

Фойдаланилган адабиётлар

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси. 2013 йил 26 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли Қарори 3-илоvasи.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида”ги ПҚ-4258-сонли Қарори, 1-илоvasи.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш тўғрисида”ги ПҚ-4258-сонли Қарори, 2-илоvasи.
6. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. –Т.: “Ношир”, 2012. 284-б
7. Годин А. М. Бюджетная система Российской Федерации: учебник / А. М. Годин, В. П. Горегляд, И. В. Подпорина. –9-е изд., испр. и доп. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2010. – С.129.
8. Сабанти Б.М.. Теория финансов: учебное пособие. – М.: Менеджер, 1998. – С. 103.
9. Финансы: учебник для вузов / Под ред. проф. М.В. Романовского и др. – М.: Юрайт-М, 2004.– С. 191.
10. Финансы: Учебник для студентов вузов / Л.М. Подьяблонская. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. – С.165.
11. Финансы: учебник для студентов вузов / Под. ред. Г.Б. Поляка.–3-е изд., перераб. и доп.–М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.– С. 274.
12. Файзуллаев Ё.Ш., Азизова И.А. Бюджетни ўрта муддатли режалаштириш: - Тошкент, 2010 - 152 б

13. Финансы: учебник / А.Г. Грязнова, Е.В. Маркина, М.И. Седова и др.; под. ред. А. Г. Грязновой, Е. В. Маркиной. - 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2012. – С. 281.

14. Фуқаролар учун бюджет 2019 лойихаси: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, 2018.

Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

15. Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А., Ташходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. –Т.: IQTISODIYOT, 2019. – 335 б.

16. Шахмалов Ф.И. Теория государственного управления. – М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2002. –с. 562.

17. Абдуллаев А.Ф. Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларини молиялаштириш меъёрий кўрсаткичли асослари // “Молия ва банк иши” илмий электрон журнали. – БМА, 2019. - №1.- Б.3-10.

18. Бердинзаров З. Девальвация сийёсатининг макроиктисодий кўрсаткичларга таъсири ва уни такомиллаштириш масалалари // Жамият ва бошқарув. – Т.: 2017, - №2. – Б.118-130.

19. Бурханов А.У. Мамлакат молиявий хавфсизлигининг моҳияти ва уни таъминлашнинг айрим долзарб масалалари// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4-5, август-октябрь, 2018 йил

20. Жумаев Н., Хотамов К. Коронавирус меҳнат муносабатларининг бузилишига баҳона бўлмаслиги керак. “Халқ сўзи” газетаси онлайн нашри. 3 апрел 2020 йил. Электрон манба: <http://xs.uz/uzkr/post/koronavirus-mehnat-munosabatlarining-buzilishiga-bahona-bolmasligi-kerak>

21. Зайналов Ж.Р., Алиева С.С. Ғазна тизими самарадорлигини таъминлаш бўйича амалга оширилладиган хизматларни ривожлантириш йўллари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, май-июнь, 2014 йил.

22. Зарубежный опыт оптимизации дефицита бюджета муниципальных образований//Международный научный журнал “Инновационная наука”. – М.: - №3-1/2017. – С. 197-202,

23. Инсон омилсиз бошқариладиган Риск-анализ дастури солиқ тўловчилар учун қандай қулайлик яратади?// “Халқ сўзи” газетаси онлайн нашри. 14 январ 2020 йил.. Электрон манба: <http://xs.uz/uzkr/post/inson-omilisiz-boshqariladigan-risk-analiz-dasturi-soliq-tolovchilar-uchun-qandaj-qulajlik-yaratadi>

24. Исмоилова Н. Бюджет – солиқ хавфсизлигини таъминлаш миллий иқтисодий хавфсизлик гаровидир//Бизнес-Эксперт. 29.12.2017. - №12(120)-2017.

25. Кувалдина Т.Б Бюджетный риск: понятие и система управления//Вестник Сибирского института бизнеса и информационных технологий. – 2017. –№2(22). Источник: <https://cyberleninka.ru/article/n/byudzhetsy-risk-ponyatie-i-sistema-upravleniya/viewer>

26. Мастеров А.И. Совершенствование государственных программ как условие повышения эффективности программно-целевого бюджетирования в России//Экономика и управление. – М.,2016. - №5. – С.99-104.

27. Одилов Ф. Ижтимоий соҳа харажатларини бюджетдан молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари// Бизнес эксперт илмий журнали. – 2017й. - №4(112). Электрон манзил: <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/47841-ijtimoiy-soha-xarajatlarini-byudjtdan-moliyalashtirishning-oziga-xos-xususiyatlari>

28. Рахмонов Д.А. “Натижавийликка йўналтирилган бюджетлаштириш” услубини қўллаш орқали соғлиқни сақлаш тизимида маблағларни самарали бошқариш//Молия. – ТМИ, 2011. - №1. – Б. 41-47.

29. Рахмонов Д.А. Давлат молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг моҳияти ва хусусиятлари// Аграр соҳани бошқаришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари, (апрел 2014). – Тошкент: “Иқтисод-молия”, 2014. – 122-124.

30. Сухарев, О.С. Теория эффективности экономики / О.С. Сухарев. – М.: Финансы и статистика, 2009. – С. 156.

31. Тешабаев Т.З. Инновацион университетни молиялаштириш масалалари//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. – Тошкент, 2018. - №3.

32. Тошматов Ш.А. Солиқ тизимини ислоҳ қилиш концепцияси: риск ва прогнозлар//Biznes-Daily. 12.04.2018 й. Электрон манба: <http://biznes-daily.uz/uz/component/content/article/56224--soliq-tizimini-isloq-qilish-kontsptsiyasi-risk-va-prognozlar>

33. Хайдаров М.Т. Натижадорликка йўналтирилганлик – Ўзбекистонда бюджет ислохотларининг янги босқичи//Иқтисод ва молия. – Т., 2014. -№3. –Б. 2-7.

34. Ханафина К.А. Международный опыт разработки и внедрения программно-целевого бюджетирования//Финансы и кредит. – Москва, 2016. - №33. – С. 48-60.

35. Шарапова М. Ижтимоий соҳа харажатларини бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни такомиллаштириш//“Бизнес эксперт” илмий журнали. – 2018й. - №4(124). Электрон манзил: <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/58194--ijtimoiy-soha-xarajatlarini-byudjt-mablaglari-hisobidan-moliyalashtirishni-takomillashtirish>

36. Шеров А.Б. Таълим тизимини давлат томонидан молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари ва объектив зарурлиги // Халқаро молия ва ҳисоб. – ТМИ, 2017. -№3.

37. Эшназаров Т. Давлат молияси тизимида институционал ислохотлар ва уни ривожлантириш омиллари//Иқтисод ва молия. 2012 й. №12

Диссертация ва авторефератлар

38. Абдуллаев Х.А. Молиянинг ижтимоий функцияси ва уни амалга ошириш механизми: и.ф.н. ... автореферат. – Тошкент: БМА, 2007. – 20 бет.

39. Богомолов С.В. Оценка бюджетной устойчивости и эффективности управления бюджетными средствами муниципальных образований и субъекта РФ: автореферат ... к.э.н. – ГОУ ВПО «Нижегородский государственный университет им. Н.И. Лобачевского». - Нижний Новгород, 2010. – с. 28.

40. Бурханов У.А. Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида давлат бюджети тақчиллигининг омиллари ва қисқартириш масалалари: и.ф.н. ... автореферати: - Тошкент: БМА, 2002. – 22 б.

41. Дуплинская Е.Б. Оценка результативности бюджетного регулирования в условиях модернизации публичного управления: автореферат ... к.э.н. - НОУ ВПО «Сибирская академия финансов и банковского дела». - Новосибирск, 2011. – 20 с.

42. Дўстмухаммад Х.У. Халқ таълимини самарали молиялаштиришни ташкил этиш йўллари: и.ф.н. ... автореферати: - Тошкент: БМА, 2012. – 22 б.

43. Жаркынбаева Р.С. Социальная политика новых независимых государств Центральной Азии: сравнительный анализ: автореферат ... д.и.н. - КазНУ им ал-Фараби. Алматы, 2008, – 50 с.

44. Жўраев Б.А. Бозор иктисодиёти шароитида Давлат бюджетининг роли: и.ф.н. ... авторферат. – БМА: Тошкент, 2001. – 21 б.

45. Козлов Н.И. Финансовое обеспечение реализации полномочий местного самоуправления автореферат ... к.э.н. – ФГБОУ ВПО «Государственный университет – учебно-научно-производственный комплекс». - Орел, 2012. – с. 25.

46. Космамбетов Т. Стабилизация национальной финансовой системы: на примере Республики Казахстан: автореферат ... к.э.н. – Москва, 2001. – 24 с.

47. Қосимова Г.А. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсатининг роли (Ўзбекистон Республикаси мисолида): и.ф.н. ... авторферат. – БМА: Тошкент, 2001. – 21 б.

48. Қосимова Г.А. Соғлиқни сақлаш тизими харажатларини режалаштириш ва молиялаштиришни такомиллаштириш истиқболлари//Бизнес-эксперт. – Т., 2016. - №11(107)-2016. Электрон манба: Қурбонов Х.А. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш: и.ф.н. ... автореферат. – Тошкент: БМА, 2010. – 22 бет.

49. Мингишов Л.Ў. Ўзбекистоннинг экспорт рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари: и.ф.б.ф.д.дис. ... автореферати. – Т.: ЖИДУ, 2018. – 49 б.

50. Моисеев А.К. Макрофинансовая политика экономического роста: автореферат ... д.э.н. – Институт народнохозяйственного прогнозирования РАН. – Москва, 2017. – с. 45.

51. Набиев Д.Х. Таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш масалалари (Ўзбекистон ўрта махсус, касб-хунар таълим тизими мисолида): и.ф.н. ... автореферати: -Тошкент: БМА, 2005.–22 б.

52. Пардаев У.У. Давлат бюджетини прогнозлаштириш услубиётини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. (PhD) ... автореферати. – Тошкент: ТМИ, 2018. – 58 б.

53. Пулатов Д.Х. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети газна ижросини такомиллаштиришнинг методологик жиҳатлари: и.ф.д. (DSc) ... автореферат. – Т.: БМА, 2017. – 68 б.

54. Райимбердиева О.Р. Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиявий таъминлашни ташкил қилиш: и.ф.н. ... автореферати: - Тошкент: БМА, 2001. – 22 б.

55. Раҳмонов Д.А. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштириш//и.ф.н. ... автореферат. – Т.: БМА, 2012. – 25 б.

56. Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш: и.ф.д. (DSc) ... автореферати. – Тошкент: ТДИУ, 2018. – 72 б.

57. Саакян А.Р. Влияние демографических и социальных факторов на экономическое развитие Японии во второй половине XX - начале XXI вв: автореферат ... к.э.н. – Москва: ИААМГУ им. Ломоносова, 2017. – 31 с.

58. Суванов А.Т. Маҳаллий бюджетлар ижроси самарадорлигини ошириш йўналишлари (Наманган вилояти мисолида): и.ф.н. ... автореферат. – Тошкент: БМА, 2005. – 21 бет.

59. Товгазова А.А. Налоговое стимулирование инновационной деятельности как фактор диверсификации будущих налоговых доходов: автореферат ... к.э.н. – Москва: РАНХГ при ПРФ, 2016. – 24с. Турабов Б.Т. Бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш масалалари: и.ф.н. ... автореферат. – Тошкент: БМА, 2007. – 20 бет.

60. Турабов Б.Т. Бюджетдан молиялаштириладиган муассасаларда бюджет интизомини мустаҳкамлаш масалалари: и.ф.н. ... автореферат. – Тошкент: БМА, 2007. – 20 бет.

61. Халикова Ш.Б. Реформирование системы государственного управления в контексте политической модернизации Республики Казахстан: автореферат ... PhD в политология. – КазНУ им ал-Фараби. Алматы, 2009. – 32 с.

62. Чигирев В. Ю. Бюджетирование, ориентированное на результат, и его реализация в органах Федерального казначейства: автореферат ... к.э.н. – СарГСЭУ, Саратов. - 2007. – 20 с.

63. Чистилина М.А. Методика оценки результативности и эффективности бюджетного финансирования высших учебных заведений: автореферат ... к.э.н. – Иваново, 2012. - - 22с.

Фойдаланилган бошқа адабиётлар

64. Бюджетный кодекс Российской Федерации от 31.07.1998 N 145-ФЗ (ред. от 27.12.2018).

65. Бюджетный кодекс Республики Казахстан от 4 декабря 2008 года № 95-IV.

66. Мукимов З. Амир Темур тузуклари (тарихий-хукукий тадқиқот). Иккинчи тўлдирилган нашри. – Самарқанд: СамДУ, 2008. – 131 бет.

67. Постановление Правительства РФ от 15 апреля 2014 г. N 320 "Об утверждении государственной программы Российской Федерации "Управление государственными финансами и регулирование финансовых рынков" Система ГАРАНТ: <http://base.garant.ru/70644234/#ixzz6J0nHxigV>

68. Распоряжение Правительства РФ от 30 декабря 2013 г. N 2593-р "Об утверждении Программы повышения эффективности управления общественными (государственными и муниципальными) финансами на период до 2018 года". Система ГАРАНТ: <http://base.garant.ru/70555830/#ixzz6J0IXoaVV>

69. Смит А. "Исследование о природе и причинах богатства народов". http://www.pseudology.org/business/Adam_Smith_Bogatstvo_narodov2.pdf

70. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти маълумотлари. <https://www.mf.uz/uz/news/2851.html>

71. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари. <https://stat.uz/uploads/docs/Sns-1991-2017-uz.pdf>

72. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари. <https://stat.uz/uploads/docs/tur-dar-17uz1.pdf>

73. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари: <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-gks/5431-ozbekiston-respublikasining-tashqi-savdo-aylanmasi-2019-yil-yanvar>

74. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси: Ўзбекистон Республикасида аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигининг ривожланиш таҳлили, 2018 й.

75. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси: Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимининг асосий кўрсаткичлари статистикаси, 2018 й.

76. Rindermann H., Sailer M., Thompson J. The impact of smart fractions, cognitive ability of politicians and average competence of peoples on social development//Talent Development & Excellence, 2009. - №1(1). - pp. 3-25.

77. <http://edu.uz/uz/otm/index> сайти маълумотлари асосида ҳисобланган.

78. <http://www.cbu.uz/uzc/press-tsentr/press-relizy/2018/07/128270/> сайти маълумотларидан олинди.

79. <https://www.gazeta.ru/business/2018/12/14/12095677.shtml>

80. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/02/14/yevrobondlar/>

Д.А.РАХМОНОВ, А.У.ШЕРОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА БЮДЖЕТ СИЁСАТИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

(Монография)

Тошкент – «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи» – 2020.

Муҳаррир: Ф. Ҳикматов
Тех. муҳаррир: А.Мойдинов
Мусаввир: А.Шушунов
Мусахҳиҳа: Ш.Мирқосимова
Компьютерда саҳифаловчи: М.Зойирова

Нашр лиц. А1 009 20.07.2018 й.
Босишга руҳсат этилди 11.11.2020 й.
Бичими 60x84 1/16. Times гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табағи 8,0.
Нашриёт босма табағи 7,5.
Тиражи 100. Буюртма № 180.

«Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи»
босмаҳонасида чоп этилди.
100066, Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 171-уй

18.600 c



ISBN 978-9943-6730-7-6



9 789943 673076